



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ 2023

Тошкент 2024

ҚИСҚАРТМАЛАР

ACCA	Association of Chartered Certified Accountants (<i>Сертификатланган Дипломли Бухгалтерлар Ассоциацияси</i>)
AFI	Молиявий оммабоплик альянси
ARIMA	Autoregressive integrated moving average (<i>Эконометрик модел</i>)
BigTech	Йирик технологик корхоналар
CFA	Chartered Financial Analyst (<i>Сертификатланган молиявий таҳлилчи</i>)
CIR	Операцион самарадорлик кўрсаткичи
DSGE	Динамик стохастик умумий мувозанат модели
DSTI	Кредит тўловининг даромадга нисбати
ESG	Environmental, social, and governance (<i>Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув</i>) рейтингли
IPO	Initial Public Offering (<i>Акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириши</i>)
LCR	Ликвидлиликни қоплаш меъёри (<i>Банк тизимида қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи</i>)
LTV	Кредит суммасини гаров суммасига нисбати
MIDAS	Mixed-data sampling (<i>Эконометрик модел</i>)
NFC	Near field communication (<i>Қисқа масофали контактсиз тўлов технологияси</i>)
NPL	Nonperforming Loan (<i>Муаммоли кредитлар</i>)
NSFR	Соф барқарор молиялаштириш меъёри (<i>Банк тизимида узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи</i>)
OTP	Бир марталик тасдиқлаш коди
PMI	Глобал иқтисодий фаоллик индекси (<i>Purchasing Managers' Index</i>)
PwC	“PricewaterhouseCoopers” халқаро аудиторлик ташкилоти
ROA	Банк тизими активлар рентабеллиги
SupTech	Марказий банк тизимида самарали ва юқори технологик назорат тизими
АЖ	Акциядорлик жамияти
АИТБ	Акциядорлик инновация тижорат банки
АТ	Акциядорлик тижорат
АТБ	Акциядорлик тижорат банки
АТИБ	Акциядорлик тижорат ипотека банки
БМТ	Бирлашган миллатлар ташкилоти
ДҚҚ	Давлат қимматли қоғозлари
ЕТТБ	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
ИНИ	Истеъмол нархлари индекси
ИЧНИ	Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси

КАТМ	“Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси” МЧЖ
ҚҚС	Қўшилган қиймат солиғи
МБК	Молиявий барқарорлик кенгаши
МТБ	Маҳсулот тақсимотида оид битимлар
МУНИС	Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими
МҲҲС	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари
МЧЖ	Масъулияти чекланган жамият
НКТ	Нобанк кредит ташкилотлари
НОК	Нархларни онлайн кузатиш тизими
ОАВ	Оммавий ахборот воситалари
ОПЕК+	Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти
СДР	ХВЖдаги маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар
ФАТФ	Financial Action Task Force on Money Laundering <i>(Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ)</i>
ФЗТ	Федерал захира тизими
ХАБ	Хусусий акциядорлик банки
ХАТБ	Хусусий акциядорлик тижорат банки
ХВЖ	Халқаро валюта жамғармаси
ХМИ	Халқаро молия институтлари
ХМТ	Халқаро меҳнат ташкилоти
ЮЛА	Юқори ликвидли активлар
ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
I. 2023 ЙИЛДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР	13
1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши	13
1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар.....	13
1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори	17
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши	24
1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар	31
1.2.2. Глобал иқтисодиёт ва жаҳон хомашё бозорларидаги ўзгариш ва кутилмалар.....	35
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар.....	38
1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари.....	45
II. 2023 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ	51
2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлик ҳолати	51
2.1.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	55
2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар таҳлили	58
2.1.3. Банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда қўлланилган пруденциал ва макропруденциал чора-тадбирлар.....	62
2.1.4. Аҳолининг қарз юки	66
2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари	68
2.3. Кредит ва тўлов ташкилотлари инфратузилмаси	72
2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ва тўлов ташкилотлари	72
2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти.....	72
2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш	76
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги	77
2.5. Кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	83
2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	83
2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	88
2.5.3. Тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	90
2.5.4. Таваккалчиликка асосланган банк назоратини амалиётга жорий этиш.....	91
2.5.5. Молиявий мониторинг, иқтисодий санкциялар ва экспортга тақиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқариш	93
III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ	96
3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш.....	96

3.1.1. 2023 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили	96
3.1.2. Пул-кредит сиёсати операцион механизмидаги ўзгаришлар	99
3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари	100
3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили.....	102
3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялари таҳлили.....	105
3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили	106
3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари.....	109
3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш	113
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили	114
3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили	118
3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати	122
IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОФЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК	127
4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти	127
4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши	130
4.3. Тўлов хизматлари бозорида финтех компаниялари фаолияти	135
4.4. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш.....	138
4.5. Марказий банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш	139
V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	142
5.1. Нақд пул айланмаси ва унинг ўзгариш динамикаси	142
5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши	144
5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар	146
VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ	149
6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш	149
6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш	150
6.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	153
6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.....	154
VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	157
7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик.....	157
7.2. Халқаро рейтинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик .	160
VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ.....	162

8.1. Ташкилий тузилма.....	162
8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш	162
8.3. Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар	164
8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш.....	166
8.5. Марказий банк фаолиятидаги таҳлил ва тадқиқотлар	167
8.6. Ички аудит ва комплаенс-назорат фаолияти	171
IX. ИЛОВАЛАР	175

КИРИШ

Марказий банкнинг 2023 йилдаги фаолияти бир томондан, иқтисодиётда юқори инвестицион ва ишлаб чиқариш фаоллигининг кучайиши, давлат томонидан молиявий кўллаб-қувватлашни давом эттирилиши шароитида инфляция даражасини прогноз кўрсаткичи доирасида шаклланишини таъминлашга, иккинчи томондан, глобал инфляцион жараёнларнинг секинлашишига қарамасдан ташқи ресурслар жалб қилишнинг қимматлашуви шароитида банк тизимининг молиявий барқарорлигини мақбул даражада сақлаб қолишга қаратилди.

2023 йилнинг I чорагидан бошлаб инфляция даражасининг пасайиш тенденциясига ўтганлиги 2022 йилда инфляцион кутилмаларни жиловлаш мақсадида асосий ставкага кўйилган кўшимча юкломани пасайтириш имконини берди. Асосий ставка 15 фоиздан 14 фоизга туширилди ва **“нисбатан қатъий”** пул-кредит шароитлари сақлаб қолинди.

2023 йилда ҳам пул-кредит сиёсати механизмларини инфляцион таргетлаш режими стандартларига мослаштириш жараёнлари давом эттирилиб, банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш ва тижорат банкларининг ўз ликвидлигини бошқариш жараёнларини соддалаштириш мақсадида Халқаро молия институтлари ва консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда операцион механизмга бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, тижорат банклари учун умумий ликвидликни қайта тақсимлаш орқали ликвидликни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида банклараро пул ва РЕПО бозорларининг банк тўлов куни ёпилганидан сўнг 30 дақиқа давомида очиқ бўлишини таъминлаш ҳамда Марказий банкнинг пул-кредит операцияларидан банк тўлов куни ёпилганидан сўнг 1 соат давомида фойдаланиш амалиёти жорий этилди.

Банклардаги ликвидлик узилишларини олдини олиш ва тўлов тизимининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида кун давомидаги кредит инструменти ҳамда валюта гарови асосидаги овернайт ва 1 ҳафтагача бўлган кредит аукционлари йўлга қўйилди.

Пул-кредит операцияларини амалга оширишда кредит хатарини минималлаштириш мақсадида ликвидликни тақдим этишга мўлжалланган операциялар бўйича гаров мулкига нисбатан 5 фоизлик чегирмалар қўллаш тартиби 2024 йилдан амалиётга татбиқ этилиши белгиланди.

2023 йилда банк тизими умумий ликвидлик ҳолатидаги ўзгаришлар Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш, хусусан ликвидликни тақдим этиш операцияларига бўлган талабни оширди.

2023 йилда тижорат банкларига Марказий банкнинг ликвидликни тақдим этиш операциялари овернайт РЕПО ва овернайт СВОП орқали мос равишда жами 279,3 ва 50,9 трлн сўмлик ёки 2022 йилга нисбатан мос равишда 8 баробарга ва 5,8 баробарга кўп ликвидлик тақдим этилди.

Август-ноябрь ойларида банк тизимидаги тизимли ликвидликнинг қисқариб бориши фонида муомалада мавжуд бўлган жами 26 трлн сўмлик Марказий банк облигациялари сентябрь ойига келиб тўлиқ сўндирилди.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиб борилиши инфляцияга монетар омиллар таъсирини камайтириб, пул бозорида амалга оширилган операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставка тўлиқ фоиз коридори доирасида ўртача йиллик 14,2 фоиз, реал фоиз ставкалари 3,7-4,8 фоиз оралиғида шаклланишига хизмат қилди.

Инфляция даражасига номонетар омиллар таъсирини камайтириш мақсадида ҳудудлардаги марказий бозорларда асосий турдаги 20 хил истеъмол товарлари нархининг ҳафталик мониторинги, шунингдек йирик супермаркетлар веб-саҳифалари ва интернет дўконларидаги товарлар нархларини онлайн кузатиш (НОК) тизими орқали 1 000 га яқин нархларни тезкор кузатиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Нархлари ошиши прогноз қилинаётган асосий истеъмол товарлари, нархлар кузатуви бўйича олинган маълумотлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар мунтазам равишда ҳукуматга тақдим этиб борилди.

Пул-кредит соҳасидаги ушбу чора-тадбирлар инфляция даражасини юқори суръатларда ўсишини жиловлаш имконини бериб, 2023 йил якунлари бўйича инфляция даражаси **8,8** фоиз атрофида шаклланди.

Тадбиркорлик муҳитининг янада яхшиланиб бориши ҳамда муқобил молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги шароитида хусусий секторнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк кредитларига бўлган талаб юқориликча қолмоқда.

Ушбу юқори талабни қондириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига жами 251,4 трлн сўм (2022 йилга нисбатан қарийб 24 фоизга кўп) кредит маблағлари йўналтирилиб, жами кредит қўйилмалари қолдиғи қарийб 497 трлн сўмга етди.

Ажратилган кредитлар ҳажмининг ўсиши барча иқтисодиёт тармоқларида кузатилган бўлиб, кредит қўйилмалари қолдиғи саноат соҳасида (ўсиш 10,7 фоиз) 140,2 трлн сўмни, қишлоқ хўжалигида (12,3 фоиз) 47,3 трлн сўмни, транспорт ва коммуникация соҳасида (15,7 фоиз) 34,3 трлн

сўмни, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (12,5 фоиз) 32,5 трлн сўмни ҳамда қурилиш соҳасида (18 фоиз) 12,3 трлн сўмни ташкил қилди.

Марказий банкнинг макропруденциал сиёсати глобал иқтисодиётдаги ноаниқликларнинг давом этиши шароитида банк тизимининг молиявий барқарорлигини мақбул даражада таъминлашга ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган хатарларнинг банклар капитали ва ликвидлигига бўлган салбий таъсирларини минималлаштиришга йўналтирилди.

Бу борадаги вазифалар доирасида банклар фаолияти доимий равишда Жаҳон банки экспертлари кўмагида ишлаб чиқилган назорат индикаторлари ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиниб, турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказилиб борилди.

Шунингдек, муаммоли кредитларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирларини олдини олиш ва уларнинг салмоғини камайтириш мақсадида банкларнинг кредит портфели мунтазам равишда банклар, ҳудудлар кесимида, сегментларга ажратилган ҳолда таҳлил қилиб борилди. Шунингдек, ҳудудларда масъуллар фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда баҳолаш асосида вертикал назорат тизими жорий этилди.

Ушбу тадбирлар ҳисобига 2023 йил якунлари бўйича банк тизимида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 3,5 фоиз (2022 йил якунида 3,6 фоиз) атрофида сақлаб қолишга эришилди.

Банк тизими фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга йирик таваккалчиликларни бошқариш ва уларнинг банклар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиб бориш мақсадида банк тизими кредит портфелидаги топ-50 та қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Мониторинг жараёнидаги мавжуд заифликлар Марказий банк Бошқаруви йиғилишларида муҳокама қилиниб, тижорат банклари томонидан йирик **20 та қарздорни** мунтазам равишда мониторинг қилиш ва натижалари бўйича Марказий банкка маълумотлар тақдим этиб бориш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан капитал монандлигини ҳисоблаш методологияси **Базель кўмитасининг стандартларига** мувофиқлаштириш ишлари 2023 йилда ҳам давом эттирилди.

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, тадбиркорлик

фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарорлар асосида 2024-2026 йилларда микромолиялаш бозори ҳажми ва хизматлар кўламини ошириш, микромолия ташкилотлари ресурс базасида жисмоний шахслар улушини кўпайтириш, ўзини ўзи банд қилиш ва бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш асосида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қамраб олинганлик даражасини ошириш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Шунингдек, микромолия ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш ва уларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида норезидентлардан хорижий валютада қарз маблағларини жалб қилиш ва юридик шахсларга хорижий валютада молиявий хизматлар кўрсатиш, тегишли лицензия олган ҳолда тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилди.

Микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача оширилиб, ҳудудларда микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантиришга қаратилган базавий банк хизматларини кўрсатувчи микромолия банкларини ташкил этиш ва микромолия ташкилотларини микромолия банкларига трансформация қилиш механизмининг яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳисобот йилида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мослаштириш ва уларни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳада таваккалчиликларни бошқариш ва тўлов тизимларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида муҳим тўлов тизими операторини аниқлашнинг мезонлари белгиланди.

Ҳисоб-китоблар клиринг тизимининг дастурий таъминоти такомиллаштирилиб, коммунал тўловлар, давлат божлари ва жарималар, давлат хизматлари тўловлари ҳамда бошқа тўловлар бўйича воситачилик ҳақини маблағларни олувчи ташкилотлар (бенефициарлар)дан ундириш механизми жорий этилди. Аҳолидан мазкур тўловларни амалга оширишдаги воситачилик ҳақи олиш амалиёти бекор қилинди.

Ушбу воситачилик ҳақининг маблағ олувчилардан ундирилиши, ўз навбатида, аҳолининг 85 млрд сўмдан ортиқ маблағлари тежаб қилинишига имкон берди.

Банк карталари фойдаланувчилари учун “Humo” ва “Uzcard” ўртасида банкоматлар тармоғини ўзаро интеграция қилиш орқали мазкур банкоматлардан муқобил фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилиб, нақд пул ечиш бўйича операциялар тўлиқ амалга оширилиши йўлга қўйилди.

2023 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони 46,2 млн донага етиб, 2022 йилга нисбатан 35 фоизга ўсган бўлса, аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи кобейджинг банк карталари сони 1,7 баробарга ошиб, 3,1 млн донага етди.

Тўлов тизимлари жараёнида юзага келаётган, яъни банк карталаридан пул маблағларини фирибгарлик йўли билан ечилиши ҳолатларини олдини олишга қаратилган киберхавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда.

Хусусан, мобил иловалар орқали пул маблағларини ўтказишда мижозларни биометрик идентификациядан ўтказиш, пул ўтказмаларини тасдиқлаш ва мобил akkaунтларидан фойдаланишда қўшимча хавфсизлик талаблари жорий этилиб, ушбу механизмлар ёрдамида банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик операцияларини олдини олиш имкони яратилди.

Ўз навбатида, тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари томонидан ўзларининг мобил иловаларидан фойдаланишда мижозлар учун банк карталари маълумотларини, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган бир марталик тасдиқлаш OTP кодларини ҳеч кимга ошкор этмаслик тўғрисидаги огоҳлантиришлар, мобил иловалардан хавфсиз фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларни бериб борилиши ҳамда мобил иловалардан фойдаланишда кўп факторли аутентификация методларини қўллаш жараёнлари бошланди.

Тижорат банклари томонидан Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот ва маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш ҳамда банклар фаолиятини масофадан туриб назорат қилиш мақсадида SupTech лойиҳалари асосида ҳисоботлар ва электрон талабномаларни ўрганиш амалиётини жорий этиш бошланди.

Ҳисобот йилида трансформация жараёнлари доирасида “яшил” молиялаштиришни рағбатлантириш, экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш дастурларида банклар фаолигини ошириш мақсадида аҳоли учун қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шамол генераторлари ва бошқа қурилмалар сотиб олиш учун **Green product** кредит маҳсулоти йўлга қўйилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун эса, қуёш панеллари ўрнатиш, электромобилларни қувватлаш станциялари ташкил қилишга мўлжалланган, соддалаштирилган шартлардаги **Green Energy Microloan** кредит маҳсулотлари жорий қилинди.

Банклар томонидан кўрсатиладиган банк хизматларини аҳолининг барча қатламларига етказиш, жумладан, банк хизматлари кўрсатиш марказлари билан олдин қамраб олинмаган ҳудудларда ихчам ва банкнинг барча хизматларини кўрсатувчи офислар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадларда амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида банк хизматлари кўрсатиш нуқталари сони 13 761 тага етказилиб, 2023 йилда банклар томонидан республика ҳудудлари бўйлаб қўшимча 286 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари, уларнинг 88 таси банк хизматлари кўрсатиш марказлари фаолияти олдин қамраб олинмаган ҳудудларда ташкил этилди.

Шунингдек, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳамда молиявий оммабопликни ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Мазкур ҳисоботда юқорида қайд этилган ва банк тизимида 2023 йил давомида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда Марказий банкка амалдаги қонунчиликка мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

I. 2023 ЙИЛДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР

1.1. Ички иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

1.1.1. Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватловчи омиллар

2023 йилда ташқи молиявий шароитлар қатъийлиги фонид а иқтисодиётга ажратилган кредитлар, фискал харажатлар ва хусусий инвестициялар ҳажмининг ортиши талаб томондан иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлди.


Хусусан, 2023 йилда иқтисодиётни молиялаштириш мақсадларига жами **251,4** трлн сўм ёки 2022 йилга нисбатан қарийб **24** фоизга кўп кредит маблағлари йўналтирилиб, жами кредит қўйилмалари қолдиғи қарийб 497 трлн сўмга етди.

Аҳолига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2022 йилга нисбатан 47,0 фоизга кўпайиб, **148,2** трлн сўмни, **тадбиркорлик субъектларига** ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 15,3 фоизга ўсиб **348,5** трлн сўмни ташкил этди.

Ажратилган кредитлар таркибида аҳолига ажратилган кредитлар улушининг ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида, кредит ажратиш жараёнларининг соддалаштирилиши ва масофавий банк хизматлари имкониятларининг кенгайиб бориши ҳисобига аҳолининг микроқарз, ипотека кредити ва автокредитлар йўналишлардаги кредитлар ҳажмининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

1.1.1.1-чизма

Иқтисодиёт тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғининг ўсиши



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда иқтисодиёт тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи ҳажмининг ўсиши барча тармоқларда кузатилиб, саноат соҳасида (*ўсиш 10,7 фоиз*) **140,2** трлн сўмни, қишлоқ хўжалигида (*12,3 фоиз*) **47,3** трлн сўмни, транспорт ва коммуникация соҳасида (*15,7 фоиз*) **34,3** трлн сўмни, қурилиш соҳасида (*18 фоиз*) **12,3** трлн сўмни ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (*12,5 фоиз*) **32,5** трлн сўмни ташкил қилди.

Иқтисодиёт ривожини қўллаб-қувватлашда **хусусий инвестицияларнинг** юқори суръатларда ўсиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, 2023 йилда иқтисодиётдаги барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган **инвестициялар** ҳажми 2022 йилга нисбатан реал ҳисобда **22,1** фоизга ўсиб, **352,1** трлн сўмга етди. Бунда, марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2022 йилга нисбатан **26,2** фоизга ўсиб **307,3** трлн сўмни, **марказлашган инвестициялар** эса **0,7** фоизга қисқариб **44,8** трлн сўмни ташкил этди.

1.1.1.1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши, млрд сўмда

Молиялаштириш манбалари	2022 йил	2023 йил	Ўзгариш, фоизда
Жами инвестициялар	269 857,5	352 064,1	22,1
Марказлашган инвестициялар	41 548,1	44 806,8	-0,7
Бюджет маблағлари	20 910,1	20 447,0	-11,4
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	2 447,9	1 554,2	-42,0
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	15 256,5	21 153,4	30,3
Марказлашмаган инвестициялар	228 423,6	307 257,3	26,2
Корхоналарнинг ўз маблағлари	84 513,9	84 936,4	-2,7
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	97 095,4	166 731,4	56,2
<i>шу жумладан,</i>			
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	<i>37 006,3</i>	<i>84 311,6</i>	<i>96,4</i>
Аҳоли маблағлари	25 738,1	33 321,7	8,9
Тижорат банклари кредитлари	21 076,2	22 267,8	17,9

Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Ҳисобот йилида ўзлаштирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида **марказлашмаган инвестицияларнинг** улуши 2022 йилдаги 84,6 фоиздан 87,3 фоизгача ошган бўлса, **марказлашган инвестициялар** улуши эса 15,4 фоиздан 12,7 фоизгача қисқарган.

Марказлашмаган инвестицияларнинг ўсиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг қарийб **2,0 баробарга** ҳамда тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағларининг **17,9** фоизга, аҳоли маблағларининг **9** фоизга ошганлиги ҳисобига шаклланган.

Марказлашган инвестициялар ҳажмининг реал ўсиши қарийб ўтган йил даражасида сақланиб қолган бўлсада, унинг таркибида **ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар 1,3 баробарга** кўпайди.

2023 йилда глобал инфляция жараёнларида секинлашиш кузатилган бўлсада, халқаро молия бозорида ресурсларнинг нархи юқори сақланиб қолаётганлиги шароитида иқтисодиётда номутаносибликларнинг юзага келишини олдини олишга қаратилган дастурларни амалга оширилиши давлат томонидан иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттиришни тақозо қилди.

Проциклик фискал сиёсат юритишнинг инфляцияга босимларини камайтириш мақсадида нисбатан қатъий монетар сиёсат юритиш орқали фискал ва монетар сиёсатлар ўзаро мувофиқлаштириб борилди.

Хусусан, давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатлари 2022 йилга нисбатан 18 фоизга ўсиб, 324,0 трлн сўмга етди. Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари харажатлари таркибида ижтимоий соҳа 42,3 фоизни, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш харажатлари 13,2 фоизни ҳамда ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш дастурлари 9,1 фоизни ташкил этди.

2023 йилда умумий фискал дефицитнинг ЯИМга нисбати 2022 йилдаги 4 фоиздан 5,5 фоизгача ошди.


Ҳукумат томонидан аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга, уларнинг даромад топишга қаратилган муайян меҳнат билан шуғулланишига ва касбга ўргатишга кўмаклашиш, иш хақи ва ижтимоий нафақаларнинг оширишга қаратилган дастурларнинг давом эттирилиши аҳоли умумий даромадларининг юқори ўсишига таъсир этувчи омиллардан бўлди.

Аҳоли умумий даромадларининг ўсиши, истеъмолга бўлган талабни ошириб, иқтисодиётда уй хўжаликлари истеъмолининг 6,1 фоизга ўсишига хизмат қилди.

Хусусан, 2023 йилда аҳоли умумий даромадлари 2022 йилга нисбатан реал ҳисобда **4,6** фоизга ошиб, **728,8** трлн сўмни ташкил этди. Ушбу ўсиш асосан давлат сектори ва иқтисодиёт тармоқларида ўртача реал иш ҳақи миқдорининг **6,6** фоизга, ижтимоий трансфертлар ҳамда меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг мос равишда **1,2 баробарга** ошиши ҳисобига шаклланди.

1.1.1.2-чизма

Аҳоли даромадларининг шаклланиш манбалари улуши



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Аҳоли даромадлари таркибида **меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар** энг юқори, **64** фоиз улушга эга бўлиб, ушбу даромадларнинг 54 фоизини ўзини ўзи банд қилишдан олинган даромадлар ташкил этган. Шунингдек, **мол-мулкдан олинган даромадлар** 2022 йилга нисбатан **40** фоизга, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар **18,5** фоизга ошган.

Бошқа жорий трансфертларнинг умумий аҳоли даромадларидаги улуши нисбатан пасайиш динамикасига эга бўлиб, ушбу ҳолат **халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари** ўсиш ҳажмининг ўзининг тарихий динамикасига қайтганлиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, аҳоли даромадларининг ошиши, бир томондан, истеъмол талабини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, ялпи талаб ва ялпи тақлиф ўртасидаги мутаносибликларнинг ошиб бораётганлиги шароитида иқтисодиётда инфляция босимларни кучайишига олиб келади.


1.1.2. Ишлаб чиқариш фаоллиги ва меҳнат бозори

2023 йилда инвестицион фаолликнинг ортиб бориши, энергия тарифларидаги ўзгаришлар ҳамда энергия таъминотидаги камчиликларни тадбиркорлик фаолиятига таъсирини юмшатиш бўйича кўриб борилган чоралар ЯИМнинг юқори ўсишини сақлаб қолишга шароит яратди.

2023 йилда ЯИМнинг номинал қиймати **1 066,6** трлн сўмни ташкил этиб, ишлаб чиқариш фаоллиги ва ялпи талабнинг ошиши шароитида иқтисодий ўсиш 2022 йилдаги 5,7 фоиздан **6,0** фоизгача тезлашди.

1.1.2.1-чизма

Иқтисодий тармоқларнинг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

2023 йилда ЯИМ ҳажмининг **6,0** фоизлик ўсишига **хизматлар соҳаси – 2,6** фоиз, **саноат тармоғи – 1,5** фоиз, **қишлоқ хўжалиги – 0,9** фоиз ҳамда **қурилиш соҳаси – 0,4** фоиз ҳисса қўшди.

Хизматлар соҳанинг **6,8** фоизга ҳамда **саноат тармоғининг 6,0** фоизга ўсиши 2023 йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий драйверлардан бўлди. Шунингдек, 2023 йилда **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми **4,1** фоизга ва **қурилиш** ишлари ҳажми **6,4** фоизга ўсди.

Ишлаб чиқариш тармоғига йўналтирилган инвестицияларнинг сезиларли кўпайиши, ташқи геосиёсий нобарқарорликлар таъсирида ички бозордаги талабнинг ошиши **саноат соҳасини** юқори суръатларда ўсишига имкон берди.

Саноат соҳасининг **ишлаб чиқариш тармоғида** ўсиш 2022 йилдаги 5,4 фоиздан **6,7** фоизгача тезлашган бўлсада, **тоғ-кон саноати** 1,9 фоиздан **1,0** фоизгача ҳамда **электр, газ ва буғ билан таъминлаш тармоғи** 13,5 фоиздан **9,7** фоизгача секинлашди.

Тоғ-кон саноатида ижобий ўсиш сақланиб қолган бўлсада, унинг таркибидаги **нефть** қазиб олиш **-2,3** фоизгача, **табиий газ** қазиб олиш **-9,6** фоизгача ҳамда **газ конденцати** қазиб олиш **-6,9** фоизгача қисқарди.


Ушбу ҳолат иқтисодиёт субъектларининг энергия манбаларига бўлган талаби юқорилиги сабабли мазкур товарлар импортининг ошишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, юқори суръатларда ўсиб бораётган талабни қондириш билан бирга ушбу ҳолатларнинг иқтисодий фаолликка салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилди.

2023 йилда ишлаб чиқариш саноати таркибида **озик-овқат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш **6,2** фоизгача, **нефтни қайта ишлаш** **27,1** фоизгача, **металлургия саноати** **6,4** фоизгача, **бошқа нometалл минерал маҳсулотлар** ишлаб чиқариш **11,3** фоизгача ҳамда **электр ускуналари** ишлаб чиқариш **14,8** фоизгача тезлашди.

Шу билан бирга, **тўқимачилик саноати** 2022 йилдаги **9,9** фоиздан **6,4** фоизгача ҳамда **ичимликлар** ишлаб чиқариш **15,7** фоиздан **6,3** фоизгача секинлашган бўлса, **кимё маҳсулотларини** ишлаб чиқариш **2,0** фоизга қисқарди.

1.1.2.2-чизма

Ишлаб чиқарадиган саноатнинг соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Кимё саноатидаги пасайиш энергетика тармоғидаги ва айрим хомашё маҳсулотлар етказилишидаги узилишлар ҳамда нефть ва табиий газ қазиб олишдаги қисқаришлар билан изоҳланади.

Аҳоли даромадларининг барқарор ўсиб бораётганлиги ҳамда хизматлар бозорига янги хизмат турларининг жорий этилаётганлиги бозор хизматлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатларида намоён бўлмоқда.

Хизматлар соҳаси таркибидаги **ахборот ва алоқа** (24,6 фоиз), **молиявий хизматлар** (20,6 фоиз), **транспорт** (8,0 фоиз), **савдо** (10,2 фоиз) ҳамда **яшаш ва овқатланиш** хизматлари (12,6 фоиз) юқори ўсиш суръатларини қайд этиб, хизматлар соҳасида кузатилган юқори ўсишни таъминловчи асосий драйвер тармоқлар бўлди.

Таълим хизматлари ўсиш суръатида 2022 йилдаги 15,3 фоиздан **22,8** фоизгача, **кўчмас мулк** билан боғлиқ хизматлар 11,1 фоиздан **13,3** фоизгача ҳамда **тиббиёт** хизматлари 11,5 фоиздан **11,6** фоизгача тезлашиш кузатилди.

Молиявий хизматларнинг юқори ўсишида банк хизматлари бозорида рақобатнинг кучайиб бораётганлиги, рақамли банк хизматларининг кўлами кенгаяётганлиги ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигининг ошиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ахборот ва алоқа хизматлари ўсиши эса, АКТ соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширилаётганлиги, рақамлаштириш соҳасида фаолият юритаётган халқаро компанияларни мамлакатимизга жалб қилинаётганлиги ва иқтисодиёт субъектларининг рақамли хизматларга талаби ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш суръатлари 2022 йилдаги 3,8 фоиздан **4,2** фоизгача, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш эса 3,3 фоиздан **3,7** фоизгача тезлашди.

Деҳқончилик маҳсулотлари таркибида донли экинлар етиштириш ҳажмлари ўсиши 2022 йилдаги 4,7 фоиздан **5,5** фоизгача, сабзаотлар етиштириш – 2,9 фоиздан **3,5** фоизгача кўпайган бўлса, полиз экинлари (5,5 фоиз) ва мевалар етиштириш (4,1 фоиз) ўтган йилга нисбатан секинлашди.

Чорвачилик маҳсулотлари таркибида мол ва парранда гўштини етиштиришнинг ўсиши 2022 йилдаги 3,4 фоиздан **3,9** фоизгача тезлашган бўлса, сут маҳсулотлари (2,9 фоиз), тухум (4,4 фоиз) ва балиқ (7,3 фоиз) етиштириш тармоқларида барқарор ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга хусусий секторни кенг жалб қилинаётганлиги яъни қишлоқ хўжалик ерларини танлов асосида деҳқончилик фаолияти учун ижарага бериш тизимининг амалиётга жорий қилиниши, соҳага илм-фан ва инновацияларнинг кенг жалб қилинаётганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг бозор механизми

асосида шаклланаётганлиги тармоқда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга шароит яратмоқда.

Қурилиш ишлари таркибида юқори ўсиш **ихтисослашган қурилиш ишларида** кузатилди ва бу йўналишдаги қурилиш ишлари ҳажми 2022 йилга нисбатан **35,0** фоизга ўсди. Шунингдек, **фуқаролик объектларини** қуриш йўналишида ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан тезлашиб, 2022 йилги 2,7 фоиз ўсишдан 2023 йил якунига **5,1** фоизга етган бўлса, **бино ва иншоотлар** қуриш йўналишида қурилиш ишлари ҳажми бирмунча секинлашиб **3,8** фоизга ўсди.

2023 йилда жами қурилиш ишларининг **30,2** фоизи **йирик корхоналар** ҳамда **45,8** фоизи **кичик корхона ва микрофирмалар** томонидан бажарилди.

Қурилиш соҳасидаги ўсиш асосан аҳолига имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари тақдим этилаётганлиги, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришнинг кенгайиб бораётганлиги ҳамда янги қурилиш лойиҳаларининг амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўсиш суръати 2022 йилдаги 20,7 фоиздан **7,3** фоизгача секинлашган бўлса, унинг таркибидаги **озик-овқат** ишлаб чиқаришнинг 9,6 фоиздан **6,2** фоизгача ҳамда **ноозик-овқат товарлари** ишлаб чиқариш 28,1 фоиздан **7,8** фоизгача секинлашди. Ушбу ҳолатни кейинги йилларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини юқори ўсиб бориши натижасида бу турдаги товарларга бўлган талабнинг барқарор фазага етганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2023 йилда иқтисодий фаолликнинг ошиб бориши натижасида савдо ҳажмлари ҳам барқарор ошиб, **чакана савдо** ҳажми 2022 йилга нисбатан **9,1** фоизга, **улгуржи савдо** ҳажми **12,1** фоизга ўсди.


Меҳнат бозори юқори малакали ишчи кучига бўлган талаб, хусусан иқтисодиёт тармоқларининг рақамлашиш даражаси ошганлиги ортидан соҳа мутахассисларига бўлган талабнинг ортиб бориши шароитда шаклланди.

Хусусан, **ишсизлик даражаси** 2022 йилдаги 8,9 фоиздан **6,8** фоизгача пасайди ҳамда иқтисодиётда **банд аҳоли сони** **14,2** млн нафарга (2022 йилга нисбатан 2,2 фоизга кўп) етди.

Жами банд аҳолининг **24,2** фоизи **қишлоқ хўжалиги**, **13,0** фоизи **саноат**, **10,8** фоизи **қурилиш**, **11,2** фоизи **савдо**, **4,5** фоизи **ташиш ва сақлаш**, **9,2** фоизи **таълим** ҳамда **5,0** фоизи **соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар** каби иқтисодиёт тармоқлари ҳиссасига тўғри келади.

1.1.2.3-чизма

Маҳсулот бирлигига меҳнат харажатларининг ўзгариши



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган меҳнат харажатлари охириги 5 йилда ўсиш динамикасини сақлаб қолган ҳолда ўртача **14,2** фоизни ташкил этди. Хусусан, 2022 йил якунлари бўйича меҳнат харажатлари 12,0 фоизга ошган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич **14,2** фоизни ташкил қилди. Ҳисобот даврида иш ҳақининг 19,6 фоизга ҳамда бандлик даражасининг 1,2 фоизга ошиши маҳсулот бирлигига ўртача меҳнат харажатларини оширувчи омил бўлган бўлса, ЯИМнинг 6,0 фоизлик ўсиши – туширувчи омил бўлган.

1-ҳавола

Мехнат бозоридаги тенденциялар

Жаҳонда юз бераётган турли хил шокларнинг меҳнат бозорига таъсири турлича шаклланмоқда. Ялпи талаб ва тақлифдаги номуносивликларига нисбатан меҳнат бозорининг секинроқ мослашиши шароитида макроиқтисодий сиёсат чораларини ишлаб чиқишда ушбу йўналишдаги таҳлилларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади.

Ўзбекистон аҳолиси 2024 йил 1 январь ҳолатига 36,8 млн кишини ташкил этиб, 2020–2023 йилларда аҳолининг ўртача ўсиш суръати 2,1 фоизгача (*ёки мутлақ ҳисобда йилига 700–800 минг киши*) тезлашган.

Таққослаш учун: 2010–2019 йилларда аҳолининг ўртача ўсиш суръати 1,7 фоизни (ёки 500–600 минг киши) ташкил қилган.


Аҳолининг салмоқли қисми (57 фоиз) меҳнатга лаёқатли ёш тоифасига киради. 2010 йиллардан бошлаб меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий аҳоли таркибидаги улуши аста-секин камайиб борган, бу 2000 йиллардан ҳозирги вақтгача туғилиш даражасининг ўсиб келаётгани билан боғлиқ. Бу, бир томондан, қисқа ва ўрта муддатли истиқболда демографик юкнинг ортиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан, узоқ муддатли истиқболда кўпроқ иш ўринларини яратиш заруратини оширади.

Сўнги ўн йилликда, Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг ижобий динамикаси сақланиб қолган ҳолда 2022 йилда иқтисодий фаол аҳоли сони (*2016 йилга нисбатан 1 млн нафарга кўп*) қарийб 15 млн кишини (*жами аҳолининг 41,7 фоизини*) ташкил этди. Ушбу тафовут инсон капиталининг ортиб бораётган захирасини ифодалайди.

Меҳнат бозори иқтисодий тенденцияларга мос равишда шаклланиб, бозордаги вазият барқарорлигича сақланмоқда. 2023 йилнинг I ярми якунларига кўра, ишсизлик даражаси 8,1 фоизни ташкил этди. Ишчи кучи тақлифи (*иш қидириш билан боғлиқ сўровлар сони*) йил давомида ошиб, республика бўйлаб пойтахтдан иш қидириш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари платформаси орқали давлат хизматига бўлган сўровлар юқори шаклланди.

1-чизма


Иқтисодиёт тармоқлари бўйича бўш иш ўринлари сони



Манба: Очiq маълумотлар асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

2-чизма

Бандликнинг ўсиш суръати



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

2023 йилнинг декабрь ойида эълон қилинган ишчи кучига бўлган талаб 49 мингдан ортиқни ташкил қилган. Бўш иш ўринларини асосан чакана савдо (5,8 минг), ишлаб чиқариш (5,1 минг), умумий овқатланиш (4,3 минг) ва қурилиш (4 минг) соҳаларида тақлиф қилган (1-чизма).

Шу билан бирга, сўнгги маълумотларга кўра, бандлик даражасининг ўсиш суръати 2022 йилга нисбатан бироз секинлашди. 2023 йилнинг I ярми якуни бўйича иш билан банд аҳоли сони 13,9 млн кишини ташкил этди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 фоизга ўсди (2-чизма). Хусусан, саноат ва транспорт соҳаларида бандлар сони қисқарган бўлса, қурилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш секторларида ишчилар сони сезиларли ошган.

2023 йилда иқтисодиётдаги ўртача ҳисобланган номинал иш ҳақи 4,6 млн сўмни ташкил этди ва йиллик ҳисобда 17 фоизга ошди. Иш ҳақи ахборот ва алоқа (+40 фоиз), тапиш ва сақлаш (+37 фоиз), савдо (+26 фоиз) ва молия (+23 фоиз) соҳаларида сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (*ЯИМда қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ошиши*), айрим тармоқларда малакали ишчи кучига талабнинг юқорилиги, шунингдек, фискал рағбатлантириш сиёсати фонида сўнгги йилларда реал иш ҳақининг ошиши меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларига нисбатан юқорирак шаклланиб, ишлаб чиқариш харажатларини (*ULC – unit labor cost*)¹ оширмоқда. 2023 йилда қурилиш, савдо ва тапиш соҳаларида меҳнат унумдорлиги иш ҳақи ўсишидан ортда қолаётганлиги кузатилди. Меҳнат бозорига кузатилаётган ушбу тенденция нархларга маълум бир даражада оширувчи босим яратмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси

Меҳнат миграцияси жараёнлари пул ўтказмалари канали орқали аҳолининг умумий даромадлари, ички талаб ва тўлов баланси барқарорлигига таъсир кўрсатади. 2018-2023 йилларда жами аҳоли даромадларининг қарийб 16 фоизи меҳнат мигрантларнинг пул ўтказмалари ҳисобига тўғри келган.

Жорий меҳнат миграциясининг асосий оқими бир қанча яқин мамлакатларда, хусусан, пул ўтказмалари оқимининг асосий қисмини ташкил этувчи Россия ва Қозоғистонда тўпланган. Шу билан бирга, ушбу оқимларда географик диверсификация жараёнлари кузатилмоқда.

2022 йилдаги пул ўтказмаларининг атипик оқимидан сўнг (2,1 б.), 2023 йилда уларнинг даражаси барқарорлашган. Рублнинг долларга нисбатан юқори ўзгарувчанлиги, инфляция жараёнларининг кучайиши ва миграция оқимининг бироз қисқариши фонида Россиядан пул ўтказмаларининг улуши 2022 йилдаги 85,5 фоиздан 2023 йилда 77,8 фоизгача қисқарган.

¹ *Ишчи кучидан фойдаланиш даражаси (ULC) – бу бирлик ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат бирлиги нархини ўлчайдиган кўрсаткич.*


1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши

2023 йилда глобал иқтисодиёт ўзининг “барқарорлашган ўзгарувчанлик” (stabilized volatility) – янги анъанавий ноаниқликлар даврига ўтиб, бу ўз навбатида, геосиёсий жараёнларнинг иқтисодиётга кучайиб бораётган таъсири – инфляция, таъминот занжирларидаги узилишлар, бюджет харажатлари тузилмасидаги ўзгаришлар ва бошқа тенденцияларнинг ўзгариб бориши орқали намоён бўлмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси 2023 йилда глобал иқтисодий ўсиш 2022 йилга нисбатан **0,3** фоиз бандга секинлашиб, **3,2** фоизни ташкил этганини маълум қилди². Бунда, ривожланган мамлакатларда **иқтисодий ўсишнинг** 2022 йилдаги 2,6 фоиздан **1,6** фоизгача (*-1,0 ф.б.*) секинлашгани кузатилган бўлса, ривожланаётган иқтисодиётларда мазкур кўрсаткич 4,1 фоиздан **4,3** фоизгача тезлашди.

1.2.1-чизма

Инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичга (таргет) эриша олмаган мамлакатлар улуши




Инфляцион таргетлаш режимига ўтган мамлакатлар сони 74 та, бунда ривожланган мамлакатлар + Еврозона – 13 та, ривожланаётган мамлакатлар 61 та.

*2024 йилга инфляция бўйича прогноз IMF WEO, October 2023 шарҳидан олинган.

1.2.2-чизма

Глобал пул-кредит сиёсати индекси



Манба: Global Monetary Policy Tracker

*глобал пул-кредит индекси 0 дан катта бўлганда марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсати қатийлаштирилиши, 0 дан кичик – юмшатирилиши англатади.

Шунингдек, дунё бўйича инфляцион жараёнларини жиловлаш борасидаги чора-тадбирлар **глобал инфляцияни** 2022 йилдаги 8,7 фоиздан **6,8** фоизгача (*- 1,9 ф.б.*), ривожланган иқтисодиётларда 7,3 дан **4,6** фоизгача (*-2,7 ф.б.*), ривожланаётган иқтисодиётларда 9,8 дан **8,3** фоизгача (*-1,4 ф.б.*) секинлашувига замин бўлди.

² International Monetary Fund. 2024. World Economic Outlook – Steady but Slow: Resilience amid Divergence. Washington, DC. April.

Марказий банклар инфляция суръатларини секинлашувига эришган бўлсада, аксар регуляторлар инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичга эриша олмади.


Ҳисоб-китобларга кўра, глобал ноаниқликлар шароитида 2022 йилда инфляцион таргетлаш режимига ўтган мамлакатларнинг **92** фоизи таргетга эриша олмаган бўлиб, бунда ривожланган мамлакатларда 100 фоиз, ривожланаётган мамлакатларда 90 фоизни ташкил этди. 2023 йилга келиб мазкур кўрсаткич **62** фоиз, хусусан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мос равишда **85** ва **57** фоизни ташкил қилган.

Маълумот учун: 2024 йилда инфляцион таргетга эриша олмайдиган мамлакатлар улуши 43 фоизни, ривожланган мамлакатларда – 62 фоиз, ривожланаётган мамлакатларда – 39 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Умуман олганда, 2022 йил апрелда бошланган глобал қатъий пул-кредит сиёсати 2023 йилнинг сентябрга келиб якунланди. Global Monetary Policy Tracker маълумотларига кўра, 2023 йил якунлари бўйича глобал пул-кредит сиёсати индекси **-0,4** ни ташкил этиб, 2024 йилнинг биринчи ярмида сақланиб қолиши, яъни пул-кредит сиёсати юмшатилиш фазасида қолиши тахмин қилинмоқда.

1.2.3-чизма


Саноат сиёсатига оид қабул қилинган чоралар сони



Манба: Juhász, R., Lane, N. J., Rodrik, D. (2023), 'The new economics of industrial policy (No. w31538)', National Bureau of Economic Research.

1.2.4-чизма

Глобал савдо шароитларига таъсир қилувчи чоралар сони



Манба: Global Trade Alert

2-ҳавола

Фрагментация билан боғлиқ йўқотишлар

ХВЖ томонидан дунё шарқий, ғарбий ва нейтрал блокларга бўлинишнинг иқтисодий йўқотишлари баҳоланди¹. Бунда, энг қатъий сценарийда нейтрал блокка кирадиган ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ зарар кўриши хулоса қилинган. Хусусан, медиан ривожланган иқтисодиёт йўқотишлари миллий даромаднинг тахминан **0,9** фоизини ташкил этади. Бироқ, ривожланаётган Осиёдаги медиан мамлакат **80** фоизга, Жанубий Африкада **120** фоизга, Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда **150** фоизгача кўпроқ йўқотишларга дуч келиши мумкин. Яъни, геосиёсий бўлиниш харажатлари номутаносиб равишда кичик иқтисодиётга эга мамлакатларга сезиларли таъсир кўрсатади.

ЕТТБ мутахассислари френдшорингни (*ташқи сиёсатдаги иттифоқчилар билан таъминот занжирларини яратиш*) қўллаб-қувватлаш сиёсати натижасида иқтисодий йўқотишлар глобал ЯИМнинг **4,6** фоизини ташкил этиши мумкинлигини тахмин қилмоқда². ХВЖ ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон савдосининг бўлинишидан йўқотишлар глобал ЯИМнинг 7 фоизгача етиши мумкин³. Бошқа бир тадқиқотда ХВЖ мутахассислари жаҳон иқтисодиёти уч блокга (*шарқий, ғарбий, нейтрал*) бўлинса, блоклар ўртасидаги савдо айланмаси 57 фоизгача қисқариши, энг катта йўқотишлар эса шарқий блокда (*блокдаги медиан мамлакат миллий даромаднинг 3,4 фоизгача йўқотади*) деган хулосага келишган⁴. ХВЖнинг яна бир тадқиқотида кўра, фрагментация глобал иқтисодиётда хомашёнинг умумий нархлари ва ўзгарувчанлиги ошишига олиб келади⁵.

¹Hakobyan, S.; Meleshchuk, S.; Zymek, R. (2023), 'Divided We Fall: Differential Exposure to Geopolitical Fragmentation in Trade,' IMF Working Paper No. 2023/270

²Javorcik, B, L Kitzmüller, H Schweiger and M Yildirim (2022), 'DP17764 Economic costs of friend-shoring,' CEPR Discussion Paper No. 17764. CEPR Press, Paris & London.

³Bolhuis; M., Chen, J.; Kett, B. (2023), 'Fragmentation in Global Trade: Accounting for Commodities,' IMF Working Paper No. 2023/073

⁴Campos, R. G., Estefanía-Flores, J., Furceri, D., & Timini, J. (2023). 'Geopolitical fragmentation and trade,' Journal of Comparative Economics, 51(4), 1289-1315.

⁵Alvarez, J.; Andalousi, M. B.; Maggi, C.; Sollaci, A.; Stuermer, M.; Topalova, P. (2023), 'Geoeconomic Fragmentation and Commodity Markets,' IMF Working Paper No. 2023/201

Кескинлашиб бораётган геосиёсий бўлиниш – фрагментация жаҳон иқтисодиётининг алоҳида блокларга бўлиниши хавфини, яъни геоиқтисодий бўлиниш хавфини келтириб чиқармоқда.


Шу билан бирга, жаҳон мамлакатлари конфронтация фонида саноат сиёсатига (*импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш*) ўтиши кузатилмоқда. Хусусан, 2023 йилда дунё бўйлаб 2,5 мингдан ортиқ ёки 2022 йилда нисбатан 1,6 баробар кўп саноат сиёсатига ўтиш билан боғлиқ чоралар қайд этилган³. Саноат сиёсати йирик иқтисодиётларда фаол қўлланилаётган бўлиб, қабул қилинган чора-тадбирларнинг деярли ярми (48 фоиз) Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

³ Evenett, S.; Jakubik, A.; Martin, F.; Ruta, M. (2024), 'The Return of Industrial Policy in Data,' IMF Working Paper No. 2024/001

Саноат сиёсатида ўтишда мамлакатлар томонидан қўлланилаётган асосий инструмент импорт ва экспорт чекловлари ҳиссасига тўғри келмоқда⁴. Хусусан, 2023 йилда экспорт ва импорт шароитларини чеклашга қаратилган чоралар сони 2,2 мингтани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан бу кўрсаткич 9,5 фоизга ошди. Шунингдек, ташқи савдо шароитларини эркинлаштиришга қаратилган чоралар сони эса 2022 йилдаги 867 тадан 2023 йилда 821 тага пасайган.

1.2.5-чизма


40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи, ҳафталик динамика



Манба: *Drewry.co.uk*

1.2.6-чизма

Таъминот занжирлари ва юк ташиш билан боғлиқ кўрсаткичлар



Манба: *Нью-Йорк Федерал захира банки, Sea Intelligence*

2023 йилда Яқин Шарқда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви натижасида транспорт-логистик коридорларда чекловларнинг юзага келиши ва шу боис етказиб бериш нархининг ошиши кузатилди. Хусусан, 40 футлик контейнерни сув орқали етказиб бериш нархи 2022 йил якунидаги 2,1 минг доллардан ҳисобот йили якунида 2,7 минг долларгача ёки 1,3 баробарга ошди.

Кескин ўсиш суръатлари асосан Шарқ ва Ғарбни боғловчи коридорларда етказиб бериш нархининг ошиши ҳиссасига тўғри келган бўлиб, жумладан Шанхай-Роттердам йўналишида етказиб бериш нархи 2022 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, 3,6 минг долларни, Шанхай-Лос Анжелес йўналишида 1,4 баробарга ошиб, 2,7 минг долларни ташкил этди.

⁴ Juhász, R., Lane, N. J., Rodrik, D. (2023), 'The new economics of industrial policy (No. w31538)', National Bureau of Economic Research.


2023 йилда етказиб бериш хизматига талаб томонидан босим камайганлиги шароитида глобал таъминот занжирига босим индекси паст даражада шаклланди ва йил якуни бўйича **-0,15** ни (2022 йилда 1,3) ташкил этди.

Ўз навбатида, 2023 йилнинг октябрь ойидан (*Яқин Шарқ можароси*) бошлаб сув транспорти томонидан **юкни вақтида етказиб бериш индексида** пасайиш кузатилган бўлиб, 2023 йил майдаги энг юқори 66,8 дан йил якунида **56,8** ни (-10 банд) ташкил этди.

Ҳисобот йилида **глобал иқтисодий фаолликни** акс эттирувчи РМІ индекси 2022 йилдаги салбий тенденциядан (50 дан паст)⁵ сўнг 2023 йил май ойига қадар яхшиланиб, кейинги даврда пасайиш фазасига ўтди. Хусусан, РМІ индекси 2022 йилдаги 48,2 дан 2023 йилда **51,0** га, хизмат кўрсатиш соҳасида 48,0 дан **51,6** га ошган бўлса, ишлаб чиқаришда мазкур кўрсаткич 50 дан паст шаклланиб, 48,7 дан **49,0** га кўтарилди.


1.2.7-чизма

Глобал РМІ индекси динамикаси



Манба: IHS Markit

1.2.8-чизма

Иқтисодий кутилмалар индекси
(кейинги 12 ой учун)


Манба: MacroMicro

Глобал иқтисодий кутилмалар 2023 йил якунлари бўйича оптимистик шаклланган бўлиб, 2022 йилдаги 1,7 дан **2,1** га ошган. Шу билан бирга, Хитойда мазкур индекс нисбатан юқорироқ бўлсада, 2022 йилга нисбатан 0,3 фоиз бандга пасайиб, **4,5** ни ташкил этди. АҚШда иқтисодий кутилмалар 2022 йилдаги 0,3 дан **1,3** га яхшиланган бўлса, Европа Иттифоқининг баъзи иқтисодиётларидаги қисқариш фонида кутилмалар нисбатан пессимистик шаклланиб, **0,6** ни ташкил қилган.

⁵ РМІ индексининг қиймати 50 дан юқори бўлганида ишбилармонлик фаоллигининг яхшиланиб боришини, 50 дан паст даражада шаклланганда эса иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувини акс эттиради.

1.2.9-чизма

Жаҳон аҳолиси (ёш гуруҳлари кесимида)




Манба: БМТ маълумотлари

Демографик тенденция. БМТ маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёда 50 ва ундан катта ёшдаги аҳоли илк бор 15 ёшгача бўлган аҳолидан ортиб, уларнинг сони 2 млрд кишидан зиёдроқни ташкил этди.

БМТнинг демографик прогнозига кўра, 2050 йилга бориб дунёдаги болалар сони ўзгармас қолиб, тахминан 2 млрд кишини, 50 ёшдан ошган аҳоли сони 3,2 млрд кишигача ошиб, болалар сонидан **1,6 баробар** кўп бўлади. Жаҳон аҳолиси ўсишда давом этиб, бунда ўсиш биринчи навбатда, туғилишлар сонининг кўпайиши ҳисобига эмас, балки ўлим даражасининг камайиши ва умр кўриш давомийлигининг ошиши ҳисобига юзага келади.

1.2.10-чизма

2019-2023 йилларда ишсизлик даражаси (мамлакатлар даромад гуруҳлари бўйича)



Манба: ХМТ маълумотлари

3-ҳавола

Истеъмол бозорининг минтақаларо “кўчиши”

50 ёш ва ундан катта аҳоли улушининг ўсиши, айниқса истеъмолчи қатламида¹ сезилади. Агар 2023 йилдан 2030 йилгача дунё аҳолисининг умумий сони 0,6 млрдга кўпайса, истеъмолчи қатлами **2 баробар** кўпайиб, 1,3 млрддан **4,8** млрд кишига етади. Уларнинг деярли ярмини 50 ва ундан катта ёшдагилар ташкил қилади.

World Data Lab шарҳига кўра, 2000 йилларда глобал ўрта қатлам асосан “ғарбий” бўлган, 2030 йилга келиб, у асосан “шарқий”, яъни Осиё мамлакатлари аҳолисига тўғри келади. Бу Осиёни сон жиҳатдан ҳам, харажатлар жиҳатдан ҳам энг йирик истеъмол бозорига айлантиради ва истеъмолнинг ўсиши ҳам минтақада, ҳам дунёда иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери сифатида хизмат қилади. 2040 йилга келиб, Хитой ва Ҳиндистондан ташқари Индонезия, Бангладеш, Вьетнам, Покистон ва Эрон давлатлари ҳам 50 ва ундан катта ёшдаги истеъмолчи қатламнинг ўсиши бўйича етакчилар қаторига киради.

AARP² маълумотларига кўра, 50 ва ундан катта ёшдаги гуруҳларнинг глобал ЯИМга кўшган хиссаси 2020 йилда 34 фоизни ташкил этган бўлса, 2030 йилда 36 фоизга, 2050 йилга бориб, 39 фоизга етади³. Ушбу гуруҳдагиларнинг товарлар ва хизматларга сарфлаган маблағлари орқали дунё иш ўринларининг учдан бир қисми рағбатлантирилиб, бу улуш 2050 йилга келиб 38 фоизгача ошса, глобал харажатлардаги улуши эса 60 фоизга етади.

¹Истеъмолчи қатламга асосий эҳтиёж товарларидан ташқари бошқа товар ва хизматларни сотиб олишга имконияти мавжуд бўлган, шунингдек кунига 12 доллар ёки ундан кўпроқ (2017 йилдаги харид қобилияти паритети асосида) пул сарфлайдиган аҳоли киради.

²AARP – 50 ёшдан ошган аҳолининг соғлиқни сақлаш, молия, меҳнат бозори ва бошқалардаги манфаатлари ҳимояси билан шуғулланадиган АҚШ ноtijорат ташкилоти.

Глобал меҳнат бозори. Ҳисобот йилида ривожланган ва айрим ривожланаётган иқтисодиётларда ишсизлик даражаси сўнгги ўн йилликдаги энг паст даражага яқинлашди. Хусусан, ХМТнинг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёда ишсизлик даражаси **5,1** фоизни ташкил қилди⁶. Бунда, мазкур кўрсаткич юқори даромадли мамлакатларда 4,5 фоиз, юқори ўрта даромадли мамлакатларда – 5,5 фоиз, паст ўрта даромадли мамлакатларда 5 фоиз ҳамда паст даромадли мамлакатларда 5,7 фоизга тўғри келади.

Ҳисобот йилида меҳнат бозорларида қатъийлашиш тенденциялари, яъни ишчи кучи етишмовчилиги кузатилган бўлиб, Халқаро ҳисоб-китоблар банки шарҳида 2023 йилда глобал миқёсда пандемия даврига нисбатан номинал иш ҳақи юқори даражада ошганлиги (*қарийб 8 фоиз*), бироқ реал қийматда қисқарганлиги (*қарийб 7,5 фоиз*) қайд этилган⁷.

⁶ World Employment and Social Outlook: Trends 2024. Geneva: International Labour Office, 2024.

⁷ Doornik, B., Igan, D., Kharroubi, E. (2023), ‘Labour markets: what explains the resilience?’ *BIS Quarterly Review*, 77.

1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар

Ҳисобот йилида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатларида истеъмол фаоллигининг тезлашиши, ички талабга йўналтирилган ишлаб чиқариш суръатларининг ортиши ҳамда ўзгарувчан ташқи шоклар шароитига мослашиш фонидан барқарор иқтисодий ўсиш тенденциялари кузатилди.

2023 йилда **Россия** иқтисодиёти 2022 йилдаги 1,2 фоизлик қисқаришдан сўнг **3,6** фоизга ошди. Бунда, иқтисодий ўсиш истеъмол ва инвестицион талаб ҳисобига шаклланган. Ҳисобот йилида аҳоли реал даромадлари 4,6 фоизга ошиши ҳамда Россия банки томонидан биринчи ярим йилликда нисбатан юмшоқ пул-кредит сиёсати юритилиши ва давлат дастурлари бўйича имтиёзларнинг берилиши истеъмол фаоллигининг ўсишини таъминлади.


4-ҳавола

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари

2023 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2022 йилга нисбатан 25,1 фоизга ошиб, **62,6** млрд долларни, шундан товар ва хизматлар экспорти ҳажми мос равишда **26,5** фоизга ошиб, **24,4** млрд долларни, импорт ҳажми эса **24,2** фоизга ошиб, **38,1** млрд долларни ташкил этди.

Асосий савдо айланмаси Хитой (*21,9* фоиз), Россия (*15,8* фоиз), Қозоғистон (*7* фоиз) ва Туркия давлатларига (*5* фоиз) тўғри келиб, уларнинг умумий савдо айланмасидаги улуши **49,7** фоизни ташкил қилди (*2022 йилда 52,1* фоиз).

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари билан 2022-2023 йиллардаги савдо айланмаси



Манба: Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

Шу билан бирга, ҳисобот йилида Хитой билан савдо айланмаси **13,7** млрд доллар ёки 2022 йилга нисбатан **1,5 баробар** кўп, Россия билан савдо айланмаси **9,9** млрд долларни (*6,5* фоизга ошди) ташкил этган бўлса, Қозоғистон ва Туркия билан савдо айланмаси ҳажми 2022 йилга нисбатан пасайиб, мос равишда **4,4** (*-4,8* фоиз) ва **3,1** млрд (*-3,9* фоиз) долларни ташкил этди.

Шунингдек, Россияда амалга оширилаётган саноат сийёсати фонидида ички талабга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқлари иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери сифатида хизмат қилди. Хусусан, ишлаб чиқариш саноати 7,0 фоизга, бунда компьютер, электрон ва оптика ускуналарни ишлаб чиқариш – 32,8 фоизга, тайёр металл маҳсулотлар – 27,8 фоизга, транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш – 25,5 фоизга ошди.


Хитой иқтисодиётининг ўсиши 2022 йилдаги 3 фоиздан **5,2** фоизгача тезлашди. Пандемия билан боғлиқ чекловларнинг бекор қилинишининг ички истеъмолга қисқа муддатли самараси кузатилиб, жумладан чакана савдо айланмасининг январь-апрель ойларида ўртача йиллик ўсиши 10,8 фоизни ташкил этган бўлса, йил якуни бўйича **7,4** фоизга секинлашди.

Бундан ташқари, кўчмас мулк соҳасида пасайиш суръатлари давом этиб, мазкур соҳага инвестициялар **9,6** фоизга қисқарди (*2022 йилда 10 фоизга қисқарган*). Умуман олганда, ҳисобот йилида Хитой иқтисодиётининг ўсишига хизматлар соҳасидаги жадал тикланиш суръатлари муҳим роль ўйнади.

Хусусан, 2023 йилда хизматлар тармоғининг ўсиш суръатлари 2022 йилдаги 3 фоиздан **5,8** фоизгача ошган бўлса, бунда ташиш ва сақлаш хизматлари 0,7 фоиздан 8 фоизга, яшаш ва овқатланиш хизматлари -2,8 фоиздан 14,5 фоизга, молиявий хизматлар – 3,1 фоиздан 6,8 фоизга тезлашган.

1.2.1.1-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси



Манба: ХВЖ маълумотлари


Туркияда 2023 йилда иқтисодий ўсиш 2022 йилга нисбатан секинлашиб, 4,5 фоизни ташкил этди (*2022 йилда 5,5 фоиз*). 2023 йилнинг бошида юз берган табиий офатлар мамлакат иқтисодиётига 104 млрд долларлик зарар етказганлиги, шунингдек, Туркия Марказий банки

томонидан қатъий пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши фонида ички истеъмол ва давлат харажатларнинг оширилиши туфайли иқтисодий фаоллик кутилганидан юқорироқ даражада шаклланди. Бунга, бир томондан, ишсизлик даражасининг пасайиб борувчи тенденцияси (2022 йилдаги 10,2 фоиздан 2023 йилда 8,8 фоизга пасайди) ҳам сабаб бўлган.

Қозоғистонда 2023 йилда иқтисодий ўсиш **5,1** фоизни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,8 фоиз бандга тезлашди. Иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари сифатида савдо (1,88 ф.б.), саноат (1,26 ф.б.) ҳамда қурилиш (0,70 ф.б.) соҳаларини қайд этиш лозим.

1.2.1.2-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги йиллик инфляция даражаси ва фоиз ставкаси, фоизда



Манба: Савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари маълумотлари

*Хитой инфляция бўйича расмий мақсадли кўрсаткичга эга эмас, инфляциянинг 3 фоизлик даражаси мақбул қиймат сифатида белгиланган.

Ҳисобот йилида Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатларида қатъий пул-кредит сиёсати сақлаб қолинган ҳолда ўсиб бораётган талабга муносиб равишда ишлаб чиқариш таклифининг ортиб бориши инфляцияни жиловлаш имконини бериб, **Россияда** инфляция даражаси 7,4 фоизни (2022 йилда – 11,9 фоиз), **Қозоғистонда** – 9,8 фоиз (20,3 фоиз)ни ташкил этди.

Хитойда истеъмол кайфиятининг паст даражада шаклланиши ҳамда ишлаб чиқариш томонидан номутаносиб равишда таклифнинг ошиши ҳисобига дефляцион жараёнлар кузатилиб, инфляция даражаси **-0,3** фоизни ташкил этди (2022 йилда – 1,8 фоиз).

Туркияда инфляцион босимининг кучайиб бориши фонида пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши инфляция даражасини 2022 йилдаги даражада – **64** фоиз атрофида сақлаб қолиш имконини берди.

Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг Марказий банклари ҳисобот йилида ички иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда пул-кредит сиёсатини амалга оширди.

Хусусан, **Россия** банки биринчи ярим йилликда асосий ставкани ўзгармас **7,5** фоизда қолдириб, иккинчи ярим йилликдан бошлаб, инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада шаклланиши фонида 2023 йил якунига қадар асосий ставкани босқичма-босқич 5 марта қайта кўриб чиқиб, йиллик **16** фоиз даражасида белгилади.

Қозоғистон Марказий банки деярли 9 ой давомида асосий ставкани 16,75 фоиз даражасида сақлаб, тўртинчи чоракда инфляция суръатлари ва кутилмаларнинг секинлашиши ҳисобига пул-кредит сиёсатини юмшатиб, йил якуни бўйича асосий ставкани **15,75** фоиз даражасигача пасайтирди.

Туркия Марказий банки 2023 йилда 27 ойлик юмшатишдан сўнг, қатъий пул-кредит сиёсати циклини бошлади. Йил бошидан бери регулятор асосий ставкани 3 400 базис бандга ошириб, йилик **42,5** фоиз даражасида белгилади.

Хитой регулятори истеъмолни рағбатлантириш ҳамда кўчмас мулк бозоридаги ҳолатни яхшилаш мақсадида юмшатиш сиёсатини давом эттириб, асосий ставкани йил давомида 3,65 фоиздан **3,45** фоизгача пасайтирди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Қозоғистон миллий валютаси долларга нисбатан 2022 йилдаги 7,2 фоизлик қадрсизланишдан сўнг **1,7** фоизга мустаҳкамланди. Россия миллий валютасида, аксинча ҳолат кузатилган бўлиб, рубль долларга нисбатан **27,5** фоизга қадрсизланди (2022 йилда 5,3 фоизга мустаҳкамланган).

Хитой юанининг долларга nisbatan алмашув курси 2023 йил давомида барқарор даражада шаклланиб, йил давомида **1,7** фоизга қадрсизланди (2022 йилда – 9,2 фоиз).

Ҳисобот йилида Турк лирасининг долларга nisbatan қадрсизланиш суръатлари 2022 йилга nisbatan тезлашиб, **57,2** фоизни ташкил этди (2022 йилда – 53,0 фоиз).


1.2.2. Глобал иқтисодиёт ва жаҳон хомашё бозорларидаги ўзгариш ва кутилмалар

2023 йилда, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, **глобал савдо** ҳажмларининг ўсиши 2022 йилдаги 5,6 фоиздан **0,2** фоизгача пасайиб, сўнгги 50 йилдаги (*инқироз даврлардан ташқари*) энг секин ўсиш қайд этилган⁸. Мазкур секинлашув асосан товарлар савдосининг қисқариши (*-2,2* фоиз) билан боғлиқ бўлиб, ҳисобот йилида баъзи ривожланган иқтисодиётлардаги қисқариш ва ривожланаётган мамлакатларидаги пасайиш ҳамда глобал sanoat ишлаб чиқариш ўсишининг кескин секинлашуви (*0,7* фоиз) ҳисобига юзага келган.

2024 йилда глобал sanoat ишлаб чиқариш суръатининг яхшиланиши фонида глобал савдо ўсиши **2,3** фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

1.2.2.1-чизма


2020-2023 йилда глобал савдо ва sanoat ўсиш кўрсаткичлари



Манба: Жаҳон банки маълумотлари

1.2.2.2-чизма

2020-2023 йилларда асосий хомашё товарлари нархларининг ўзгариши, 2010 йил базавий йил



⁸ World Bank. 2024. Global Economic Prospects, January 2024. Washington, DC.

2023 йилда жаҳон бозоридаги аксарият хомашё товарлари нархларида талабнинг сусайиши фонида пасайиш кузатилди. Хусусан, ҳисобот йилида асосий хомашё нархлари индекси 2022 йилдаги 41,3 фоизлик ўсишдан сўнг, **24,2** фоизга қисқарди. Сезиларли даражадаги қисқариш ўғитларда (-34,9 фоиз), энергия манбалари (-29,9 фоиз), бошоқли дон маҳсулотлари (-11,5 фоиз), асосий металлларда (-11,0 фоиз) кузатилган.

2023 йилда нефть нархи, жумладан Яқин Шарқдаги можаролардан сўнг ўзгарувчан бўлиб, бир баррель (*Brent маркаси*) учун 2022 йилдаги ўртача 99,8 доллардан **82,6** долларгача пасайди.

Шу билан бирга, глобал фаолликнинг паст даражада шаклланиши ва Хитой иқтисодиёти секинлашишда давом этиши ҳисобига нефть нархи 2024 йилда бир баррель учун **81** долларгача тушиши кутилмоқда. Бошқа томондан, Яқин Шарқда можаронинг кучайиши нефть нархининг кескин ошишига ҳам олиб келиши мумкин.

1.2.2.1-жадвал

2020-2023 йилларда асосий хомашё товарлари ўртача нархларининг ўзгариши

№	Товар номланиши	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2023/2022, фоизда
1	Энергия манбалари				
	Нефть (<i>Brent</i>), доллар/баррель	70,4	99,8	82,6	-17,2
	Кўмир, доллар/мт	128,9	292,7	145,9	-50,1
	Табиий газ, доллар/ммбиб	10,0	23,4	7,8	-66,5
2	Қишлоқ хўжалиги				
	Буғдой, доллар/мт	298,4	405,9	299,1	-26,3
	Шакар, доллар/кг	0,4	0,4	0,5	26,6
	Пахта, доллар/кг	2,2	2,9	2,1	-26,9
3	Асосий металллар				
	Мис, доллар/мт	9 317,1	8 822,4	8 490,3	-3,8
4	Қимматбаҳо металллар				
	Олтин, доллар/троя унцияси	1 799,6	1 800,6	1 942,7	7,9
	Кумуш, доллар/троя унцияси	25,2	21,8	23,4	7,4

Манба: Жаҳон банки маълумотлари; *мт – метрик тонна; ммбиб – млн Британия иссиқлик бирлиги

2023 йилда Европа мамлакатлари томонидан энергияга бўлган талабни қисқариши ва газ захираларининг 90 фоизидан юқори ушлаб туриши сабабли табиий газ ва кўмир нархлари сезиларли даражада пасайди. Хусусан, табиий газ ўртача нархи **7,8** долларни (-66,5 фоиз), кўмир – **145,9** долларни (-50,1 фоиз) ташкил этди. 2024 йилда суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва унинг экспортини ортиб бориши ҳисобига табиий газ нархи пасайишда давом этиши кутилмоқда.

5-хавола

Гринфляция

Сўнги йиллардаги инфляциянинг асосий омиллари орасида энергия нархининг сезиларли даражада ошиши қайд этилмоқда. Бунга, бир томондан пандемиядан кейин глобал талабнинг тез тикланиши, геосиёсий можаролар туфайли таъминот занжирларининг чекланиши, ОПЕК+ мамлакатлари томонидан нефть қазиб олишнинг қисқартирилиши ҳамда 2020–2021 йилларда энергетика соҳасига кам сармоя киритилиши сабаб бўлмоқда.

Бироқ, юқоридаги энергия билан боғлиқ шоклар асосан қисқа муддатли бўлса-да, глобал иқлим сиёсатининг амалга оширилиши энергия нархининг узоқ муддатли драйвери бўлиши мумкин. ХВЖ ҳисоб-китобларига кўра, глобал иқлим мақсади, яъни ўртача ҳаво ҳароратининг 2°C гача кўтарилишига йўл қўймасликка эришиш учун CO₂ тоннаси учун 75 доллар миқдорда углерод солиғини талаб қилади¹. Бу, ХВЖга кўра, энергия нархларининг жиддий ўсишига олиб келади. Хусусан, 2030 йилга келиб, кўмирнинг ўртача нархи 200 фоиздан ортиқ, табиий газ деярли 70 фоиз, электр энергияси – 45 фоиз, бензин – 15 фоизга ошади. Энергия нархларининг бундай кўтарилиши, ўз навбатида, доимий глобал инфляцияга ва уни жиловлаш учун узоқ вақт давомида юқори фоиз ставкаларини сақлаб туришни тақозо этади. Яшил сиёсатга ўтиш, энергия нархларининг ошиши ва инфляция ўртасидаги бу боғлиқлик **гринфляция** (*greenflation*; *ингл. тилидан green – “яшил” ва inflation – “инфляция”*) деб аталди.

¹International Monetary Fund (IMF). 2019. Fiscal Monitor: How to Mitigate Climate Change. Washington, October.

2023 йилда ривожланган иқтисодиётлар, жумладан металллар истеъмолининг 60 фоизини ташкил этувчи Хитой томонидан талабнинг қисқариши сабабли асосий металллар нархи **11** фоизга пасайди.

Хитойда кўчмас мулк соҳасининг барқарорлашиши, шунингдек яшил иқтисодиётга ўтишда ишлатиладиган металлларга (*мис ва никель каби*) талаб ортиб бориши сабабли металллар нархи 2024 йилда пасайишни давом этиб, 2025 йилда эса ўсиши кутилмоқда.

2023 йилда асосий экинлар, айниқса, дон маҳсулотларининг таклифи ошиши туфайли озиқ-овқат нархлари **9,2** фоизга пасайди. Шу билан бирга, озиқ-овқат нархлари 2024 йилда қарийб **1** фоизга, 2025 йилда эса **4** фоизга пасайиши прогноз қилинмоқда. Бунда, озиқ-овқат нархларининг ошишига сабаб бўлиши мумкин асосий хавфлар энергия нархларининг ошиши, об-ҳавонинг билан боғлиқ муаммолар, савдо чекловлари ҳамда Қора денгиз ҳудудидаги ноаниқликларни ўз ичига олади.

Ўз навбатида, ХВЖ прогнозларига кўра, 2024-2025 йилларда глобал иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб, глобал иқтисодий ўсиш мос равишда **3,2** фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бунда, ривожланган мамлакатда иқтисодий ўсиш 2024 йилда – **1,7** фоиз, 2025 йилда эса **1,8** фоиз, ривожланаётган мамлакатларда мос равишда **4,2** фоиздан ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

ХВЖнинг инфляция бўйича оптимистик прогнозларига кўра, глобал инфляция даражаси 2024 йилда **5,9** фоиз, 2025 йилда – **4,5** фоизга, шунингдек ривожланган иқтисодиётларда мос равишда **2,6** ва **2,0** фоиз ҳамда ривожланаётган иқтисодиётларда **8,3** ва **6,2** фоизгача секинлашиши кутилмоқда⁹.


1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида умумий инфляция динамикаси пасайишда давом этиб, бир хонали сонгача тушди. Ушбу жараён, асосан, қишлоқ хўжалигидаги мавсумий омиллар, ўтган йилги юқори база эффекти таъсирларини чиқиб кетиши, импорт нархлари барқарор сақлангани ҳамда тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолдирилгани билан ҳам изоҳланади.

Иккинчи ярим йилликда эса инфляция даражаси деярли ўзгаришсиз қолди. Бунга асосан, мевалар нархлари, чакана хизматлар, автомобиль ёнилғисининг қимматлашиши ва маъмурий тарзда белгиланадиган айрим товар ва хизматлар нархлари ўзгариши ҳисобига юз берди.

1.3.1-чизма

Инфляция кўрсаткичлари динамикаси, (ўтган йилнинг мос ойига нисбатан)



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Йилнинг якунида умумий инфляция (истеъмол нархлари индекси бўйича) **8,8** фоизни ташкил этиб, йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич **3,5** фоиз бандгача пасайиши қайд этилди.

⁹ International Monetary Fund. 2024. World Economic Outlook— Steady but Slow: Resilience amid Divergence. Washington, DC. April.


Шунингдек, ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ) динамикаларида ўзгарувчан тенденциялар кузатилди. Бунда, биринчи ярим йилликда кузатилган пасайишдан сўнг, у иккинчи ярим йилликда ўсувчи трендга айланди ва йил якунида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 12,2 ва 14,4 фоизни ташкил этди.

Озиқ-овқат инфляцияси 2023 йил давомида сезиларли пасайишига қарамасдан йил якунидаги даражаси юқори сақланиб қолди. Бу сув танқислиги туфайли гуруч нархларини ошиши, йил бошидаги аномал совуқ таъсирида мева кўчатлари зарарланганлиги сабабли мевалар нархларини ошиши, гўшт маҳсулотлари нархларини юқори шаклланиши, шунингдек, иқтисодиётда сақланиб қолаётган юқори истеъмол талаби ҳисобига умумий овқатланиш нархларини ошиши билан изоҳланади.

Йил давомида ташқи нархлар барқарорлашиши ҳисобига импорт қилинадиган асосий турдаги маҳсулотлар, хусусан, бугдой уни ва ўсимлик ёғлари нархлари арзонлашиб, ушбу гуруҳ товарлари нархининг юқори ошишини олдини олди.

1.3.2-чизма

ИНИ асосий таркибий қисмлари инфляцияси динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Ноозик-овқатлар товарлари гуруҳи инфляцияси 2023 йилда нисбатан паст даражада шаклланди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳ инфляциясига савдо-ҳамкор давлатлар томонидан бензин экспортига киритилган чекловлар натижасида автомобиль ёнилғиси нархининг ошиши ва унинг транспорт хизматларига оширувчи таъсири юзага келди.

Иккинчи ярим йилликдаги алмашув курси ўзгаришининг таъсири кийим-кечаклар, дори воситалари, шахсий гигиена ва тозалаш воситалари ҳамда маиший техника нархларида намоён бўлди.

Ўз навбатида, жаҳон бозорида хомашё товарлари нархидаги пасайиш тенденцияси, трансчегаравий транспорт ва юк ташиш занжирлари тикланаётгани импорт инфляциясининг ўсишини тийиб турувчи омиллардан бўлди.

2023 йилда **хизматлар** инфляциясида пасаяувчи тенденция кузатилмади. Хусусан, маиший хизматлар ҳамда йўловчи автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспорти, сув ва иссиқлик энергияси нархлари, дам олиш ва маданий ҳордиқ хизматлари қимматлашгани умумий инфляцияга оширувчи босим яратди.


Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётдаги юқори истеъмол талаб шароитида хизматлар гуруҳи инфляциясини пасайтириш узокроқ муддатни талаб қилади.

Базавий инфляция

2023 йил давомида базавий инфляция кўрсаткичида пасаяувчи тенденция давом этди ва йил бошига нисбатан 5,3 фоиз бандга пасайиб, 8,5 фоизни ташкил этди. Шунга қарамай, базавий инфляциянинг пасайиш суръати йил бошидаги прогнозга нисбатан секинроқ кечди.

1.3.3-чизма

Умумий инфляция ва базавий инфляция динамикаси, ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Ушбу даврда базавий инфляциянинг пасайишига бир томондан, ўтган йилги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича юқори нарх эффектининг чиқиб кетиши, иккинчи томондан, ташқи инфляцион омиллар

камайиши ва нисбатан қатъий пул-кредит шароитлари таъминлангани ўз хиссасини қўшди. Аксинча, хизматлар нархининг ўсиши базавий инфляцияга оширувчи омиллардан бўлди.


Шу ўринда, ижобий тенденциялар кузатилаётганига қарамай, инфляцияга босим юзага келтириши мумкин бўлган хатарлар, хусусан, юқори истеъмол талаби, давлат харажатларининг прогноз кўрсаткичларидан ошиб кетиши, чакана кредитларга талабнинг юқорилиги каби монетар омиллар таъсири сақланиб қолмоқда. Бу, ўз ўрнида, базавий инфляцияга давомий босим шакллантиради.

Инфляцион кутилмалар

2023 йилда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмаларида ўзгарувчан тенденция кузатилди. Хусусан, жорий йилнинг февраль-июль ойларида иқтисодиёт субъектларининг инфляцион кутилмаларида барқарор пасайиш кузатилган бўлса, август ойидан ўзгарувчан характерга эга бўлди.

1.3.4-чизма

Аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Йил якунида аҳолининг инфляцион кутилмалари 13,6 фоизни, тадбиркорлик субъектларида эса нисбатан юқорироқ бўлиб, 13,7 фоизни ташкил этди.

Аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмаларига асосан алмашув курси, энергия ресурслари, иш ҳақи ва коммунал хизматлар ошиши бўйича кутилмалар таъсир этган.

1.3.1-жадвал

Аҳоли инфляцион кутилмалари, (соҳалар кесимида, фоизда)

Кутилмалар	2023 йил											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Илм-фан /таълим	15,4	14,5	14,2	14,3	14,4	13,2	13,2	12,8	12,9	13,8	14,3	14,5
Тиббиёт	16,7	14,2	14,2	12,9	11,8	12,8	12,5	13,2	13,0	13,3	13,1	13,6
Банк-молия	17,2	15,3	14,5	14,1	14,0	13,3	13,1	14,8	13,6	13,9	14,2	13,9
Давлат ташкилоти	16,7	14,9	14,6	13,5	13,6	13,5	12,7	14,0	13,6	13,0	13,9	13,1
Ишлаб чиқариш	15,8	15,8	15,7	15,6	14,8	16,4	12,8	14,1	14,9	14,8	13,8	14,8
Қишлоқ хўжалиги	17,2	17,7	12,0	15,5	13,4	12,4	13,1	16,0	15,0	12,9	11,6	13,3
Қурилиш	18,4	11,4	16,3	13,6	13,8	12,2	14,1	14,8	14,2	13,6	12,0	15,2
Кафе-ресторан	15,9	12,6	13,3	15,9	10,5	13,9	13,9	11,8	14,1	14,1	13,8	9,3
Маиший хизмат	14,6	13,3	13,8	11,9	10,5	11,2	11,8	12,7	13,6	13,3	11,6	10,6
Ташиш хизматлари	16,9	12,3	14,2	13,4	11,0	11,6	13,7	15,0	12,7	10,7	11,1	12,7
Савдо	14,8	12,8	14,4	15,1	13,1	13,1	14,4	13,4	12,8	16,5	13,3	13,1
Туризм	16,6	11,1	13,9	11,3	10,9	13,1	11,1	10,6	11,8	13,2	10,9	13,6

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларининг асосий омиллари (респондентлар улуши, фоизда)

	2023 йил											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Аҳоли												
Алмашув курсининг ўзгариши	42	46	51	45	47	50	59	70	65	59	58	60
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	47	45	36	31	32	33	36	43	45	49	43	47
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	24	24	38	50	36	40	32	36	30	24	38	33
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	22	27	24	21	21	22	32	27	34	36	38	37
Бозорда монополияларнинг мавжудлиги	35	37	39	40	36	38	31	33	32	31	31	31
Транспорт (йўл қира) харажатларининг ошиши	36	35	27	23	21	20	21	22	23	29	26	29
Тадбиркорлик субъектлари												
Алмашув курсининг ўзгариши	44	48	50	43	44	55	60	71	68	62	61	62
Ёқилғи ва энергия ресурслари қимматлашиши	38	46	33	29	30	32	37	38	42	47	40	42
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	20	25	21	18	20	21	29	24	31	37	38	33
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	21	25	34	41	36	39	33	30	29	24	37	34
Транспорт қимматлашиши	38	46	33	29	30	26	25	25	28	32	29	30
Солиқ юқининг юқорилиги	18	23	19	21	18	21	20	18	20	20	19	24

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

6-ҳавола


Ўзбекистон кўчмас-мулк бозоридаги тенденциялар

2023 йилда уй-жой бозоридаги юқори фаоллик нархлар ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди. Турар-жойлар ижараси бозори йил давомида барқарор шаклланди.

Бирламчи бозорда 2023 йил якунларига кўра, **уй-жой нархларининг** сўмдаги индекси йиллик 39,6 фоизни (доллардаги индекси – 26,9 фоиз) ташкил этган бўлса, иккиламчи бозорда, уй-жой нархларининг сўм ва доллардаги индекслари мос равишда 35,1 ва 23,0 фоизларни ташкил этди (1-2-чизмалар).

Юқори даромадлилик ва уй-жой нархларининг кўтарилиши фониде талабнинг ошиши сўнгги йилларда уй-жой сотиб олиш имкониятини маълум даражада пасайишига олиб келмоқда. 2023 йилда номинал даромадлар ва уй-жой нархлари ўртасидаги ўсиш фарқи 2022 йилдаги 4,4 фоиздан 2023 йилда 20 фоизгача ошди.

Худудлар кесимида уй-жой нархларининг юқори ўсиши инфратузилма жиҳатдан яхшироқ ривожланган, йирик ва туристик марказлардан ҳисобланган худудларда (Тошкент ш., Тошкент, Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) кузатилди ва ушбу худудларда уй-жой нархларининг сўмдаги индекси 40 фоизгача кўтарилди.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Умуман олганда, 2023 йилда бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорларида нархларнинг сезиларли даражада ўсиши юқори фаоллик фониде кузатилди ва йил давомида уй-жой олди-сотди битимлари сони 335 мингтани (2022 йилга нисбатан 4,4 фоизга ошган) ташкил этди (3-4-чизмалар).

Кўчмас мулк бозоридаги юқори талаб, асосан, ушбу бозор активларининг бошқа инвестиция ва жамғарма воситаларига нисбатан жозибадорлиги юқори сақланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.


Шу билан бирга, 2023 йил давомида турар-жой **ижара** бозорида ўтган йилги ташқи иқтисодий шоклар таъсирларининг чиқиб кетиши ҳамда ички талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви натижасида нархларнинг сўмдаги индекси ошган ҳолда 8,8 фоизни ташкил этган бўлса, доллардаги индекси 1 фоизга пасайди (5-чизма). Аҳоли даромадлари ва ижара ҳақи ўсиши ўртасидаги тафовут манфий (-5,2 фоиз) бўлди.

3-чизма

1-жадвал

Уй-жой битимлари сони

Худудлар кесимида уй-жой битимлари сони ўзгариши, йиллик ўзгариш фойзда



Худуд	2022 йил		2023 йил				
	IV чорак	Йиллик	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	Йиллик
Тошкент шаҳри	10%	6%	9%	8%	4%	-14%	0%
Тошкент вилояти	-10%	-5%	-11%	12%	16%	5%	5%
Сирдарё вилояти	10%	8%	-13%	18%	18%	-2%	4%
Жиззах вилояти	22%	20%	1%	22%	23%	-12%	5%
Самарқанд вилояти	2%	7%	1%	6%	15%	8%	6%
Фарғона вилояти	-3%	9%	-11%	6%	17%	-1%	1%
Наманган вилояти	1%	12%	-2%	10%	30%	6%	9%
Андижон вилояти	0%	5%	-4%	8%	20%	8%	6%
Қашқадарё вилояти	7%	14%	-2%	11%	28%	21%	12%
Сурхондарё вилояти	-22%	2%	-24%	-5%	26%	-7%	-6%
Бухоро вилояти	-4%	11%	-17%	18%	32%	13%	8%
Навоий вилояти	13%	16%	15%	28%	19%	-6%	12%
Хоразм вилояти	9%	20%	13%	15%	24%	1%	10%
Қорақалпоғистон Республикаси	15%	13%	19%	23%	24%	-7%	12%
ЖАМИ	3%	7%	-1%	11%	16%	-2%	4%

Манба: e-notarius.uz маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.



Шунингдек, Тошкент шаҳрида республикага қараганда ижара нархлари ўсиши сезиларли даражада секинлашди. Фарғона (21,1 фойиз), Бухоро (16,5 фойиз) ва Тошкент (17,6 фойиз) вилоятларида бошқа худудларга қараганда (5-7 фойиз) нархлар тезроқ ўсди (6-чизма).

4-чизма

5-чизма

Турар-жой ижара бозоридаги талаб ва таклиф динамикаси, минг ф.б.

Турар-жой ижара нархлари ўзгариши, фойзда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

1.4. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи кўрсаткичлари

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестициявий мавқеи ва тўлов баланси кўрсаткичлари ташқи омиллар – асосий савдо ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришлар, жаҳонда айрим экспорт хомашё маҳсулотлари нархларининг пасайиши, шунингдек ички омиллар – импортга бўлган талабнинг ошиши ва ташқи қарзга хизмат кўрсатишнинг қимматлашиши шароитида шаклланди.


Худудларда амалга оширилаётган кенг кўламли инвестиция лойиҳалари доирасида товар ва хизматлар импортига талаб ҳамда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг ортиши ҳамда мамлакатга жорий пул ўтказмаларининг қисқариши жорий операциялар ҳисобининг манфий сальдосини оширувчи омиллардан бўлди.

Биржавий хомашё нархларининг ошиши ҳамда туризм ва транспорт хизматларининг сезиларли ўсиши ҳисобига товар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши, шунингдек мамлакатга халқаро пул ўтказмалари ҳажми ўзининг фундаментал ўсиш тренди доирасида шаклланиши жорий операциялар ҳисобига ижобий таъсир кўрсатди.

2023 йилда тўлов баланси жорий операциялар ҳисобининг манфий сальдоси 2022 йилга нисбатан кенгайиб, 7,8 млрд доллар доирасида шаклланди.

1.4.1-чизма

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Товар ва хизматлар экспорти. 2023 йилда жаҳон бозорида асосий хомашё нархларининг барқарор даражада сақланиб қолиши, Ўзбекистонда туризм соҳасида ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда транспорт харажатларининг нисбатан мўътадиллашуви таъсирида экспорт¹⁰ ҳажми 2022 йилга нисбатан **12** фоизга ошиб, **24,5** млрд долларга етди.

Хусусан, товарлар экспорти 2022 йилга нисбатан **13** фоизга ошиб, **19,4** млрд долларни ҳамда хизматлар экспорти қарийб **42** фоизга¹¹ ўсиб, **5,1** млрд долларни ташкил қилди.

Товар ва хизматлар импорти. Импорт товарларига нисбатан ялпи талабнинг юқори даражада сақланиб қолиши ҳамда иқтисодиёт тармоқларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида хориждан машина, ускуна, транспорт воситалари ва хомашёнинг харид қилиниши ҳисобига 2023 йилда товар ва хизматлар импорти 2022 йилга нисбатан **18** фоизга ошиб, **42,1** млрд доллар атрофида шаклланди.

Бунда, товарлар импорти **22** фоизга ўсиб, **34,5** млрд долларни, хизматлар импорти эса **4** фоизга ошиб, **7,6** млрд долларни ташкил қилди.

Импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан юқори суръатларда ўсиши фонида савдо баланси манфий сальдоси **17,6** млрд доллар доирасида шаклланиб, иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси билан қисман қопланди.

Бирламчи ва иккиламчи даромадлар. Бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг асосий манбаи бўлган трансчегаравий пул ўтказмалари 2023 йилда ҳам жорий операциялар ҳисоби тақчиллигини камайтирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Асосий савдо ҳамкор мамлакатларга қисқа муддатга ишлаш мақсадида кетган меҳнат муҳожирлари сонининг камайиши ҳамда географиясининг ўзгариши ҳисобига Ўзбекистон резидентларининг норезидентлардан олган бирламчи даромадлари 2022 йилга нисбатан **16** фоизга камайиб, **3,6** млрд долларни ташкил қилди.

Халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг нисбатан юқори даражаларда шаклланганлиги шароитида ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатларининг ўсиши норезидентларнинг Ўзбекистондаги бирламчи даромадлари **30** фоизга ўсиб, **4,3** млрд долларга етишида намоён бўлди ва бирламчи даромадларнинг манфий сальдоси **761** млн долларни ташкил этди.


¹⁰ “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқеи бўйича қўлланма” (ТБҚ-6, ХВЖ, 2009 й.) асосида.

¹¹ Марказий банк томонидан ўтказилган статистик сўровлар натижалари ва эксперт баҳолашларга кўра 2022 йил давомида хизматлар экспортидаги тузатишларни ҳисобга олмаганда.

Бирламчи даромадлар бўйича тушумларнинг асосий манбаи хорижга қисқа муддатга ишлаш мақсадида кетган Ўзбекистон фуқароларининг иш ҳақи кўринишдаги даромадлари ҳисобланиб (*қарийб 82 фоизи*), 2022 йилга нисбатан **25** фоизга камайди. “Бирламчи даромадлар” компоненти бўйича харажатларнинг ошиши асосан норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари ва ташқи қарзлар бўйича тўланган даромад ва фоизлари ҳиссасига тўғри келади.

1.4.2-чизма

Жорий трансфертлар динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Иккиламчи даромадлар ижобий сальдоси **10,5** млрд долларни ташкил этиб, бунда норезидентлардан келиб тушган даромадлар **11,2** млрд доллар ҳамда улар бўйича тўловлар **671,9** млн долларни ташкил этди.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги асосан ҳукумат ва хусусий сектор корхоналари томонидан давлат дастурлари ва инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш доирасида жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ва хорижий инвестициялар ҳисобига шаклланган.

2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф ҳажми 2022 йилга нисбатан **16** фоизга камайиб, қарийб **2,2** млрд долларни ташкил этиб, уларнинг капиталдаги соф ўсиши **870** млн доллар, бош компаниялардан олинган қарзлар бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши **914** млн доллар ҳамда маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) доирасидаги инвестицияларнинг соф камайиши **382** млн долларга тенг бўлди.

Шунингдек, хорижий инвесторлар томонидан даромадларнинг реинвестиция қилиниши 2022 йилга нисбатан **36** фоизга камайиб, **786** млн долларни ташкил этди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибининг ўзгариши



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда портфель инвестициялар манфий сальдоси номолиявий ташкилотлар капиталига хорижий портфель инвестицияларнинг жалб қилиниши, шунингдек ҳукумат, тижорат банклари ва бошқа корхоналар томонидан чиқарилган халқаро облигациялар учун ҳисобланган фоизлар ва “яшил” евробондлар ҳисобига **995,4** млн доллар миқдорида шаклланди.

Шу билан бирга, хориждан жалб қилинган кредит ва қарзлар жорий операциялар ҳисоби тақчиллигини молиялаштирган асосий манбалардан бўлиб, мазкур операциялар ҳажми 2022 йилга нисбатан **57** фоизга кўпайиб, **7,1** млрд долларни ташкил қилди.

2023 йил якунига кўра соф халқаро инвестициявий мавқеи қисқаришига қарамасдан, Ўзбекистоннинг “соф кредитор” мавқеи сақлаб қолинди.


2023 йилда **жами чет эл активлари** ҳажми **3** фоизга кўпайиб, **84,9** млрд долларни ташкил қилган бўлса, **жами ташқи мажбуриятлари** ҳажми **14** фоизга кўпайиб, **72,5** млрд долларга етди. Мамлакатимиз **соф халқаро инвестициявий мавқеи** 2024 йил 1 январь ҳолатига **12,4** млрд долларни ташкил қилди.

Хорижий валютадаги активларнинг кўпайиши ва жаҳонда олтин нархининг ижобий тенденция кузатилишига қарамасдан, соф халқаро инвестициявий мавқеининг пасайиши асосан давлат, банк ва бошқа хусусий сектор корхоналари томонидан ташқи қарз ва хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ҳисобига юзага келди.

Умумий ташқи қарз¹² ҳажми 22 фоизга ўсиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 53,1 млрд долларга етди. Умумий ташқи қарз таркибида давлат секторининг улуши 59 фоиздан 56 фоизгача қисқарган бўлса, хусусий сектор улуши 41 фоиздан 44 фоизгача ошди.

1.4.4-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестициявий мавқеи




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳукумат томонидан ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш кўламининг ортиши, шунингдек хусусий секторда асосан тижорат банклари, энергетика сектори ва иқтисодиётнинг бошқа секторлари корхоналари томонидан янги қарзларнинг жалб қилиниши ҳисобига умумий ташқи қарз бўйича мажбуриятлар 2023 йилда 9,5 млрд долларга кўпайди.

1.4.5-чизма

Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи қарзи таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари

¹² Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда хусусий қарз, шу жумладан қарз бўйича ҳисобланган лекин тўланмаган фоизларни ўз ичига олади.

Мазкур ташқи қарз бўйича мажбуриятлар ўсишининг **3,9** млрд доллари давлат, **5,6** млрд доллари хусусий сектор ташқи қарзи бўйича мажбуриятлари ҳиссасига тўғри келади.

Умумий ташқи қарз таркибида давлат қарзи бўйича мажбуриятлар қолдиғи **15** фоизга кўпайиб, **29,7** млрд долларни, банк секторида **30** фоизга кўпайиб, **8,7** млрд долларни, ёқилғи-энергетика секторида **23** фоизга кўпайиб, **6,1** млрд долларни ҳамда бошқа секторларда **41** фоизга ошиб, **8,6** млрд долларни ташкил қилди.

2023 йилда ташқи сектор статистикасини такомиллаштириш мақсадида ХВЖнинг навбатдаги техник кўмак миссияси жалб қилинди ва тажриба алмашиш дастури доирасида Грузия Марказий банки мутахассисларининг ташрифи давомида тўлов баланси статистикасини юритиш амалиёти такомиллаштирилди.

II. 2023 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

2023 йилда Марказий банкнинг макропруденциал сиёсати глобал иқтисодиётдаги ноаниқликларнинг давом этиши шароитида банк тизимининг молиявий барқарорлигини мақбул даражада таъминлашга йўналтирилди.

Вужудга келиши мумкин бўлган хатарларнинг банклар капитали ва ликвидлигига бўлган салбий таъсирларини минималлаштириш мақсадида банклар фаолияти доимий равишда Жаҳон банки экспертлари кўмагида ишлаб чиқилган назорат индикаторлари ва ХВЖнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиниб, турли сценарийларда стресс-тестлардан ўтказиб борилди.

Ушбу стресс-тестлар натижаларидан келиб чиқиб, тижорат банклари активлари сифатини ҳаққоний баҳолаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарли миқдорда захираларни шакллантириш, банклар учун аҳамиятга молик энг йирик мижозларнинг молиявий ҳолатини мониторинг қилиб бориш, муаммоли кредитларни ундириш тизимини такомиллаштириш, банк фаолиятига оид бўлмаган мол-мулкларни банк балансидан чиқариш, харажатларни мақбуллаштириш, капитал ва ликвидлик буферларини ўз вақтида шакллантириш борасида тегишли чоратadbирлар амалга ошириб борилди.

2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлик ҳолати


2023 йилда банк тизими **соф фойдаси** 2022 йилга нисбатан **24** фоизга ошиб, **12,4** трлн сўмни ташкил этди. Бунда, олинган ялпи даромадлар ҳажми **128,7** трлн сўмни ҳамда харажатлар **116,4** трлн сўмни ташкил қилди.

Банклар жами даромадларининг **67** фоизи **фоизли даромадлар**, **33** фоизи **фоизсиз даромадлар** ҳиссасига тўғри келди. Фоизли даромадларнинг **88,3** фоизи кредит ва мижозларнинг мажбуриятлари, **6,2** фоизи бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлар, **5,5** фоизи қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларни ташкил этади.

2023 йилда банк тизимининг рентабеллик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилган бўлиб, ҳисобот йили яқунлари бўйича банк тизими **активлари рентабеллиги** 2022 йилга нисбатан **0,1** фоиз бандга ошиб, **2,6** фоизга ва **капитал рентабеллиги** **0,9** фоиз бандга ошиб, **14,2** фоизга тенг бўлди.

2.1.1-чизма

Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Банк тизими активлари рентабеллигида 2023 йилнинг III чорагида пасайиш кузатилиб, ушбу ҳолат айрим банклар томонидан активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши қўшимча захиралар яратилганлиги билан изоҳланади.

Операцион самарадорлик кўрсаткичи (CIR) 2023 йилда 2022 йилдагига нисбатан **1** фоиз бандга ошиб, **34** фоизга (ушбу кўрсаткичнинг мақбул даражаси 50 фоиз бўлиб, унинг кичрайиб бориши ижобий баҳоланади) тенг бўлди.

2.1.2-чизма

Банк тизими капиталлашув даражаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Операцион самарадорлик кўрсаткичининг йил бошига нисбатан ортиши айрим банклар бино ва иншоотларини сақлаш ва таъмирлаш, банк хизматларини суғурталаш ва банк фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган консалтинг (*digital banking*) харажатларининг ошиши ҳисобига кузатилган.

Ҳисобот йилида банклар **жами капитали** ҳажми **22** фоизга ошиб, йил якуни бўйича **97** трлн сўмга, устав капитали миқдори **15** фоизга ўсиб, қарийб **69** трлн сўмга етди.

Шунингдек, 2023 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори **106** трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар **604** трлн сўмни, **капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,5** фоизни (*минимал талаб 13 фоиз*) ташкил этди.

2.1.3-чизма

Капитал етарлилиги кўрсаткичи динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Банк тизими капитал етарлилиги кўрсаткичининг йил якунида бошқа ойларда шаклланган кўрсаткичларга нисбатан юқори сақланиб қолиши капитал етарлилиги кўрсаткичининг ҳисоблаш методологиясининг ўзгариши билан боғлиқ.

2023 йилда юқори ликвидли активлар ҳажми **7,6** трлн сўмга ёки **7** фоизга камайиб **97** трлн сўмни ташкил этди. Бунда, юқори ликвидли активлар таркибида миллий валютадаги активлар **4,5** трлн сўмга, хорижий валютадаги активлар эса **3,1** трлн сўмга камайиб, уларнинг ҳажми мос равишда **46,5** ва **50,4** трлн сўмни ташкил этди.

2.1.4-чизма

Юқори ликвидли активларнинг (ЮЛА) таркиби ва жами активлардаги улуши динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Натижада, юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 2023 йил бошига нисбатан 4,6 фоиз бандга пасайиб, йил якунлари бўйича 14,9 фоизни (минимал талаб 10 фоиз) ташкил этди.

Юқори ликвидли активлар камайиши ривожланган давлатлар Марказий банклари асосий ставкаларини ошириши натижасида ташқи ресурсларнинг қимматлашиши ва глобал нобарқарорлик шароитида инвесторлар ўз маблағларини хавфсиз активларга йўналтириши фонида содир бўлди.

2.1.5-чизма

Ликвидлиликни қоплаш меъёри (LCR)




Манба: Марказий банк маълумотлари

Юқори ликвидли активлар ҳажмининг камайишига қарамай, банк тизимида қисқа муддатли ликвидлилик (LCR) ва узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари (NSFR) миллий валютадаги депозитларнинг 29 фоизга (38 трлн сўмга) ўсиши натижасида барқарор ички ресурс маблағлари ҳосил бўлиши ҳисобига мақбул даражада шаклланди.

Банк тизими бўйича ликвидлиликни қоплаш меъёри (қисқа муддатли ликвидлилик) йил давомида 212 фоиздан 165 фоизгача (минимал талаб 100 фоиз) пасайган бўлсада, банк тизимида қутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ бажара олиш имконияти мавжуд бўлди.

2.1.6-чизма

Соф барқарор молиялаштириш меъёри (NSFR) динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Банк тизимининг узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – соф барқарор молиялаштириш меъёри 2023 йил бошидаги 116 фоиздан 4 фоиз бандга пасайиб, 112 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич миллий ва хорижий валюталарда ҳам 112 фоизни ташкил этди.

2.1.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Ҳисобот йилида банкларнинг жами активлари 95 трлн сўмга ёки 17,1 фоизга ошиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига 652 трлн сўмга етди.

Активларнинг 70,2 фоизи ажратилган кредитлар қолдиғи, 8,2 фоизи бошқа банклардаги маблағлар, 5,1 фоизи Марказий банкдаги маблағлар, 5 фоизи инвестициялар ва сотиб олинган қимматли қоғозлар, 3,1 фоизи нақд пуллар, 3 фоизи асосий воситалар, 3 фоизи ҳисобланган фоизлар ҳамда 2,4 фоизи бошқа хусусий мулклар ва активлар ҳиссасига тўғри келади.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини кондириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2023 йилда **251** трлн сўм миқдорида ёки 2022 йилга нисбатан **24** фоизга кўп кредитлар йўналтирилди. Бунда, мазкур кредитларнинг **60** фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳамда **40** фоизи аҳолига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келган.

Хусусан, хусусий банклар томонидан 2023 йилда ажратилган кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши **31** фоиздан **43** фоизга, корпоратив мижозларга ажратилган кредитлардаги улуши **25** фоиздан **34** фоизга ошиши қайд этилди.


Шунингдек, ҳисобот йили давомида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда **айланма маблағларни** тўлдириш мақсадларига **57** трлн сўмлик револьвер кредитлар йўналтирилди.

Аввал ажратилган кредитларнинг банк айланмасига қайтувчанлик даражаси 2022 йил якунига нисбатан **7** фоиз бандга ошиб, ҳисобот йили якуни бўйича **74** фоизни ташкил этиши ташқи ресурс маблағларининг қимматлашиши шароитида иқтисодиётни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилди.

Натижада, банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2023 йил бошига нисбатан **21** фоизга ёки **81** трлн сўмга ошиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига **471** трлн сўмга етди.


2.1.1.1-чизма

Ажратилган ва сўндирилган кредитлар динамикаси



2.1.1.2-чизма

Кредит портфели динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Мазкур кредит қўйилмалари қолдиғининг **миллий валютада** ажратилган қисми 2022 йилдагига нисбатан 2 фоиз бандга ошиб **55** фоизни ташкил этган бўлса, **хорижий валютада** ажратилган кредитлар салмоғи эса 2 фоиз бандга пасайиб, жами кредит портфелининг **45** фоизини ташкил этди.

Кредит портфелида хорижий валютада ажратилган кредитлар қолдиғи улушининг қисқариб бориши хориждан жалб қилинадиган ресурслар нархининг ошиши, хорижий валютадаги кредитларни қайтувчанлик даражасининг ошиши (2022 йилдаги 69 фоиздан 89 фоизгача) ҳамда тадбиркорлик субъектларининг валюта алмашинув курси билан боғлиқ хатарлардан ҳимояланиш бўйича кўникмасининг (тажрибасининг) ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Ажратилган кредитлар қолдиғи иқтисодиёт тармоқлари бўйича саноат соҳасида **10,7** фоизга ошиб **140,2** трлн сўмни, қишлоқ хўжалигида **12,3** фоизга ошиб **47,3** трлн сўмни, транспорт ва коммуникация соҳасида **15,7** фоизга ошиб **34,3** трлн сўмни, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида **12,5** фоизга ошиб **32,5** трлн сўмни ҳамда қурилиш соҳасида **18** фоизга ошиб **12,3** трлн сўмни ташкил қилган.

Тижорат банклари корпоратив бошқарувининг такомиллаштириб борилиши, рақамли хорижий банкларнинг мамлакат банк бозорига кириб келиши, мижозларга масофавий хизмат кўрсатиш кўламининг ортиб бориши иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида кредитлаш ҳажмларининг ошиб боришига замин яратмоқда.

Хусусан, 2023 йил давомида **имтиёзли кредитлар**¹³ қолдиғи 5 фоизга ўсиб (6 трлн сўм), йил якунида **145** трлн сўмга етган бўлсада, жами **ажратилган кредитлардаги улуши** ўтган йил бошидаги **36** фоиздан жорий йил бошида **31** фоизгача пасайган.

2023 йилда иқтисодиётнинг кредитларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондириб боришга шароит яратиш ҳамда ташқи ресурслар бозорида ресурс нархининг ошиши ва уни жалб этиш бўйича рақобатнинг кучайиши фонида банк тизимига узоқ муддатли ички молиялаштириш манбаларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, ҳисобот йилида банкларнинг жами мажбуриятлари **555** трлн сўмга етиб, 2022 йилга нисбатан 16 фоизга ёки **78** трлн сўмга ошди. Мажбуриятлар ўсишининг **48** фоизи жалб қилинган **кредит маблағлари**, **32** фоизи **депозитлар**, **7** фоизи маҳаллий **банклараро кредит ва депозитлар**, **4** фоизи **субординар қарзлар** ҳамда **9** фоизи бошқа мажбуриятлар ҳисобига шаклланди.

¹³ *Имтиёзли кредитлар сифатида фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси ва ундан паст бўлган миллий валютадаги кредитлар ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Ҳукумат кафолати остида ажратилган хорижий валютадаги кредитлар ҳисобга олинган.*

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига мажбуриятлар таркибида депозитлар **44** фоизни, жалб қилинган кредитлар **40** фоизни, бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар **8** фоизни, чиқарилган қимматли қоғозлар **2** фоизни, субординар қарзлар, ҳисобланган фоиз тўловлари, Марказий банкка тўланадиган маблағлар ва бошқа мажбуриятлар **6** фоизни ташкил қилди.

Тижорат банклари томонидан 2023 йил давомида жалб қилинган депозитлар таркибидаги аҳоли омонатлари қолдиғи **37** фоизга ошиб, **86** трлн сўмга, жумладан, миллий валютада жалб этилган омонатлар қолдиғи **45** фоизга ёки **18** трлн сўмга ошиб, жами аҳоли омонатларидаги улуши эса 2022 йилдаги **63** фоиздан **66** фоизга етди.

Шунингдек, жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши **43** фоиздан **35** фоизгача пасайган бўлса, **1** йилгача (*қисқа муддатли*) бўлган депозитлар улуши **26** фоиздан **29** фоизгача, **1** йилдан юқори (*узоқ муддатли*) депозитлар улуши **31** фоиздан **35** фоизгача ошди.

2023 йилда тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри (*Хукумат кафолатисиз*) жалб этилган хорижий кредитлар ҳажми **4,3** млрд долларни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **2,1** баробарга ўсди. Бунда, бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитларнинг улуши **34** фоизни ёки **1,5** млрд долларни ташкил этди.

Ҳисобот йилида **2,4** млрд долларлик хорижий кредитлар сўндирилган бўлиб (*2022 йилда ҳам 2,4 млрд доллар сўндирилган*), шундан **1,7** млрд доллари (*72 фоизи*) узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келди.


Тижорат банклари томонидан жалб қилинган **ташқи кредит ресурслари** қолдиғи 2022 йилга нисбатан **29** фоизга ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **8,5** млрд долларга етди.

2.1.2. Тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган кредитлар таҳлили

Сўнгги йилларда бир томондан, тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши ҳамда иқтисодиётда давлат улушининг қисқариб бориши, иккинчи томондан, муқобил молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги шароитида хусусий секторнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитларига бўлган талаби юқориликча қолмоқда.

Ушбу юқори талабни қондириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 2023 йилда **581** мингдан ортиқ лойиҳаларга жами **160** трлн сўм миқдорида ёки 2022 йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп кредит маблағлари йўналтирилди.

2.1.2.1-чизма

2023 йилда тоифалар кесимида тадбиркорлик фаолиятига ажратилган кредитлар улуши

Манба: Марказий банк маълумотлари

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон Фармонида асосан тадбиркорлик субъектлари йиллик пул айланмасига қараб **кичик, ўрта ва йирик тоифаларга** ажратилган.

Бунда, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳам инобатга олинган.

Ҳисобот йилида кичик ва ўрта тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун **573** мингдан ортиқ лойиҳаларга жами **73** трлн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштириш бўйича 2023 йилда тижорат банклари томонидан **хорижий кредит линиялари** ҳисобидан ҳудудларда **16** мингга яқин лойиҳалар учун **3,2** млрд долларлик кредитлар ажратилган, жумладан, **тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз)** жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **2,7** млрд доллар (**жами хорижий кредит линияларининг 86 фоизи**) миқдорида кредитлар йўналтирилди. Бунда, **1,2** млрд доллар миқдоридаги маблағлар **кичик ва хусусий тадбиркорлик** субъектларини молиялаштириш учун ажратилди.

Ҳисобот йилида соҳалар кесимида хорижий кредит линиялари маблағларининг йўналтирилиши қишлоқ хўжалигига ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтган йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган бўлса, саноатга **1,5 баробарга**, қурилишга **2,7 баробарга**, савдо ва умумий овқатланиш **1,6 баробарга** ва транспорт соҳасига **3,3 баробарга** ошди.

Глобал иқтисодий ноаниқликлар ва жаҳон бозорида асосий хомашё маҳсулотлари нархларининг кескин тебранишлари шароитида ички бозорни **озик-овқат маҳсулотлари** билан узлуксиз таъминлашга эришиш учун ушбу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш давом эттирилиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга жами ажратилган кредитлар қолдиғи **23,8** трлн сўмни ташкил қилди.

Ушбу кредитларнинг **12,3** трлн сўми иссиқхона (*52 фоиз*), **4,2** трлн сўми чорвачилик (*18 фоиз*), **2,4** трлн сўми музлатгичли омборхона (*10 фоиз*), **2,0** трлн сўми паррандачилик (*8 фоиз*), **1,3** трлн сўми боғдорчилик (*5 фоиз*), **591** млрд сўми балиқчилик (*2 фоиз*), **557** млрд сўми сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш (*2 фоиз*) ва **372** млрд сўми гўшт ва сутни қайта ишлаш лойиҳаларини (*2 фоиз*) молиялаштиришга йўналтирилган.

2023 йилда тижорат банклари томонидан **савдо ва хизматлар соҳасидаги** тадбиркорлик субъектларининг қарийб **39** мингдан ортиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун **53,7** трлн сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Ушбу маблағларнинг **23** трлн сўми хизматлар соҳасидаги лойиҳаларга, **16,9** трлн сўми савдо фаолиятига ва **13,8** трлн сўми хизматлар соҳасидаги тадбиркорларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилган.

Туризм фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан **3 548 та** тадбиркорлик субъектларига **3,5** трлн сўмдан ортиқ кредитлар берилди.

Ушбу ажратилган кредитларнинг **1,3** трлн сўми – меҳмонхоналар фаолиятини ривожлантириш, **896,7** млрд сўми – ресторанлар фаолияти, **449,3** млрд сўми – йўловчи ташиш хизматларига, **112,8** млрд сўми – спорт ва соғломлаштириш туризми ҳамда **43,1** млрд сўми – туристик агентлик ва оромгоҳлар фаолияти учун йўналтирилган.


Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда – Дастурлар) доирасида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги 6 йилда жами **44** трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, **1,9** млн га яқин аҳолининг даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди.

Натижада, республика бўйича ўрта ҳисобда ҳар минг хонадоннинг 193 таси ушбу дастурлар доирасида қўшимча даромад олиш имкониятларига эга бўлди.

2023 йилда ҳам Дастурлар амалга оширилиши давом эттирилиб, асосий эътибор, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга қаратилди ва ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида **472** мингдан ортиқ лойиҳаларига жами **9,9** трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

2.1.2.2-чизма

2023 йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит ажратиш динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ушбу имтиёзли кредитлар ҳисобидан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида **174** мингдан ортиқ лойиҳаларга **3,8** трлн сўм ва хотин-қизларнинг **262** мингдан ортиқ лойиҳаларига **4,6** трлн сўм йўналтирилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **369** млрд сўми (**4** фоизи) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, **9,5** трлн сўми (**96** фоизи) ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Дастурлар доирасида барча жараёнлар электрон имзо ёрдамида тўлиқ рақамлашган ҳолда:

– кредит учун ариза бериш, қарз олувчини скоринг таҳлил қилиш, ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсия бериш, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш, маҳсулотни буюртма қилиш, мониторинг ҳамда аризачини идентификациялаш oilakredit.uz платформаси;

– маҳсулот ва асбоб-ускуналар харид қилиш ҳамда хизматларга буюртма бериш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш эркин танлов ва рақобат муҳитига асосланган “маркетплейс” электрон савдо майдони (smart-market.uz) орқали амалга оширилмоқда.

Электрон савдо майдонини химояланган алоқа каналлари орқали Солик қўмитаси, Божхона қўмитаси, Персоналлаштириш агентлиги, “Электрон ҳукумат” ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали **инсон омили** иштироқи минималлаштирилмоқда. Жумладан,

– тавсия беришда ва кредит ҳисобига сотиб олинган маҳсулот ҳақиқатда етказиб берилгани (хизмат кўрсатилгани) бўйича мониторинг далолатнома расмийлаштиришда ҳоким ёрдамчиси планшети орқали лойиҳани амалга ошириш жойи геолокациясини белгилаш, фото лавҳаларни жойлаштириш ва қарз олувчини **биометрик верификациялаш** (биографик маълумотлар, рақамли фото) тизими йўлга қўйилди;

– ўз маҳсулот ва хизматларини таклиф қилаётган тадбиркорлик субъектлари ҳақиқатда ўзида мавжуд маҳсулотлари (хизматлари) ҳажмига мос равишда шартнома тузишини таъминлаш мақсадида “маркетплейс” электрон савдо майдони **“E-aktiv”** электрон платформасига интеграция қилиниши таъминланди.

2023 йилда электрон савдо майдонига жами **20** мингга яқин йирик ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдо ташкилотлари ва маҳсулот етказиб берувчилар томонидан **685** турдаги маҳсулотлар, **375** мингдан ортиқ таклифлар сотувга жойлаштирилди. Савдо майдони орқали **345** мингдан ортиқ **9** трлн сўмлик маҳсулот ва хизматлар етказиб берилди.

Дастурлар доирасида 2023 йилда ажратилган кредитларнинг **3,4** трлн сўми қишлоқ хўжалиги (*шундан, чорвачилик 677 млрд сўм, иссиқхона ташкил этиш учун 1,1 трлн сўм, мева-сабзавот ва боғдорчилик учун 605 млрд сўм*), **4,4** трлн сўми хизмат кўрсатиш, **1,4** трлн сўми ҳунармандчилик йўналиши учун ҳамда **710,4** млрд сўми ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга йўналтирилган.

2.1.3. Банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда қўлланилган пруденциал ва макропруденциал чора-тадбирлар

2023 йилда пруденциал назорат чоралари доирасида банк тизими кредит портфели сифатини яхшилаш ва улардаги муаммоли кредитлар салмоғини пасайтириш, аҳолининг қарз юки даражасини инобатга олган ҳолда хизматлар таклиф этиш, йирик қарздорларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб бориш орқали улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган кредит хатарларини олдини олиш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2023 йил давомида муаммоли кредитларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирларини олдини олиш ва уларнинг салмоғини камайтириш мақсадида банкларнинг кредит портфеллари мунтазам равишда банклар, ҳудудлар кесимида, сегментларга ажратилган ҳолда таҳлил қилиб борилди.


Таҳлиллар натижаларига кўра, тизимдаги мавжуд заифликлар юзасидан тегишли банклар бошқарувларига камчиликларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, муаммоли кредитларнинг ҳудудларда ундирилиши самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк раис ўринбосарлари бошчилигида тижорат банклари раҳбар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, жойларда муаммоли кредитларнинг ундирилиши ҳолатлари ўрганилди ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Бош Прокуратура, Марказий банк ва Ҳисоб палатаси томонидан қўшма топшириқлар тўплами тасдиқланиб, ҳудудларда масъуллар фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ҳамда баҳолаш асосида **вертикал назорат тизими** йўлга қўйилди.

2023 йил якунлари бўйича банк тизимида муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши **3,5** фоизгача (2022 йил якунида 3,6 фоиз) пасайишига эришилди.

2.1.3.1-чизма

Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **80** фоизи “стандарт”, **16** фоизи “субстандарт” ҳамда **3,5** фоизи муаммоли (1,5 фоизи “қоникарсиз”, 1,1 фоизи “шубҳали” ва 0,9 фоизи “умидсиз”) кредитлар сифатида таснифланади.

Банклар томонидан 2023 йилда активлар бўйича 2,4 трлн сўм миқдорда кўшимча захиралар (“стандарт” кредит портфелисиз) яратилди ҳамда муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси ўтган йилнинг мос давридаги 80 фоиздан 2024 йил 1 январь ҳолатига 82 фоизга кўтарилди.

Муаммоли кредитларнинг сегментлар бўйича тақсимоотида уларнинг 85 фоизи (14,1 трлн сўм) тадбиркорлик субъектлари, 15 фоизи (2,5 трлн сўм) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.3.2-чизма

Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Аҳолининг муаммоли кредитлари таркибида 1,0 трлн сўми (40 фоизи) тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар, 709 млрд сўми (28 фоизи) ипотека кредитлари, 470 млрд сўм (18 фоизи) микроқарзлар, 271 млрд сўми (11 фоизи) автокредитлар ҳамда 89 млрд сўми (3 фоизи) бошқа истеъмол кредитлари ҳиссасига тўғри келди.

Марказий банк томонидан ташқи иқтисодий хатарларнинг банклар барқарорлигига салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида тижорат банкларининг чет эл банклари олдидаги молиявий мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этилиши билан боғлиқ хатарларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири бўйича стресс-тестлар ўтказилди.

Шунингдек, банклар активларининг диверсификация қилинишини таъминлаш ҳамда аҳолининг қарз юки ошишини олдини олиш мақсадида макропруденциал чоралар кучайтириб борилди.

Хусусан, автокредитлар концентрацияси билан боғлиқ рискларни олдини олиш мақсадида автокредитларнинг таваккалчилик даражасини уларнинг гаров суммасига кўра белгилаш амалиёти жорий этилди.

Натижада, 2023 йилнинг дастлабки 8 ойи давомида ўртача ойига 3,4 трлн сўм автокредитлар ажратилган бўлса, сентябрь-декабрь ойлари давомида ойлик ажратилган кредит миқдори 2,4 трлн сўмгача пасайди.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларга кредитларни (*бунда, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар мустасно*) ажратишда таваккалчилик даражалари **кредитнинг гаровга нисбати ва аҳолининг қарз юки** асосида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди.

Мазкур меъёрнинг жорий этилиши келгусида банклар томонидан кредитлар ажратишда жисмоний шахсларнинг **кредитга лаёқатлилигини тўғри баҳоланишини** янада рағбатлантиради ва аҳоли қарз юкининг ошиши хавфини олдини олишга хизмат қилади.

Банк тизими фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга йирик таваккалчиликларни бошқариш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш мақсадида банк тизими кредит портфелидаги **топ-50 та қарздорнинг** молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражаларини белгилаш ва ҳар бир қарздор бўйича алоҳида маълумотлар (дашборд) тайёрлаш ҳамда уларнинг банклар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиб бориш амалиёти жорий этилди.

Дастлабки таҳлилларга кўра, тижорат банклари томонидан 50 та йирик қарздорларга ажратилган кредитлар 2024 йил 1 январь ҳолатига банк тизими кредит портфелнинг **24** фоизини (*112 трлн сўм*) ташкил этиб, уларнинг **70** фоизи (*77 трлн сўм*) **давлат иштирокидаги** корхоналарга ва **30** фоизи (*35 трлн сўм*) **хусусий корхоналарга** ажратилган.

Мазкур кредитларнинг **77** фоизи (*86 трлн сўм*) хорижий валютада ажратилган бўлиб, миллий валюта алмашув курсининг девальвацияси қарздорлар кредит юкининг ошишига ва ўз вақтида сўндириш борасидаги хатарларни кучайишига сабаб бўлишини инобатга олиб, тижорат банклари томонидан йирик **20 та қарздорни** мунтазам равишда мониторинг қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, доимий даромадга ҳамда камида 6 ой давомида банк ҳисобварағида маблағлар айланмасига эга бўлган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар учун таваккалчилик даражаси 100 фоиздан 75 фоизгача пасайтирилди.

Бу эса, ўз навбатида, келгусида ўзини ўзи банд қилган шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектларини банклар томонидан кредитлаш имкониятларини янада оширишга замин яратади.

Шунингдек, Марказий банк томонидан капитал монандлигини ҳисоблаш методологиясини **Базель кўмитасининг стандартларига** мувофиқлаштириш мақсадида:

– банкларда активларнинг таваккалчилик даражасини белгилаш бўйича талаблар қайта кўриб чиқилиб, бирлашмаган номолиявий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг капиталига киритилган инвестицияларнинг таваккалчилик даражаси **200** фоиз этиб;

– банкларнинг регулятив капитали таркибидаги I ва II даражали капиталлар улушларини тенг миқдорда (*50 фоиз*) тақсимлаш (*эски талаб бўйича II даражали капитал улуши 25 фоиздан ошмаслиги белгиланган*);

– **субординар қарз** маблағларини ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг **100** фоиздан ошмаган миқдорда ҳисобга олиш;


– бирлашмаган номолиявий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг капиталига киритилган **инвестициялар** регулятив капиталдан **чегирилмасдан** ҳисобга олиниши белгиланди.

2.1.4. Аҳолининг қарз юки

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барқарор ўсиб бориши ҳамда аҳолининг даромадлар бўйича ижобий кутилмаларининг ошиб бораётганлиги аҳолининг қарз мажбуриятларига, хусусан банк кредитларига талабини кучайтирмоқда. Бу эса, аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини ортишига таъсир кўрсатмоқда.


2.1.4.1-чизма

Жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати



2.1.4.2-чизма

Жисмоний шахсларга ажратилган ипотека, автокредит ва истеъмол кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда аҳолига жами ажратилган кредитлар бўйича **қарзга хизмат кўрсатиш** нисбати 7,7 фоизни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,2 фоиз бандга ортиши кузатилди.

Қарз юки кўрсаткичларини кредит турлари бўйича таҳлиliga кўра, **автокредит бўйича** қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи бошқа кредит турларига нисбатан юқори сақланиб қолмоқда. Хусусан, 2023 йилда ушбу кредит тури бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи **58,8** фоизни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **7,8** фоиз бандга юқорироқ шаклланди.

2023 йилда **автокредитлар** бўйича ўртача кредит сўндириш муддатининг (3,8 йилдан 4,3 йилга) ҳамда ойлик иш ҳақи (17,2 ф.б.) ошишининг кузатилишига қарамай, ушбу кредит тури бўйича аҳоли қарз юки кўрсаткичининг ортиши, ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган ўртача кредит ҳажмининг (45 фоиз) ошганлиги билан изоҳланади.

Аҳолига ажратилган **ипотека кредитлари** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2023 йил якунига кўра **44** фоизни ташкил этди. Ипотека кредити бўйича қарз юки кўрсаткичининг 2022 йилга нисбатан **6,8** фоиз бандга ўсиши ўртача кредит сўндириш муддатининг (18 йилдан 17,5 йилга) камайиши, шунингдек, кўчмас мулк бозорида **уй-жой нархларининг қимматлашиши** натижасида бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит суммаси миқдорининг (37,8 фоиз) ортиши ҳисобига шаклланди.

Шунингдек, **микроқарзлар** бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи ҳисобот йилида 2022 йилдаги **8,9** фоиздан **7,6** фоизга камайди. Микроқарзлар бўйича ўртача йиллик фоиз ставкасининг сезиларли ўсишига (5,3 ф.б.) қарамай, ўртача кредит сўндириш муддатининг (2 йилдан 2,5 йилга) ортиши ҳамда кредит олувчиларнинг йиллик даромадларида кузатилган сезиларли ўсиш (1,9 баробар) ушбу кредит тури бўйича қарз юки кўрсаткичининг камайишига сабаб бўлган.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан аҳолининг қарз юки даражасини ортиб кетиши ва молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олиш мақсадида **макропруденциал сиёсат чоралари** кучайтириб борилди.

Хусусан, 2024 йил 1 июлдан бошлаб ипотека ва автокредитлар бўйича кредит суммасини гаров суммасига нисбати (LTV) мос равишда **80** ва **75** фоиздан, шунингдек, жисмоний шахсларга ажратилган **барча кредит турлари бўйича** тўловнинг даромадга нисбати (DSTI) кўрсаткичи **60** фоиздан, 2025 йил 1 январдан эса мазкур кўрсаткич янада қатъийлаштирилиб, **50** фоиздан оширмаслик талаби амалиётга жорий этилади.

2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари

2023 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш доирасида давлат иштирокидаги **банкларни трансформация қилиш** ва уларда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга қаратилган ишлар билан боғлиқ **қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш** ишлари давом эттирилди.

Жумладан, банк устав капиталининг энг кам миқдорини 2025 йилнинг 1 январига қадар **100** млрд сўмдан **500** млрд сўмгача босқичма-босқич ошириб боришни назарда тутувчи ўзгартиришлар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга киритилди.

Мазкур норманинг жорий қилиниши банкларнинг капиталлашув даражаси ва ресурс базаларини ошириш, банклар учун ўрнатилган пруденциал меъёрларни халқаро стандартларга янада мувофиқлаштириш ҳамда банк секторига чет эл инвестицияларини жалб этиш имкониятларини яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, 2023 йилда давлат иштирокидаги корхоналар, шу жумладан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлиги ҳамда операцион самарадорлигини ошириш, хусусийлаштиришга тайёрлаш ва банк тизимида стратегик инвесторларни жалб қилиш борасида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

“Ипотека-банк” АТИБдаги давлат улушининг камайиши, тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг оширилиши ҳамда банк хизматлари бозорига 3 та янги банкнинг кириб келиши жами банк сектори активларидаги давлат улушини 2022 йилдаги **78** фоиздан **68** фоизгача, жами банк капиталидаги улушини эса **78** фоиздан **65** фоизгача пасайишига хизмат қилди.

2023 йилда Венгриянинг “OTP Bank” банки томонидан “Ипотека-банк” АТИБнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли акцияларининг 75 фоизи сотиб олинди.

Ҳисобот йилида, банклар томонидан халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, хорижий экспертлар билан биргаликда банклар фаолиятини ривожлантириш, шу жумладан банк корпоратив бошқаруви, таваккалчиликларни бошқариш, чакана хизматлар кўрсатиш, ахборот технологиялари ва операцион харажатларни қисқартириш йўналишларини такомиллаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзмилийбанк томонидан йирик хорижий банклар иштирокида “Инвестор куни” халқаро конференцияси ташкил этилиб, мазкур тадбирда бир қанча хорижий банк вакиллари иштирок этди.

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан ғазначилик операцияларини амалга ошириш бўйича Германиянинг “Raiffeisen bank” ҳамда “ODDO BHF” банклари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБнинг “Молиявий менежмент ва ғазначилик функциялари (CFO & Treasury)” йўналиши “PricewaterhouseCoopers (PwC)” халқаро аудиторлик ташкилоти иштирокида халқаро стандартлар ва тажрибалар асосида трансформация қилинди.

“Асакабанк” АЖда операцион самарадорликни ошириш мақсадида “KPMG Tax and advisory” ташкилоти томонидан банкнинг бош офиси ва бир нечта филиаллари самарадорлиги баҳоланиб, олинган натижалар асосида банкнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди.

АТ “Алоқабанк” акцияларини фонд биржасида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) бўйича “Portfolio Investments” МЧЖ андеррайтер сифатида танлаб олинди.

2023 йилда банклар фаолияти шаффофлигини ошириш ва **коррупцияга қарши курашиш** масалаларига ҳам эътибор кучайтирилиб, ушбу йўналишларда амалий ишлар давом эттирилди.

Микрокредитбанкнинг таваккалчиликка асосланган ички аудит, ички назорат хизмати (AML/CFT) ва коррупцияга қарши назорат тизимлари “Deloitte & Touche” халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда такомиллаштирилди.

Йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташаббусларини ҳамда давлат дастурларини молиялаштириш мақсадида банклар томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан ресурслар жалб қилиш бўйича ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Ўзмилийбанк томонидан 2022-2023 йилларда “Credit Suisse” (100 млн евро), Хитой давлат тараққиёт банки (1,7 млрд юань), “Citibank” (41,5 млн доллар), Хитой Экспорт-импорт банки (1,5 млрд юань), “Landesbank Hessen-Thüringen Helaba” (50 млн евро), Венгрия экспорт-импорт банки (50 млн евро), “Societe Generale” (50 млн евро), “Deutsche bank” (200 млн евро) каби етакчи хорижий банклардан ресурслар жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди.

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг 30 млн доллар, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан 10 млн доллар, “Налык Банк” ва “Altyn Bank”дан (Қозоғистон) 18 млн доллар маблағлар жалб қилинган бўлса, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан Осиё тараққиёт банки билан 50 млн доллар миқдорида кредит линиясини жалб қилиш юзасидан битимлар имзоланди.

Ҳисобот йилида “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан “Агробанк” АТБ, “Асакабанк” АЖ, “Ипотека-банк” АТИБ ва АТ “Алоқабанк”нинг рейтинги “В1” даражасидан “Ва3” даражасига кўтарилди.

Ўз навбатида, банклар фаолиятида замонавий технологик ютуқлардан кенг фойдаланиш ҳамда амалдаги ахборот технология тизимларини такомиллаштириш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Жумладан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкларни гаровга олиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида баҳолаш ишларини онлайн текшириб бориш дастури ишга туширилди.

“Асакабанк” АЖ томонидан ходимлар ҳаракати билан боғлиқ жараёнлар, кадрлар ҳисобини юритиш ҳамда иш ҳақи ҳисобини юритиш мақсадида SAP HCM ходимларни бошқариш тизими жорий қилинди. SAP Success Factors тизими ёрдамида банкда кадрларни танлаб олиш, янги ходимларни иш жараёнига мослаштириш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш, мақсадларни белгилаш ва баҳолаш жараёнларини рақамлаштириш имконияти яратилди.

SAP DWH тизими билан банкнинг бошқарув ҳисоботлари (117 та) автоматлаштирилди ва амалиётда қўллаш учун топширилди. “Асакабанк” АЖ томонидан банкдаги ички операцион жараёнларни автоматлаштириш учун ANET ички портали ишлаб чиқилиб, барча турдаги ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, АТ “Алоқабанк”да банк тўлов тизимларини “Sello” савдо майдончаси (маркетплейс) билан интеграция қилиш ишлари якунланиб, ҳозирда ушбу савдо майдончасининг барча онлайн тўловлари банкнинг махсус модули орқали амалга оширилмоқда. 2023 йил июль ойида АТ “Алоқабанк”нинг “Zoomrad” мобил иловасида “Sello” савдо майдончаси товарларини харид қилиш имконияти яратилди.

“Туронбанк” АТБ томонидан Мастеркард халқаро тўлов тизими ва “Tourist-uz” саёҳат агентлиги билан ҳамкорликда махсус кобрендинг карталари ҳамда “Нумо” тўлов тизими билан биргаликда Visa&Нумо кобейжинг карталари банк амалиётига киритилди.

2023 йилда “Туронбанк” АТБ ва “Микрокредитбанк” АТБ томонидан жисмоний шахслар учун мўлжалланган янги мобил иловалар (“MyTuron”, “Mavrid”) яратилиб, “MyTuron” иловаси орқали 6 дақиқада банкка бормасдан онлайн микроқарз олиш, FaceID технологияси орқали идентификациядан ўтиб, банк миждози сифатида **30** дан ортиқ банк хизмат турларидан фойдаланиш имконияти яратилган бўлса, “Mavrid” иловаси орқали банкнинг **36** дан ортиқ онлайн хизматларидан фойдаланиш мумкин.

“Яшил” молиялаштиришни рағбатлантириш мақсадида ушбу соҳага йўналтирилган кредит маҳсулотлари бўйича макропруденциал талаблар энгиллаштирилди. Бунда,

– **аҳоли учун** қуёш фотоэлектрик станциялари, қуёш сув иситгичлари, шамол генераторлари, қуввати 1 МВт гача бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар, биогаз ишлаб чиқарувчи ускуна ва қурилмалари, қайта тикланувчи энергия манбаси қурилмалари, энергия сақлаш тизимлари, маиший энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонларни сотиб олиш учун **Green product** кредит маҳсулоти;

– **кичик ва ўрта бизнес субъектлари** учун қуёш панеллари ўрнатиш, электромобилларни қувватлаш станциялари ташкил қилишга мўлжалланган, соддалаштирилган шартлардаги **Green Energy Microloan** кредит маҳсулотлари жорий қилинди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан умумий қиймати 100 млн АҚШ доллари бўлган 5 йиллик халқаро “**яшил**” облигацияларни жойлаштириш ишлари якунланди.

Мазкур жараёнга Халқаро молия корпорацияси, Австрия тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Германия тараққиёт молия институти каби халқаро молия институтлари инвестор сифатида, Франциянинг “Societe Generale” банки ташкилотчи банк сифатида жалб этилди.

Шунингдек, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБда “Standard & Poor’s” рейтинг агентлиги билан халқаро ESG рейтингини олиш юзасидан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлса, ЕТТБ техник қўмаги асосида ижтимоий ва экологик рискларни бошқариш тизими жорий этилмоқда.

2.3. Кредит ва тўлов ташкилотлари инфратузилмаси

2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ва тўлов ташкилотлари

2024 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони **35 тани**, шундан капиталида давлат улуши мавжуд банклар – **10 тани**, хусусий банклар – **19 тани** ҳамда хорижий банк капитали иштирокидаги банклар – **6 тани** ташкил этди.

Банк хизматлари кўламини кенгайтириш мақсадида 2023 йилда “АРЕХ BANK”, “НАУОТ BANK” ва “ЯНГИ БАНК” акциядорлик жамиятларига банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

Тижорат банклари филиаллари – **696 тага**, мини-банклар – **69 тага**, банк хизматлари кўрсатиш офислари – **1 747 тага** ҳамда туну-кун “24/7” режимида ишлайдиган банк шохобчалари – **3 723 тага** етди.

Шунингдек, 2023 йилда **2 та** микромолия ташкилоти, **5 та** ломбард ва **10 та** тўлов ташкилоти ўз фаолиятини бошлаган бўлса, **8 та** тўлов ташкилотлари, **2 та** микромолия ташкилотлари ва **2 та** ломбардлар қонунчилик талабларини бузганлиги учун белгиланган тартибда лицензиялари чақириб олинди ҳамда ҳисоб рўйхатидан чиқарилди.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган **нобанк кредит ташкилотлари** сони – 169 тани (*микромолия ташкилотлари – 84 та, ломбардлар – 84 та ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти – 1 та*), **тўлов операторлари** – 3 тани, **тўлов ташкилотлари** – 49 тани ҳамда **кредит бюролари** – 2 тани ташкил этди.

2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри, Кредит бюроси ва Гаров реестри фаолияти

Банклар ўртасида рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда рақамли банк хизматларининг кенгайиб бораётганлиги шароитида банк тизимида маълумотлар ассимметриясини камайтириш, хусусан миқдорларни скорингдан ўтказиш жараёнларини тезлаштириш ҳамда уларни тўловга лаёқатлилиқ даражасини тўлиқ баҳолашда маълумотлар алмашинуви муҳим аҳамият касб этади.


Кредит ахбороти алмашинуви тизими ўз ичига Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри ҳамда КАТМ ва “CRIF Кредит-ахборот хизматлари” кредит бюроларини қамраб олади.

Кредит ахборотининг давлат реестрида тижорат банкларига кредит (*лизинг, факторинг*) бўйича келиб тушган буюртмалар, тузилган битимлар ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотлар жамланган.

Хусусан, 2024 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 35,5 фоизга ошиб, 5,6 млн тага, қарздорлар сони эса 24,1 фоизга ўсиб, 4,1 млн тага етди.

2.3.2.1-чизма

Амалдаги кредит битимлари сони



2.3.2.2-чизма

Амалдаги қарздорлар сони



Манба: Марказий банк маълумотлари


Ҳисобот йилида амалдаги кредит битимларини банкларнинг мулкчилик шакли бўйича тақсимланишида таркибий ўзгариш кузатилган бўлиб, **давлат банклари**га тегишли кредит битимлари улуши 2022 йилдаги 71,9 фоиздан **54,7** фоизга қисқарган бўлса, **хусусий ва хорижий банк капитали иштирокидаги банклар** улуши 28,1 фоиздан **45,3** фоизга ошган.

2024 йил 1 январь ҳолатига мавжуд қарздорлар сонининг 96,2 фоизини **жисмоний шахслар** ва 3,8 фоизини **корпоратив мижозлар** ташкил этади. Кредит қарздорлиги мавжуд жисмоний шахсларнинг 53,6 фоизи эркаклар, 46,4 фоизи аёллардан иборат (аёлларнинг улуши ўтган йилга нисбатан 1,8 фоизга ошган).


Қарздорлиги мавжуд бўлган амалдаги битимлар сони кредит турлари бўйича таснифланганда **таълим кредитлари** сони 2022 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга, **микроқарзлар** сони 1,5 баробарга, **автокредитлар** сони 1,4 баробарга, **кредит карталари** сони 1,4 баробарга, **микрокредитлар** сони 1,3 баробарга ҳамда ипотека кредитлари сони 1,1 баробарга кўпайган.

2023 йилда Кредит ахборотининг давлат реестри дастурий мажмуасини модернизация қилиш ишлари якунига етказилиб, тўлиқ янги тизим доирасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

2.3.2.3-чизма

Кредит қарздорлиги мавжуд
жисмоний шахслар сони

2.3.2.4-чизма

Жисмоний шахсларнинг амалдаги
кредит битимлари улуши

Манба: Марказий банк маълумотлари

Мазкур дастурий мажмуа негизда маълумотларни чуқур таҳлил қилиш имконини берувчи замонавий таҳлил қилиш комплекси (Business Intelligence) ишга туширилиб, ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларнинг автоматик равишда шакллантирилишини таъминловчи қўшимча дастурий модуллар амалиётга жорий этилди.

Бу эса, тижорат банклари кредит портфелидаги рискларни реал баҳолаш, реестр маълумотларидан таҳлил ва статистика учун фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

Шу билан бирга, маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини ҳамда кредитларга оид ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида тегишли дастурлаш тилларидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда инвентаризация ўтказилиши йўлга қўйилди.

2023 йилда КАТМ кредит бюроси томонидан кредит ахбороти субъектлари, яъни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун кредит тарихига оид маълумотларни масофадан туриб КАТМ кредит бюроси веб-сайтидаги портал (portal.infokredit.uz) ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали онлайн тарзда олиш амалиётини такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, 2023 йилда КАТМ кредит бюроси ахборот базасидан кредит тарихига оид олинган маълумотлар сони қарийб 2 баробарга ошиб, **506,4** мингтага етган.

КАТМ кредит бюроси базасидаги кредит ахбороти субъектларига (жисмоний ва юридик шахслар) оид маълумотлар сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 15,4 млн тани ташкил этиб, шундан 93,9 фоизи (қарийб 14,5 млн таси) жисмоний шахслар ва 6,1 фоизи (942 мингтаси) юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2023 йил давомида КАТМ кредит бюроси билан кредит ахбороти алмашинуви бўйича шартномалар тузган кредит ахбороти фойдаланувчилари сони 151 тага кўпайиб, **630 тага** етди.

2.3.2.1-жадвал

Кредит ахбороти фойдаланувчилари сони

Ташкилотлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Тижорат банклари	30	32	33	31	35
Микромолия ташкилотлари	55	59	68	83	84
Ломбард ташкилотлари	60	62	70	80	84
Лизинг ташкилотлари	3	5	8	20	31
Суғурга ташкилотлари		1	1	4	8
Ретейлер ташкилотлар	13	70	175	256	381
Бошқалар				5	7
Жами	161	229	355	479	630

Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, 2023 йилда КАТМ кредит бюросига **кредит ахборотини етказиб берувчилар** сони 148 тага кўпайиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **637 тани** ташкил этди. Ҳозирда бюро томонидан жами 50 дан ортиқ турдаги кредит ҳисоботлари банк ва нобанк кредит ташкилотларига тақдим этиб келинмоқда.

2023 йил давомида банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан КАТМ кредит бюросидан жами 62,8 млн та кредит ҳисоботлари олинган бўлиб, шундан 41,8 млн таси тижорат банклари, 17,9 млн таси нобанк кредит ташкилотлари, 2,6 млн таси “e-auction”, “oila-kredit” ва бошқа платформалар, шунингдек 506,4 мингтаси жисмоний ва юридик шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳисобот йилида **гаров реестри** хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш ҳамда жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида “Click” тўлов ташкилоти билан гаров реестри маълумотлар базаси интеграция қилинди.

Шунингдек, барча тижорат банклари ва кредит ташкилотларига гаров реестри орқали “Нотариус” ахборот тизимига бирламчи бозордан сотиб олинган кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси бўйича қўйилган тақиқларни кредит қарздорликлари тўлиқ сўндирилгандан сўнг автоматик тарзда бекор қилиш имконияти яратилди.

Гаров реестридан фойдаланувчилар сони 2024 йил 1 январь ҳолатига **1 279** тани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **383** тага кўпайди. Шунингдек, фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони **593** мингдан ошган бўлса, тижорат банклари томонидан гаров реестри сайти орқали Адлия вазирлигининг “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимига **131** мингга яқин гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйилган ҳамда **80** мингдан ортиқ мол-мулк ҳолати тўғрисида маълумот берилган.

2024 йил 1 январь ҳолатига гаров реестри маълумотлар базасида жами актив ёзувлар сони 2022 йилдагига нисбатан 1,2 млн тага ошиб, деярли **1,6** млн тани ташкил этди ва мавжуд ёзувларга **79,6** мингдан ортиқ ўзгартиришлар киритилди.

Бундан ташқари, фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан **50** мингга яқин кўчирмалар тақдим этилиб, **224** мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилди.

2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимини такомиллаштириш

Аҳоли омонатларини уларнинг биринчи талабидаёқ тўлиғича қайтариш ва жозибador омонат турларини кенгайтириб бориш билан бир қаторда, банкларда сақланадиган ушбу маблағларнинг қайтарилишини кафолатлаш аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2023 йилда омонатларни кафолатлаш тизимини ислоҳ қилиш, банк молия тизимининг узoқ муддатли барқарорлигини таъминлаш, уни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича ишларни якунига етказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Омонатчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш орқали банкларда омонатларни кафолатлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **“Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”**ги янги қонун лойиҳаси соҳага оид халқаро стандартларга – **“Омонатларни кафолатлашнинг самарали тизими асосий тамойиллари”**га мувофиқ ишлаб чиқилди.

Бунда, омонатларни кафолатлаш агентлиги фаолияти, кафолатлаш тизими, банкларнинг кафолатлаш тизимида иштироки, омонатларни кафолатлаш жамғармаси маблағлари манбалари, кафолатлаш объектлари, кафолатланган омонатлар миқдори ва улар бўйича компенсация тўлаш тартиби назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига (*кейинги ўринларда – Фонд*) йўналтирилган календарь бадаллар миқдори 2022 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошиб, **666,1** млрд сўмга етди.

Бунда, Фонд фаолият бошлаганидан буён келиб тушган календарь бадаллар миқдори 2024 йил 1 январь ҳолатига жами **2,0** трлн сўмни ташкил этди.

2023 йилда банклардан келиб тушган календарь бадаллар, олинган даромад ва муддати тугаганлиги сабабли Фондга қайтарилган жами 2,1 трлн сўмлик маблағлар даромад келтирувчи активларга, шу жумладан, 1,2 трлн сўми давлат қимматли қоғозларига, 45 млрд сўми Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаш компанияси облигацияларига ҳамда қолган қисми тижорат банкларининг депозит ва депозит сертификатларига жойлаштирилди.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Фонднинг жами кўйилмалари йил бошига нисбатан қарийб 1,0 трлн сўмга ёки **1,5 баробарга** ошиб, **3,1** трлн сўмга етди ҳамда мазкур кўйилмалар ҳисобидан олинган даромадлар 457,6 млрд сўмни ташкил этди.

2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги


2023 йилда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун микромолиявий хизматлар оммабоплигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги нобанк кредит ташкилотларининг микромолия бозоридаги улушининг ортишига имконият яратмоқда.

2024 йил 1 январь ҳолатига НКТнинг умумий сони 169 тани ташкил этиб, худудлар кесимида Тошкент шаҳрида – 79 та, Фарғона вилоятида – 22 та, Бухоро вилояти – 15 та, Тошкент вилояти – 14 та, Андижон вилоятида – 9 та ҳамда бошқа худудларда – 30 та НКТ фаолият юритмоқда.

2023 йилда НКТ активлари қарийб **1,9** баробарга ошиб, **8,3** трлн сўмга етди. Бунда, **микромолия ташкилотлари** активлари **2,2 баробарга** (*2,5 трлн сўмга*), **ломбардлар** активлари эса **29** фоизга (*76 млрд сўмга*) ўсиб, уларнинг ҳажми мос равишда **4,5** трлн сўмни ва **336** млрд сўмни ташкил этди.

2.4.1-чизма

НКТ активлари динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Активлар ҳажмининг ўсиши асосан, кредитларнинг микроолия ташкилотларида **2,3** трлн сўмга ва ломбардларда **65** млрд сўмга ўсиши ҳисобига шаклланди.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг жами активлари **1,7 баробарга** (*1,4 трлн сўмга*) ўсган ҳолда, **3,5** трлн сўмни ташкил этди.

2023 йил давомида микроолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган **молиявий хизматлар ҳажми** 2022 йилга нисбатан **1,9** баробарга ошиб, **8,7** трлн сўмни ташкил қилди.

2.4.2-чизма

НКТ томонидан 2023 йилда ажратилган кредитлар динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига жами молиявий хизматлар қолдиғи (4,4 трлн сўм) **2,2 баробарга**, хусусан, **микромолия ташкилотлари** кредит қўйилмалари қолдиғи (4,1 трлн сўм) **2,3 баробарга** ва **ломбардлар** кредит қолдиғи (280 млрд сўм) 30 фоизга ўсди.

2.4.3-чизма

НКТ кредит қўйилмалари қолдиғи ва умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ўз навбатида, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти** томонидан аҳолини уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банкларига ажратилган ресурслари қолдиғи **65** фоизга ортиб, **3,1** трлн сўмга етди.

2023 йилда НКТнинг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** 2022 йилга нисбатан **1,9 баробарга** кўпайиб, **7,5** трлн сўмни ёки барча **кредит ташкилотлари** умумий кредитлаш ҳажмидаги улуши **1,6** фоизни ташкил этди.


НКТ томонидан жисмоний шахсларга ажратилган **микроқарзлар қолдиғи** 2022 йилга нисбатан 2 баробарга ортиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **3,9** трлн сўмга, тадбиркорлик субъектларига ажратилган **микрокредитлар қолдиғи** 8 баробарга кўпайиб, **466** млрд сўмга ҳамда **лизинг хизматлари** ҳажми эса 3,5 баробарга ошиб, **8,3** млрд сўмга етди.

НКТда муаммоли кредитлар (*NPL 90+*) улуши 2023 йил бошига нисбатан **0,4** фоиз бандга ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **1,4** фоизни ёки **104** млрд сўмни ташкил этди.

Хусусан, муаммоли кредитлар (*NPL 90+*) **микромолия ташкилотларида** 0,7 фоиз бандга ортган ҳолда, **2,1** фоизни (қолдиғи 88 млрд сўм), **ломбардларда** эса 1,2 фоиз бандга камайиб, **6** фоизни ташкил қилган (қолдиғи 17 млрд сўм) бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида мавжуд эмас.

2.4.4-чизма

НКТ муаммоли кредитлари улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

НКТнинг жами мажбуриятлари 2023 йилда **2,1 баробарга** ошиб, **6** трлн сўмни ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотлари мажбуриятлари **2,9 баробарга** ошиб **2,7** трлн сўмни, ломбардларда **37** фоизга кўпайиб **41** млрд сўмни ташкил этган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотидида **1,7 баробарга** ортган ҳолда **3,3** трлн сўмга етган.

2.4.5-чизма

НКТ жами мажбуриятлари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Мажбуриятлар ўсишида жалб этилган маблағларнинг **1,8 баробарга** (**2,3 трлн сўмга**) ошиши асосий омил бўлган. Хусусан, микромолия ташкилотлари мажбуриятлари таркибидида банк кредитлари **2,9 баробарга** ортиб **1,3** трлн сўмни, таъсисчиларнинг қарз маблағлари **1,9 баробарга** кўпайиб **456** млрд сўмни, юридик шахслардан олинган қарз маблағлар **2,1 баробарга** ошиб **274** млрд сўмни ташкил этди.

2.4.6-чизма

Микромолия ташкилотлари томонидан жалб этилган маблағлар қолдиғи




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар микромолия ташкилотларида **2 баробарга** ўсиб, **215** млрд сўмга ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида **1,5 баробарга** кўпайиб, **2,9** трлн сўмга етди.

2.4.7-чизма

НКТ капитали миқдори динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Микромолия ташкилотларининг жами капитали 64 фоизга ва **ломбардларнинг жами капитали эса 28** фоизга ошиб, мос равишда **1,7** трлн сўмни ва **295** млрд сўмни, **ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида жами капитал 21** фоизга кўпайиб, **166** млрд сўмни ташкил этган.

2.4.1-жадвал

НКТнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари, млрд сўмда

Даромадлар ва харажатлар таркиби	Жами	Микромолия ташкилотлари	Ломбардлар	Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти
Фоизли даромадлар	1 884,2	1 364,1	201,9	318,2
Фоизли харажатлар	591,6	316,5	5,7	269,4
Фоизсиз даромадлар	377,5	326,5	51,0	0,01
Фоизсиз харажатлар	96,1	85,2	8,5	2,4
Бошқа харажатлар*	745,5	614,0	116,2	15,3
Соф фойда	828,4	674,9	122,5	31,1

Манба: Марказий банк маълумотлари

*Бошқа харажатлар операция харажатлар, солиқ ва активлар бўйича яратилган захираларни ўз ичига олади.

НКТ жами капиталининг кўпайиши асосан устав капиталининг **292** млрд сўмга (*39 фоизга*) ва тақсимланмаган фойдасининг **71** млрд сўмга (*64 фоизга*) ошиши ҳисобига шаклланган.

НКТнинг жами даромадлари **2,3** трлн доирасида шаклланиб, унинг таркибида фоизли даромадлар улуши **83** фоизни ташкил этди.

НКТнинг жами харажатлари **570** млрд сўмга (*66 фоизга*) кўпайиб, **1,4** трлн сўмни ташкил этган. Жами харажатларнинг **41,3** фоизи ёки **591,6** млрд сўми фоизли харажатлар, уларнинг асосий қисми (*417 млрд сўм*) банклардан жалб этилган кредитлар бўйича фоиз тўловларидан иборат.

Иқтисодиётда бизнес имкониятларининг кенгайиши, ўз навбатида, микромолиявий хизматларга бўлган талабни ошириб, микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги ўрнини ва мавқеини яхшилаш заруратини оширди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, микромолия хизматлари оммабоплигини ошириш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда микромолия хизматларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш борасида амалий ишлар бошланди.

Жойларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида микромолия ташкилотларини ҳамда **микромолия хизматини кўрсатишнинг янги “занжири”** бўлган микромолия банкларини ташкил этиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида кредит ташкилотларининг раҳбар ва масъул ходимлари иштирокида **2** та семинар-тренинглар ташкил этилган бўлиб, 2024 йил давомида қўшимча **20** та конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиши белгилаб олинди.

Мазкур тадбирлар **Халқаро молия корпорацияси, ЕТТБ** ҳамда **Осиё тараққиёт банки** каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилиб, соҳада илғор тажрибага эга мутахассислар жалб этилмоқда.

Бундан ташқари, кредит ташкилотлари томонидан **кредит тарихига эга бўлмаган** аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашни рағбатлантиришга қаратилган **“Бизнесга биринчи қадам”**, **ижобий кредит тарихи шаклланган** қарздорларга тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган кредит миқдори табақалаштирилган **микромолия банк маҳсулотлари** йўлга қўйилмоқда.

2.5. Кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Сўнгги йилларда кузатилаётган иқтисодий нобарқарорликлар шароитида глобал молиявий баҳқарорлик билан боғлиқ хатарлар мамлакатимиз банк тизими баҳқарорлигини таъминлашда **назорат механизмларини** такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу мақсадда 2023 йилда банк назорати соҳасида халқаро стандартлар ва **Базель қўмитаси тавсиялари** асосида кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Базель қўмитасининг тавсиялари ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларини бошқариш тизимига доир талаблар жорий этилди.

Бунда, банкларда таваккалчиликларни бошқариш тизими **“ҳимоянинг уч чизиғи”** методига асосланиб, банкнинг **кузатув кенгаши** ва унинг ҳузуридаги **қўмиталар** ҳамда таваккалчиликларни бошқаришга масъул **таркибий бўлинмаларнинг** вазифалари белгиланди.

Банкларнинг кредит, ликвидлик, операцион ва бозор таваккалчиликларини бошқариш ҳамда **кредит таваккалчилигини бошқариш** тизими доирасида муаммоли активларни аниқлаш ва улар билан ишлаш бўйича талаблар ўрнатилди.

Мазкур талаблар доирасида банклар консолидациялашган молиявий ва назоратга оид ҳисоботларни тузиши, банклар гуруҳига кирувчи молия институтларининг баланс консолидацияси Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, 2023 йил давомида тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашнинг вақтинчалик тартибида белгиланган **4 та** мезон бўйича гуруҳлаштирилган **9 та** кўрсаткич асосида тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш услубиётини синовдан ўтказиш ишлари якунланиб, мазкур амалиётни банклар устидан назоратни амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишда фойдаланиш босқичи бошланди.

Кейинги босқичда эса, тизимли аҳамиятга молик деб эътироф этилган банкларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ **пруденциал нормативларга қўшимча устамалар** белгилаш масалаларини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Банк ва банклар гуруҳида аудиторлик текширувини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштириш мақсадида Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари ва стандартлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида банк ва банклар гуруҳида аудиторлик текширувларини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш билан боғлиқ талаблар такомиллаштирилди.

Мазкур тартибда банк аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга оид талаблар, шунингдек, **аудиторлик текшируви** самарадорлигини ошириш ва текширув чоғида банкнинг аудит қўмитаси ва аудиторлик ташкилоти ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш ва юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларни бартараф этишга қаратилган нормалар киритилди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга, шунингдек, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олишга қўйиладиган талаблар жорий этилди.

Мазкур талаблар доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамда зарурияти мавжуд бўлмаган (фойдаланилмайдиган) кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларга ажратилиб, уларни сотиб олиш ҳамда эгалик қилишга оид талаблар ҳамда банклар учун кўчмас мулк ва бошқа мол-мулкларнинг жами қийматига нисбатан **пруденциал меъёрлар** белгиланди.

Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларни янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида банклар томонидан кредитлар, микроқарзлар, омонатлар, қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби батафсил баён этилган **тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тартиби** янги таҳрирда тасдиқланди.

Хусусан, мазкур тартибда бухгалтерия ҳисобининг “ҳисоблаб ёзиш” усулини қўллаган ҳолда кредитлар (микроқарзлар) ва номинал қиймати бўйича харид қилинган молявий воситалар бўйича фоизли даромадни ҳамда омонатлар (депозитлар), қарз маблағлари бўйича фоизли харажатларни тан олиш тартиби ўрнатилди.

Банкларда кредит таваккалчилиги ҳисоб-китобини янада мақбуллаштириш орқали банк тизимининг молявий баҳқарорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талабларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жисмоний шахсларга автомобил сотиб олиш учун ажратилган кредитларнинг таваккалчилик даражалари, жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкасидан келиб чиқиб таваккалчилик даражалари Марказий банк томонидан ўрнатилиши бўйича қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг кредит ташкилотларини назоратга оид вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан асослантирилган мулоҳазани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби жорий этилди.

Бунда, Марказий банкнинг тегишли назорат бўлинмаси томонидан кредит ташкилотларига нисбатан асослантирилган мулоҳаза назорат доирасида олинган ахборотлар, жисмоний ва юридик шахслардан, халқаро ташкилотлардан ёки давлат органларидан, чет эл назорат органлари ва ташкилотларидан ҳамда бошқа очиқ манбалардан олинган маълумотларга мувофиқ шакллантирилиши белгиланди.

Кредит ташкилотлари томонидан қарз юқини ҳисоблаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юқини тартибга солиш тўғрисидаги низомга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар жорий қилинди.

Бунда, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича кунлик энг юқори ставкани ҳисоблашда фоиз тўловларидан ташқари тўланадиган бошқа тўловларни ҳам ҳисобга олиш амалиёти жорий этилиб, фоизлар, воситачилик ҳақи, пеня ва жавобгарликнинг бошқа чоралари миқдори йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп бўлмаслиги юзасидан ҳисоб-китобларга аниқлик киритилди ҳамда ҳисоб-китоб қилинишини осонлаштириш мақсадида формула ва уни қўллаш бўйича бир нечта кўрсатмалар киритилди.

Ҳисобот йилида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, уларда самарали корпоратив бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш билан бир қаторда, уларнинг молия бозоридан чиқиши ва тугатилиши механизмларини такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, “**Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси Молиявий барқарорлик кенгаши (МБК) стандартлари асосида ишлаб чиқилиб, унда банкларни санация қилиш мақсадлари ва тамойиллари, санация қилиш воситалари, санация қилишни молиялаштириш механизмлари ҳамда банкларни ихтиёрий ва мажбурий тугатиш тартиби назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–63-сон Фармонида асосан мажбуриятлар бажарилиши таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни аукцион орқали сотиш жараёнларини соддалаштириш, шунингдек, гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

Ҳисобот йилида тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲҲС) ўтишни жадаллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг “ҳисобварақлар режаси”ни МҲҲСга мувофиқлаштириш, банклар томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларни банк ҳисобварақларида акс эттириш орқали маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ҳисобварақлар режасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан:

– ҳисоб-китобли форвард шартномаларини ҳисобини алоҳида юритиш учун “стандарт” деб таснифланган ҳар бир актив учун алоҳида захиралар шакллантирилиши, ҳосилавий инструментлар бўйича фоизли даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш учун мижозларнинг инвестициявий ва “**яшил энергия**” лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маблағлари ҳисобини юритиш учун ва банк амалиётидан келиб чиқиб, валюта биржаси билан ҳисоб-китобларни ҳисобини алоҳида юритиш учун алоҳида ҳисобварақлар;

– захира харажатларининг 20 фоизидан солиқ тўланаётганлиги ва ушбу суммаларни такроран солиққа тортилишининг олдини олиш мақсадида алоҳида даромад ҳисобварағи;

– Тезкор тўловлар тизими ва Марказий банк клиринг тизимлари учун мажбуриятлар қисмини алоҳида ҳисобини юритиш мақсадида янги ҳисобварақлар;

– молиявий активлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, касса амаллари ва қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш юзасидан намунавий бухгалтерия ўтказмалари ёзувлари ҳисобварақлар режасига киритилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида банкларда ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатини кенгайтириш мақсадида банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби қайта ишлаб чиқилди. Жумладан:

– таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ҳамда яққа тартибдаги тардбиркорларга банк ҳисобварақларини нафақат давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида балки, фаолияти давомида ҳам банк ҳисобварақларини масофадан туриб очишга;

– имзолар намуналари қўйилган варақча шакли ва тақдим этиладиган сони банк томонидан ички ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилишига;

– ҳисобварақни очиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни электрон сақлаш имконияти бўлганда, қоғозда сақламасликка;

– ногиронлиги бўлган шахсларга факсимил имзодан фойдаланишига;

– хўжалик субъектига асосий ҳисобварақ очган банк орқали ўзининг барча банклардаги ҳисобварақлари рўйхатини Банк депозиторларининг миллий ахборот базасидан олишига;

– “Миллий клиринг маркази” АЖ ва “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Марказий банкда вакиллик ҳисобварағи очилишига;

– уюшган савдоларда акциялар билан бир қаторда корпоратив облигацияларни сотувчи (сотиб олувчи) чет эллик инвесторларга банкларда ҳисобварақлар очилишига имконият яратилди.

2023 йилда Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган банкларга нисбатан айрим операцияларини тўхтатиш, **жарима санкциялари** ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Хусусан, 2023 йил давомида Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси қарорларига асосан **22 та** тижорат банклари ва **4 та** микромолия ташкилотларидан жами **3** млрд сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Бунда, мазкур жарималарнинг:

– 1,6 млрд сўми ёки 55,5 фоизи иқтисодий меъёрлар талаблари бажарилмаганлиги учун (10 та банкка нисбатан);

– 542 млн сўми ёки 18,2 фоизи банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқлари бузилганлиги учун (16 та банкка нисбатан),

– 530 млн сўми ёки 17,8 фоизи банклар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги учун (4 та банкка нисбатан) ундирилган.

Марказий банкнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари таъминланмаганлиги, пруденциал нормативларга ва валюта мавқеига ўрнатилган меъёрларга риоя қилинмаганлиги сабабли 7 та банкларга нисбатан омонатлар жалб қилиш, кредитлар (*лизинг, факторинг, пул маблағлари билан қопланмаган аккредитивлар очилиш ва кафолатлар*) бериш амалиётларига **вақтинчалик чеклов ўрнатиш** билан боғлиқ таъсир чоралари қўлланилди.

Шунингдек, вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг банк молиявий баҳқарорлигига салбий таъсирини камайтириш, уларда макропруденциал буферлар шаклланишини таъминлаш мақсадида, **олдиндан чора кўриш доирасида** банк акциядорларига оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлаш орқали фойдани тақсимлаш бўйича **22 та** банкка нисбатан тақиклаш чораси қўлланилди.

2.5.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари доирасида:

– 2024-2026 йилларда микромолиялаш бозори ҳажмини камида 5 баробарга ошириш;

– микромолиявий хизматлар билан 1 млндан ортиқ тадбиркорлик субъектларини қамраб олиш;

– микромолия ташкилотлари ресурс базасида жисмоний шахслардан жалб қилинадиган маблағлар миқдорини 2 баробарга ошириш;

– микромолиявий хизматлар кўрсатиш орқали расмий даромадга эга бўлмаган 500 мингга яқин шахсларни ўзини ўзи банд қилиш ва бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Шунингдек, микромолия ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш ва уларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида:

– норезидентлардан хорижий валютада қарз маблағларини жалб қилиш ҳамда юридик шахсларга хорижий валютада молиявий хизматлар кўрсатиш;

– жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан (акциядорлардан) устав фондига киритилган ҳисса суммасининг ёки уларнинг эгалигидаги акциялар номинал қийматининг икки баробаридан ошмайдиган миқдорда қарз маблағларини жалб этиш;

– тегишли лицензия олган ҳолда тўлов ташкилоти фаолиятини амалга оширишга рухсат берилди.

Бундан ташқари, микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача оширилди.

Худудларда микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида базавий банк хизматларини кўрсатувчи микромолия банкларини ташкил этиш ва микромолия ташкилотларини **микромолия банкларига трансформация қилиш** механизмини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг назорати масофадан туриб (дистанцион) ва жойида ўрганиш йўли билан амалга оширилди.

Бунда, 2023 йилда жами 14 та нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, 7 та микромолия ташкилотлари ва 7 та ломбардлар фаолияти бўйича жойида тематик ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлардан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган 1 та микромолия ташкилотига нисбатан 30 млн сўм миқдоридagi жарима чораси ва 11 та микромолия ташкилотлари ва ломбардларга огоҳлантириш чоралари қўлланилиб, 1 та микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ва 1 та ломбард ломбардлар реестридан чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

2.5.3. Тўлов ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мослаштириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан:

– тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари, шу жумладан, муассисларга (иштирокчилар, акциядорлар), устав капиталига минимал талаблар ҳамда ташкилий, техник, хавфсизлик ҳамда фаолиятнинг узлуксизлигига доир талаблар;

– тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолияти устидан кузатувни амалга ошириш, масофавий назорат қилиш ва инспекция текширувларини ўтказиш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, соҳада таваккалчиликларни бошқариш ва тўлов тизимларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида **муҳим тўлов тизими операторини** аниқлашнинг мезонлари белгиланди.

Тўлов тизимлари ишлашининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятининг қонунчилик талабларига мувофиқлиги юзасидан даврий равишда **масофавий кузатувлар** олиб борилди. Ўрганишлар натижалари бўйича ушбу ташкилотларга:

– тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда тўлов тизими инфратузилмасининг доимий равишда узлуксиз ва барқарор ишлаб туришини таъминлаш ва назорат қилиш;

– тўлов тизими иштирокчилари ҳамда тўлов хизматларидан фойдаланувчилар билан икки томонлама доимий алоқа механизмини таъминлаш;

– тўлов тизимларида юзага келган кўзда тутилмаган узилишлар ва тўхталишлар ҳақида тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларни, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини расмий коммуникация каналлари орқали тезкор хабардор қилиб бориш;

– фаолиятидаги ўзгаришлар тўғрисида тўлов ташкилотлари Марказий банкни белгиланган тартибда хабардор қилиши, шу жумладан, электрон пуллар тизими оператори фаолиятини бошлаш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Марказий банк томонидан 2023 йилда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларига нисбатан лицензияни амал қилиш муддатини вақтинча тўхтатиш, айрим тўлов хизматларини вақтинча тўхтатиш, жарима санкциялари ва бошқа таъсирчан чоралар қўлланиб борилди.

Жумладан, тўлов тизимларига оид қонунчилик талабларини бузганлиги учун **1 та** тўлов тизими оператори ва **1 та** тўлов ташкилотидан **2 та** ҳолат учун жами **200** млн сўм миқдорида:

– тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш борасида берилган бир неча огоҳлантиришларга қарамасдан юзага келаётган узилишлар ва тўхталишлар учун **1 та** ҳолат бўйича **100** млн сўм миқдорида;

– жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларига амал қилмаганлиги учун **1 та** ҳолат бўйича **100** млн сўм миқдорида жарима ундирилди.

Аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича юборилган тавсияларга амал қилинмаганлиги, хусусан жисмоний шахслар ўртасидаги пул ўтказмалари (P2P амалиётлари)ни амалга оширишда таваккалчилик даражасини ўрганиш, баҳолаш ва камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилмаганлиги сабабли **1 та** тўлов ташкилотига айрим тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича **олти ой муддатга чеклов ўрнатилди**.

Тўлов ташкилотлари фаолиятига лицензия олинган кундан эътиборан **бир йил давомида** фаолият кўрсатмаганлиги ва фаолиятини **олти ойдан ортиқ** даврга тўхтаб турганлиги муносабати билан **4 та** тўлов ташкилотининг, шунингдек, қонунчиликда белгиланган устав капиталига қўйилган минимал талаблар бажарилмаганлиги учун **4 та** тўлов ташкилотининг фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензиялари чақириб олинди.

2.5.4. Таваккалчиликка асосланган банк назоратини амалиётга жорий этиш

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг таваккалчиликка асосланган банк назорати тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда “Таваккалчиликка асосланган банк назорати қўлланмаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур Қўлланмани амалиётга татбиқ этиш доирасида 4 та банкнинг (“Асакабанк” АЖ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Капиталбанк” АТБ ва АИТБ “Инак Йўли”) бизнес-моделлари, кредит, бозор, фоиз, операция, капитал ва ликвидлик хатарларини баҳолаш бўйича намунавий тақдимот маълумотлари тайёрланди.

Ушбу ёндашувлар асосида 23 та тижорат банкида, жумладан, 18 та банкда пруденциал меъёрлар, 17 та банкда тўлов тизимлари, 16 та банкда валюта амалиётлари ва 5 та банкда молиявий мониторинг фаолияти билан боғлиқ хатарларни, 15 та нобанк кредит ташкилотидан уларнинг умумий молиявий ҳолати билан боғлиқ хатарларни баҳолаш юзасидан тематик инспекциялар ўтказилди.

Тематик инспекциялар банкларда капитал ва ликвидлик хатарларини минималлаштириш орқали уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ хатарларга бардошлилигини мустаҳкамлашга, шунингдек, банкка алоқадор шахсларга ҳамда кўчмас мулкка қилинган инвестицияларга тўғри келувчи хатарларни юмшатишга қаратилди.

Инспекция натижаларига кўра, Марказий банкка тақдим этилган пруденциал ҳисоботларда хатарлар тўғрисидаги маълумотларни ҳаққоний акс эттирмаган банкларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, 10 та давлат банкида мижозларга ажратилган янги корпоратив кредитларнинг келгусида муаммога айланиш эҳтимолини баҳолаш юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижалари бўйича ҳар бир банк кесимида корпоратив кредитларнинг келгусида муаммога айланиш эҳтимолини вужудга келтирувчи омиллар ҳамда ушбу омиллар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтиришга доир таклифлар берилди.

Банкларда корпоратив кредитлар бўйича келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдиндан баҳолаш имкониятини берувчи Марказий банкнинг Matrix VI дастурий таъминотида муаммоли қарздорлиги мавжуд бўлган мижозларга ажратилган янги кредитлар ва кредит шартларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида сигнал берувчи модул жорий қилинди.

Бундан ташқари, 2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан Марказий банк ходимларини текширишларга жалб қилиш бўйича жами 2 944 та сўров келиб тушган бўлиб, ушбу сўровларнинг 1 392 та (47 фоиз) бўйича ижроси белгиланган тартибда ташкил этилди.

Қолган 1 552 та (52 фоиз) сўров, хусусан 35 та сўров корхона ва ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш масаласида бўлганлиги учун, 49 та сўров текшириш ўтказиладиган масала банк фаолиятига тааллуқли эмаслиги учун ва 1 468 та сўров текширишга мутахассис ажратиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаганлиги учун рад этилди.

2.5.5. Молиявий мониторинг, иқтисодий санкциялар ва экспортга тақиқлар билан боғлиқ хатарларни бошқариш

Ҳисобот йилида банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов ташкилотларининг ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ (кейинги ўринларда – соҳага оид) шубҳали операциялар тўғрисида ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар давом эттирилди.

Мазкур жараёнда банклар, микромолия ташкилотлари, ломбардлар ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчи ташкилотлар фаолиятида соҳага оид рискларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштириш механизмларини такомиллаштириш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш, тизимнинг ишлаш самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Марказий банк 2023 йилда ФАТФ тавсияларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида соҳага оид таваккалчиликларни миллий баҳолаш жараёнида бевосита иштирок этди.

Соҳага оид таваккалчиликларни камайтириш ва миллий тизим заифликларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Соҳага оид рискларни баҳолаш натижалари банк, нобанк кредит ташкилотлари ҳамда тўлов ташкилотларига ўз фаолиятида рискларни бошқаришда фойдаланиш учун юборилди.

Таъкидлаш лозимки, Марказий банк томонидан рискларни секторал баҳолаш ишлари 2018 йилдан бошлаб Жаҳон банкининг техник кўмаги доирасида ишлаб чиқилган методология асосида Марказий банк томонидан банк, нобанк кредит ташкилотлари ҳамда тўлов ташкилотларида соҳага оид рискларни баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

Баҳолашни ўтказиш доирасида назорат остидаги секторлар томонидан хизмат кўрсатиладиган мижозлар турлари, таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар, уларни амалга ошириш каналлари, шунингдек, назорат фаолиятининг турли кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар қайта ишланиб, таҳлил қилинмоқда.

Ушбу ҳисоботда юридик шахсларнинг ҳисобварағидаги пул маблағларини ноқонуний нақдлаштириш билан боғлиқ операциялар, жисмоний шахслар ўртасидаги картадан-картага пул ўтказмалар, халқаро пул ўтказмалари ҳамда хорижий электрон ҳамёнлар билан операциялар бўйича мавжуд рискларни минималлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар келтирилган бўлиб, улар назорат остидаги ташкилотларнинг соҳага оид рискларни тушуниш даражасини оширишга хизмат қилади.

Марказий банк томонидан соҳага оид назорат банк, нобанк кредит ташкилотлари ҳамда тўлов ташкилотларининг риск профилидан келиб чиққан ҳолда рискка асосланган ёндашув асосида амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳисобот йилида риск профили бўйича таваккалчилик даражаси юқори даражани ташкил этган 2 та тижорат банкида жойига чиққан ҳолда текширишлар ўтказилди.

Шунингдек, назорат остидаги ташкилотларнинг риск профилини баҳолаш жараёнида юқори рискни ташкил этган операциялар ва мижозлар бўйича 17 та тижорат банкида ва 1 та тўлов ташкилотида соҳага оид масалалар юзасидан масофадан назорат тадбирлари ўтказилди.

Назорат тадбирларида аниқланган камчиликларни келгусида олдини олиш мақсадида тижорат банкларида шубҳали операцияларни аниқлаш бўйича минимал процедуралар белгилаб қўйиш ҳамда банк хизматларини кўрсатиш тизимидаги заифликларни қайта баҳолашдан ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Назорат тадбирлари натижалари бўйича тегишли хато ва камчиликларга йўл қўйган 1 та тўлов ташкилотига нисбатан 100 млн сўм миқдорида жарима чораси, шунингдек, 19 та тижорат банкига нисбатан келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантириш билан боғлиқ чоралар қўлланилди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида крипто-активларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш доирасида “P2P” операциялари ва тижорат банклари, тўлов тизим операторлари ва тўлов ташкилотларида “P2P” операцияларини амалга оширувчи мижозларга нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан кучайтирилган чоратадбирларни амалга ошириш бўйича методик тавсиялар” ишлаб чиқди ҳамда банклар, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларига фойдаланиш учун юборилди.

Шу билан бирга, соҳага оид тизим самарадорлигини ошириш, секторал баҳолаш, шунингдек, назорат тадбирлари натижаларига мувофиқ аниқланган рискларни камайтириш, қонунчилик ҳужжатларининг ФАТФ тавсияларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида назорат остидаги ташкилотлар учун мўлжалланган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг шубҳали операциялар мезон ва аломатлари ҳамда мижозларнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мезонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ички назорат тизимини ташкил этиш, мижозларни лозим даражада текшириш, таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда шубҳали операциялар мезонлари ва аломатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш

3.1.1. 2023 йилда пул-кредит шароитлари ва инструментлари таҳлили


2023 йилда Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсати ташқи иқтисодий ҳолатлардаги ўзгаришлар, миллий иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар кўлами ва инфляция жарраёнларнинг секинлашиши фонида нисбатан қатъий даражада шаклланди.

Хусусан, инфляция даражаси пасайиш тенденциясига ўтганлиги ва йил охирига прогнозлар ҳам пасаяувчи динамикани кўрсатаётгани туфайли 2022 йилда инфляциян кутилмаларни жиловлаш мақсадида асосий ставкага қўйилган қўшимча юкломани пасайтириш имконини бериб, 2023 йил март ойидан асосий ставка 14 фоизга туширилди ва **“нисбатан қатъий”** пул-кредит шароитлари сақлаб қолинди.

Халқаро молия бозорларидаги қатъий шароитлар ва айрим савдо ҳамкорлардаги валюта курсларининг қадрсизланиши, бир томондан, ички иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашда ташқи ресурсларни қайта жалб қилишни қийинлаштираётган бўлса, иккинчи томондан, валюта оқимларидаги номутаносибликларнинг кенгайиб боришига олиб келди.


3.1.1.1-чизма

Марказий банк асосий ставкаси динамикаси



3.1.1.2-чизма

Банкларо пул бозори фоиз ставкалари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банк асосий ставкасини март ойидаги пасайтиришдан сўнг йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақланиши ҳамда йил давомида инфляция даражасининг пасайиб бориши пул бозоридаги реал фоиз ставкаларининг бироз ўсиб, **3,7-4,8** фоиз оралиғида шаклланишига ва шу орқали иқтисодиётда “нисбатан қатъий” пул-кредит шароитларини таъминлашга хизмат қилди.

Пул бозорининг овернайт сегментида ўртача тортилган фоиз ставкалари апрель ойида 13 фоизни ташкил этган бўлса, умумий ликвидликнинг қисқариши ҳисобига жорий ставка декабрь ойига келиб 14 фоизгача кўтарилди ва тўлиқ фоиз коридорида шаклланди.


Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгариши депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам ўзгаришида намоён бўлиб, иқтисодиёт субъектларининг қарорларида ўз аксини топди.

Жумладан, аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2023 йил январь-март ойларида 20,5 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойида 21,5 фоизгача ўсиши кузатилди.

Иқтисодиётда инфляцион жараёнларнинг нисбатан секинлашиши ҳисобига, ушбу депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари 2023 йил бошидаги 7,4 фоиздан декабрь ойида 11,7 фоизгача ўсиши кузатилди.


3.1.1.3-чизма

**Аҳолининг миллий валютадаги
муддатли депозитлари бўйича фоиз
ставкалари**



3.1.1.4-чизма

**Миллий валютадаги кредитлар
бўйича фоиз ставкалари**



Манба: Марказий банк маълумотлари

Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкаларини аҳолининг келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмаларига (13-14 фоиз) нисбатан ҳисобланганда ҳам унинг реал ижобий даражаси 6,5-7,5 фоиз атрофида сақланиб қолди.

Шаклланган реал фоиз ставкалари аҳолининг миллий валютадаги депозитлари ҳажмининг сезиларли даражада ўсиб боришида намоён бўлиб, 2023 йил давомида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари 1,5 баробарга ошди.


Чакана кредитларга бўлган юқори талаб, шунингдек, банк тизими умумий ликвидлик профицити қисқариши фонида 2023 йилда миллий валютадаги кредитлар фоиз ставкаларида бироз ўсиш тенденцияси кузатилди. Натижада, декабрь ойида миллий валютадаги жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича фоиз ставкалари 25,2 фоиз ва юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 23,1 фоиз даражасида шаклланди.

Ўз навбатида, 2023 йилда Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операцияларига бўлган талаб, тизимдаги умумий ликвидлик ҳолатига боғлиқ бўлди. 2023 йилда банклар тизимли ликвидлигининг қисқариши фонида Марказий банкнинг ликвидликни тақдим этиш операцияларига бўлган талаб ортиб борди.

Февраль ойидан бошлаб умумий ликвидлик ҳажмининг камайиб бориши билан овернайт РЕПО ва СВОП операцияларига талаб сезиларли ошган бўлса, депозит операцияларига бўлган талаб қисқариб борди.


3.1.1.5-чизма

Марказий банкнинг пул-кредит операциялари



3.1.1.6-чизма

Марказий банк облигациялари эмиссияси динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банк томонидан 2023 йилнинг II ярим йиллигида кунлик ўртача 1,7 трлн сўмлик ликвидлик тақдим этиш операциялари (*овернайт РЕПО, овернайт своп*) амалга оширилди. Айни шу даврда Марказий банкнинг ликвидликни жалб қилиш операцияларига (*овернайт депозит, депозит аукцион*) бўлган талаб нисбатан мувозанатлашиб, I ярим йиллик билан солиштирганда 1,9 баробарга камайди ва кунлик ўртача 2 трлн сўмни ташкил этди.

Шаклланган қўшимча ликвидликни узоқроқ муддатга жалб этиш мақсадида 2023 йилда жами 26 трлн сўмлик Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилди.

Ўз ўрнида, август-ноябрь ойларида банк тизимидаги тизимли ликвидликнинг қисқариб бориши фонида Марказий банк облигациялари муомалага чиқарилмади ва муомалада мавжуд бўлган Марказий банк облигациялари сентябрь ойига келиб тўлиқ сўндирилди.

Декабрда бюджет харажатларининг мавсумий ортиши ва муддати келган ДҚҚларнинг қайтарилиши ҳисобига кунлик ўртача 5,7 трлн сўмлик ортиқча ликвидлик кузатилди. Ушбу қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида декабрь ойида 4,7 трлн сўмлик Марказий банк облигациялари жойлаштирилди ва 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига муомаладаги Марказий банк облигациялари қолдиғи 4,7 трлн сўмни ташкил этди.

Умуман олганда, 2023 йилда умумий ликвидлик даражасини бошқаришда қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланилди ва ушбу операциялар ҳажмларининг банк тизими ликвидлиги ҳолатига ва белгиланган нормативларнинг тижорат банклари томонидан бажарилиш даражасига боғлиқлиги кучайди.

3.1.2. Пул-кредит сиёсати операциялар механизмидаги ўзгаришлар

2023 йилда ҳам Марказий банк пул-кредит сиёсати механизмларини инфляция таргетлаш режими стандартларига мослаштириш жараёнлари давом этди.

Пул-кредит сиёсатининг операциялар механизмини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш ва тижорат банкларининг ўз ликвидлигини бошқариш жараёнларини соддалаштириш мақсадида Халқаро молия институтлари ва консалтинг компаниялари кўмагида операциялар механизмига бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Жумладан, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 14 декабрдаги 41/1-сонли қарори билан банклараро пул ва РЕПО бозорларининг банк тўлов куни ёпилганидан сўнг **30 дақиқа** давомида очик бўлишини таъминлаш ҳамда Марказий банкнинг пул-кредит операцияларидан банк тўлов куни ёпилганидан сўнг **1 соат** давомида фойдаланиш имконияти яратилди.

Бунда, тижорат банклари учун тўлов куни яқунланганидан сўнг пул бозорларида умумий ликвидликни қайта тақсимлаш, сўнгра Марказий банк овернайт операцияларига мурожаат қилиш имконияти яратилди. Ушбу ўзгаришлар ликвидликни бошқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши кутилмоқда.

Бундан ташқари, тижорат банкларига ликвидлик тақдим этишга мўлжалланган **кун давомидаги кредит инструменти** ҳамда **валюта гарови асосидаги овернайт** ва **1 ҳафтагача бўлган кредит аукционлари** жорий этилди. Бу банклардаги ликвидлик узилишларини олдини олишга ва тўлов тизимининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий банкнинг ликвидлик тақдим этиш бўйича операцияларида гаров мулкани **5 фоизлик чегирма** билан қабул қилиш йўлга қўйилди.

Пул-кредит сиёсати операцияларига киритилган ўзгартиришлар асосида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг операцион механизми” ва “Марказий банкнинг пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш тартиби”га тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирилди.

3.1.3. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

2023 йилда банклараро пул бозорида жами 310,5 трлн сўмлик ёки 2022 йилга нисбатан қарийб 2,1 баробарга кўпроқ операциялар амалга оширилди.

2023 йилда умумий ликвидлик ҳажмининг қисқариб бориши ва РЕПО бозори платформасининг такомиллаштирилиши ҳисобига (2023 йилда ХВЖнинг “Банклараро РЕПО бозорини ривожлантириш” бўйича техник кўмак дастури доирасида билдирилган тавсиялар асосида) банклараро РЕПО бозори сезиларли даражада фаоллашиб борди.

Жумладан, 2023 йил яқунлари бўйича банклараро РЕПО бозоридаги операциялар ҳажми 76,4 трлн сўмни ташкил қилиб пул бозори амалиётларидаги улуши декабрь ойида 30 фоизга етди.

3.1.3.1-чизма

**Пул бозоридаги операциялар ҳажми
ва фоиз ставкалари**



3.1.3.2-чизма

**Банкларо РЕПО бозори
операциялари**




Манба: Марказий банк маълумотлари

Пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ҳисобот даврида тўлиқ фоиз коридори доирасида шаклланди. Биринчи ярим йилликда фоиз ставкалари асосан асосий ставкадан паст шаклланган бўлса, иккинчи ярим йилликда фоиз ставкалар асосий ставкадан юқори, 14,1-14,8 фоиз оралиғида шаклланди.

Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставкадан юқорироқ шаклланиши банк тизимидаги умумий ликвидлик профицитининг қисқариши ва банкларо пул бозорида узокроқ муддатли депозит операцияларининг нисбатан кўпайиши билан изоҳланади.


3.1.3.3-чизма

**UZONIA бенчмарк фоиз ставкаси
динамикаси**



3.1.3.4-чизма

**Муддатли UZONIA ставкалари ва
UZONIA индекси шаклланиши**




Манба: Марказий банк маълумотлари

Пул бозорининг бенчмарк фоиз ставкасини ҳисобланган UZONIA фоиз ставкаси 2023 йилда тўлиқ фоиз коридори доирасида асосий ставкага яқин шаклланди. UZONIAнинг асосий ставкадан тафовутининг қисқариши умумий ликвидлик профицитининг қисқариши ва банклар томонидан нархни белгилаш жараёнидаги ижобий ўзгаришлар билан изоҳланади.

UZONIA ставкасининг ўртача 14 фоиз атрофида шаклланиши турли муддатли UZONIA фоиз ставкаларининг ҳам кумулятив ҳисобда ушбу даражага яқинлашишига хизмат қилмоқда.

3.1.3.5-чизма

Пул бозоридаги операцияларнинг муддати бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Банклараро пул бозорида тижорат банклари томонидан ликвидликни бошқариш самарадорлиги ва фаоллигини ортиб бориши ўтказилаётган операциялар ҳажмининг ортиши ва ўртача муддатининг қисқаришида намоён бўлмоқда. Хусусан, пул бозорида амалга оширилган ойлик ўртача амалиётлар ҳажми 2023 йилда 2,1 баробарга ошди ва 25,9 трлн сўм доирасида шаклланди.

2023 йилда тижорат банклари томонидан ликвидликни асосан овернайт операциялар орқали бошқариш афзал кўрилиб, пул бозоридаги жами амалиётларнинг 80,1 фоизи 1 кунлик депозит операцияларига тўғри келди.


3.1.4. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2023 йилда ички валюта бозори ўзгарувчан ташқи бозор конъюнктураси, глобал қатъий пул-кредит шароитлари ҳамда юқори иқтисодий фаоллик фониди чет эл валютасига бўлган умумий талабнинг таклиф ҳажмидан сезиларли даражада ортиши билан характерланди.

Хисобот йилида ички валюта бозорида чет эл валютасидаги **умумий таклиф ҳажми** (Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олмаганда) **34,4** млрд долларни ташкил этиб, шундан **14,7** млрд доллари (43 фоизи) хўжалик юритувчи субъектлар, **13,5** млрд доллари (39 фоизи) банклар ва жисмоний шахслар ҳамда **6,2** млрд доллари (18 фоизи) марказлашган манбалар ҳисобига қондирилди.

3.1.4.1-чизма

Ички валюта бозоридаги чет эл валютаси таклифи манбалари



Манба: Марказий банк маълумотлари


Шунингдек, ушбу даврда чет эл валютасига бўлган талабнинг умумий ҳажми **42,5** млрд долларга етиб, 2022 йилга нисбатан **16** фоизга ошди. Ушбу талабнинг **78,6** фоизи юридик шахслар ва **21,4** фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди.

Юридик шахсларнинг валюта операциялари. 2023 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб **33,4** млрд долларни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **1,2 баробарга** ошди ва импорт ҳажми ўсишига мутаносиб бўлди.

Ички валюта бозоридаги чет эл валютасининг **56** фоизи ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, хомашё ва хизматлар импорти, **20** фоизи хорижий кредитларни сўндириш, **21** фоизи халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **1** фоизи хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва **2** фоизи бошқа мақсадлар учун харид қилинган.

3.1.4.2-чизма

Сотиб олинган чет эл валютаси мақсадлари таркиби




Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт тўловлари ҳажми 2022 йилга нисбатан **12** фоизга ошиб, **36,5** млрд долларга (*резспорт ҳисобга олинмаган*) етди ва ушбу тўловларнинг **64** фоизи ички валюта бозоридан сотиб олинган валюта маблағлари ҳисобидан қопланди.

3.1.4.3-чизма

Импорт тўловлари манбалари




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида миллий валюта алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари ҳамда ташқи ва ички иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.

Жаҳонда қатъий пул-кредит шароитларининг сақланиб қолиши, асосий савдо ҳамкорлар миллий валюталарининг қадрсизланиши ва инфляция кўрсаткичларининг мувозанатлашиб бориши фонида 2023 йил август ойида сўм реал самарали алмашув курсида сезиларли мустаҳкамланиш кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, турли валюта каналлари орқали ички валюта бозорида сўм алмашув курсининг маълум тўғриланишига сабаб бўлди.

АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан алмашув курси динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ички валюта бозорида сўм алмашув курсининг фундаментал омиллар таъсирида тўғриланиши реал самарали алмашув курсининг узоқ муддатли трендига қайтишига олиб келди ва валюта бозорининг барча сегментларида хорижий валютага талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви кузатилди. Мослашувчан алмашув курси ушбу тўғриланиш орқали ташқи шокларнинг ички иқтисодиётга бўлган эҳтимолий салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилди.

2023 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси **11 263-12 390** сўм диапазонида шаклланиб, **9,8** фоизга кадрсизланган бўлса, реал самарали алмашув курси йил бошига нисбатан **0,8** фоизга мустаҳкамлангани ҳолда барқарор даражада сақланиб қолди.

3.2. Валюта сиёсати ва валюта операциялари таҳлили

2023 йилда глобал хомашё бозорида нархларнинг пасайиши экспорт тушумларининг деярли ўзгаришсиз қолиши ҳамда ички талабнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги импорт товарларига бўлган талабни ошиши ҳисобига ташқи савдо балансининг манфий сальдоси кенгайди.

Шунингдек, қатор давлатларда қатъий пул-кредит сиёсати давом эттирилиши натижасида капиталнинг ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган иқтисодиётларга кўчиши шароитида Ўзбекистонга соф хорижий инвестициялар оқими камайганлигига қарамадан, ҳукумат ва корпоратив (хусусий) сектор корхоналари томонидан давлат дастурлари ва инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш доирасида ташқи қарз маблағларини жалб қилиш кўламининг ортганлиги кузатилди.

Бундай вазият мамлакатда валюта сиёсатининг эҳтиёткорлик билан юритилишини ҳамда валюта операциялари устидан нисбатан кучайтирилган мониторинг олиб борилишини тақозо этди.

ХВЖ билан келишув моддалари доирасида қабул қилинган мажбуриятларни тўлақонли бажариш мақсадида жорий халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг эркин амалга оширилиши ҳамда ушбу операциялар учун чет эл валютасининг чекловларсиз сотиб олинишини таъминлаш борасида барча зарурий чоралар кўрилди.

Ўз навбатида, ички валюта бозоридаги мувозанатни турли хил хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида капитал ҳаракати операцияларига нисбатан консерватив ёндашув давом эттирилди.


Валютани тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни иқтисодий жараёнларга мувофиқлаштириш ишлари доирасида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга айрим ўзгартиришлар киритилиб, резидентлар ва норезидентлар учун ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилиш ва улардан фойдаланиш борасида қўшимча имкониятлар яратилди.

3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили

2023 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг жами экспорт тушумлари (махсус экспортдан ташқари) 2022 йилга нисбатан 5 фоизга камайиб, 15,5 млрд долларни ташкил этган бўлса, товар ва хизматлар учун хорижга ўтказилган импорт тўловлари миқдори 2022 йилга нисбатан 10 фоизга ортиб, 38 млрд долларга тенг бўлди.

3.2.1.1-чизма

Экспорт тушумлари ва импорт тўловлари ҳажми динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Ташқи савдо операциялари бўйича валюта маблағлари ҳаракатининг манфий сальдосининг кенгайиши, ўз навбатида импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражасининг (“Terms of trade”) пасайишида ҳам ўз аксини топиб, бу кўрсаткич 2022 йилдаги 47 фоиздан 41 фоизгача қисқарди.

Импортга йўналтирилган тўловларнинг қолган қисми корхоналарнинг ўз маблағларидан ташқари, асосан ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ёки қисман хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан қопланган.

Экспорт тушумларининг 41 фоизи ёки 6,3 млрд доллари иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари, 59 фоизи ёки 9,2 млрд доллари ҳудудий ва хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келган.

3.2.1.2-чизма

Импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражаси (Terms of trade) динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари


Экспорт тушумлари савдо ҳамкор давлатлар кесимида таҳлил қилинганда, уларнинг 65 фоизи 5 та хорижий давлатларга, хусусан, 27 фоизи Россия, 13 фоизи Хитой, 10 фоизи Қозоғистон, 8 фоизи Бирлашган Араб Амирликлари, 7 фоизи Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳисобот йилида жами экспортдан келиб тушган валюта маблағларининг 78 фоизи доллар, 14 фоизи Россия рубли, 5 фоизи евро ва қолган 3 фоизи бошқа валюталардан иборат.

2023 йилдаги жами импорт тўловларининг 61 фоизи ёки 23,3 млрд доллари ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиб, мазкур кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 3 фоиз бандга ошди.

3.2.1.3-чизма

Экспорт тушумларининг ҳамкор-давлатлар кесимидаги динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан амалга оширилган импорт тўловлари 2022 йилга нисбатан **14** фоизга ёки **494** млн долларга кўпайиб, **4** млрд долларни ташкил этди.

3.2.1.4-чизма

2020-2023 йилларда корхоналарнинг импорт тўловлари ва манбалари динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Жами импорт тўловларининг **60** фоизи **5** та ҳамкор мамлакатларга ўтказилган бўлиб, шундан **20** фоизи **Хитой**, **16** фоизи **Россия**, **8** фоиздан мос равишда **Туркия**, **Қозоғистон** ва **Бирлашган Араб Амирликлари** давлатларига тўғри келади.

3.2.1.5-чизма

Импорт тўловларининг ҳамкор-давлатлар кесимидаги динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда ташқи савдо шартномалари доирасидаги импорт тўловларининг **74** фоизи (*-5 фоиз кам*) долларда, **13** фоизи (*+4 фоиз кўп*) Россия рублида, **11** фоизи (*ўзгаришсиз*) еврода ва қолган **2** фоизи (*+1 фоиз кўп*) бошқа валюталарда амалга оширилган.

3.2.2. Жисмоний шахслар билан валюта операциялари

2023 йилда жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини айирбошлаш амалиётларига бўлган талабидан келиб чиқиб, аҳоли ва хорижий сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратиш, валюта айирбошлаш инфратузилмасини янада ривожлантириш ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар давом эттирилди.


Хусусан, валюта айирбошлаш инфратузилмасини яхшилаш ҳамда аҳоли пунктларидаги жойлашув зичлигини ошириш мақсадида **валюта айирбошлаш шохобчаларининг** умумий сони 24 фоизга оширилиб, **5,2** мингтага етказилди (*шулардан 2,6 мингтаси “24/7” режимида ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари*).

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялар айланмаси (*чет эл валютаси хариди ва сотуви*) ҳажми 2022 йилга нисбатан **3** фоизга ўсиб, жами **21,5** млрд долларни ташкил этди.

2023 йилда жами валюта айирбошлаш операцияларидаги АҚШ долларининг улуши ўзгаришсиз **99** фоизда қолди.

3.2.2.1-чизма

2019-2023 йилларда валюта айирбошлаш шохобчалари умумий сонининг ўсиши динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами **12,3** млрд доллар эквивалентида (2022 йилга нисбатан 4 фоизга кўп) хорижий валюта сотиб олинган бўлса, жисмоний шахсларга жами **9,1** млрд доллар эквивалентида (2022 йилга нисбатан 2 фоизга кўп) валюта маблағлари сотилди.

Таъкидлаш жоизки, валюта айирбошлаш операцияларининг ижобий сальдоси 2022 йилдаги 3 млрд доллардан **3,2** млрд долларгача кўпайиб, **ички валюта бозорига қўшимча таклиф омили** бўлиб хизмат қилди.

3.2.2.2-чизма

2022-2023 йилларда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари


Жисмоний шахслардан харид қилинган чет эл валютасида 1 000 долларгача бўлган транзакциялар суммасининг жами транзакциялардаги улуши 2022 йилдаги 56 фоиздан 49 фоизга тушган бўлса, 1 000 доллардан юқори бўлган транзакцияларнинг улушида 44 фоиздан 51 фоизга ўсиш кузатилди.

Шунингдек, жисмоний шахсларга сотилган чет эл валютасида 1 000 доллардан юқори бўлган транзакциялар суммаси жами транзакциялар ҳажмининг 75 фоизини (*ўтган йил даражасида*) ташкил этди.

2023 йилда аҳоли гавжум жойларда, туристик зоналарда, аэропорт, вокзал ва савдо мажмуаларида ташкил этилган “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари орқали жисмоний шахслардан сотиб олинган нақд чет эл валютаси 169 млн долларни ташкил этган бўлса, жисмоний шахсларга 100 долларгача бўлган миқдорда жами 117 млн доллар сотилди.

3.2.2.3-чизма

2023 йилда жисмоний шахслардан харид қилинган чет эл валюталарининг миқдорий таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида жисмоний шахсларга масофавий тарзда, замонавий ахборот технологиялари ва мобил иловалар орқали жами 2 млрд доллар сотилган ва улардан 900 минг доллар харид қилинган.

2023 йилда халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари айланмаси (*чет элдан келиб тушган ва юборилган*) ўзининг тарихий трендига қайтиши кузатилиб, унинг ҳажми 2022 йилга нисбатан қарийб 30 фоиздан кўпроқ камайиб, 13,8 млрд долларга тенг бўлди.


Халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари орқали республикага жами **11,4** млрд доллар миқдориди ёки 2022 йилга нисбатан **1,5 баробарга** кам хорижий валюта маблағлари келиб тушди.

Ҳисобот йилида келиб тушган жами халқаро пул ўтказмаларининг **34** фоизи жисмоний шахсларнинг карталарига тўғридан-тўғри (P2P орқали)¹⁴ келиб тушган трансчегаравий ўтказмалар ҳиссасига тўғри келди.

2023 йилда Россиядан келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмида **камайиш кузатилган** бўлса, Туркия (*1,3 баробар*), Корея (*1,2 баробар*), Литва (*2,3 баробар*) ва Польша (*1,8 баробар*) давлатларидан келиб тушган маблағлар ҳажми **155** млн долларга ошган.

3.2.2.4-чизма

Халқаро трансчегаравий пул ўтказмалар орқали келиб тушган ва хорижга жўнатилган маблағлар динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Мазкур таркибий ўзгаришлар асосий ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий фаолликнинг пасайиши ва ҳукуматлараро шартномалар доирасида муҳожирларни ташкилий асосда ишга қабул қилиш дастурларининг жорий этилиши натижасида меҳнат миграцияси оқимининг анъанавий давлатлардан бошқа муқобил давлатларга ўтаётгани билан изоҳланади.

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар томонидан хорижий давлатларга **юборилган** пул ўтказмалари ҳажми **2,3** млрд доллар миқдориди шаклланиб, 2022 йилга нисбатан **12** фоизга ўсди. Бунда, тўғридан-тўғри банк ўтказмалари орқали маблағларнинг жўнатилиши қарийб **70** фоизга ўсиши – носавдо тусдаги тўловлар ҳажмининг ошиши билан изоҳланади.

¹⁴ P2P ўтказмалари – чет элдан жисмоний шахсларнинг миллий ва чет эл валютасидаги карталарига кириб келган халқаро онлайн трансчегаравий пул ўтказмалари.

**2022-2023 йилларда чет элга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари
мамлакатлар кесимида**



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, трансчегаравий ўтказмалар бўйича юборилган маблағларнинг асосий қисми, яъни **65** фоизи **5** та мамлакат ҳиссасига тўғри келиб, хусусан Туркияга **442,6** млн доллар, Хитойга **434,1** млн доллар, Россияга **305,5** млн доллар, Бирлашган Араб Амирлигига **197** млн доллар ҳамда Қозоғистонга **133,3** млн доллар жўнатилган.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш

2023 йилда Марказий банк томонидан халқаро захираларни бошқаришда хавфсизлик, ликвидлилик ва даромадлилик тамойилларига ҳамда ушбу амалиётларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, халқаро захираларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки билан “Халқаро захиралар бўйича маслаҳат ва бошқариш дастури” доирасида ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Мазкур дастур доирасида халқаро захираларни бошқаришнинг аниқ мақсад ва йўналишларини белгилаш, активларни диверсификация қилиш бўйича инвестицион таклифлар тайёрлаш, захираларни бошқаришни тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банкнинг Инвестиция қўмитаси ташкил этилди.

Инвестиция қўмитаси томонидан халқаро захираларни бошқаришда қўлланиладиган етакчи хорижий ахборот тизимлари ва дастурий таъминотларни Марказий банкда жорий этиш ҳамда захиралар таркибини диверсификация қилиш, хусусан қимматли қоғозларга инвестиция киритиш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Жаҳон банкининг мазкур дастури доирасида Марказий банк ходимлари қимматли қоғозлар портфелини бошқариш, инвестициялар ҳисобини юритиш бўйича халқаро стандартлар, кредит ва бозор хатарларини баҳолаш ҳамда бошқариш каби йўналишларда махсус семинарларда қатнашиб малака сертификатларига эга бўлишди.

“Сертификатланган молиявий таҳлилчи” (Chartered Financial Analyst – CFA) ва “Сертификатланган Дипломли Бухгалтерлар Ассоциацияси” (Association of Chartered Certified Accountants – АССА) йўналишлари бўйича тегишли сертификатларни олиш борасида ўқиш жараёнлари давом эттирилмоқда ҳамда “Давлат молиявий активларини бошқариш” борасида Жаҳон банки Ғазначилигида маблағларни бошқариш бўйича амалиёт ўташ тизими жорий этилди.

7-ҳавола

Марказий банк “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ халқаро захираларни бошқариш, ҳисобга олиш ва сақлаш вазифаларини амалга оширади. Халқаро захираларни сақлаш ва бошқариш мақсадларидан келиб чиқиб, мақбул хавфсизлик ва ликвидлик даражасини таъминлашга устуворлик берилади.

Халқаро захираларнинг ликвидлиги халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва узлуксизлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсатини амалга оширишда тезкор ва самарали чоралар кўриш имконини беради.

Шу сабабдан, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида халқаро захиралар Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлашга етарли бўлган даражада сақланишига асосий эътибор қаратилади.

Халқаро захиралар Марказий банкнинг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг активларидан иборат бўлиб, монетар олтин, чет эл валюталари, ХВЖдаги маблағ жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар (СДР) ва захира позицияси, чет эл ҳукуматлари ва халқаро молия ташкилотлари томонидан чиқарилган ёки кафолатланган қимматли қоғозларни ўз ичига олади.

Халқаро захиралар таркибига киритилган активлар ликвидлиги юқори бўлиши, норезидентларга бўлган талабни ўзида акс эттирувчи ташқи активлар кўринишида бўлиши, халқаро тўловларда эркин фойдаланиладиган хорижий валютада бўлиши, пул-кредит органларининг эркин тасарруфи ва назоратида бўлиши талаб этилади.

3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили

Ялпи халқаро захиралар ҳажми 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 34,6 млрд долларни, захиралар таркибида олтин ҳажми 24,6 млрд долларни ҳамда чет эл валютасидаги активлар 9,9 млрд долларни ташкил этади.

Ҳисобот йилида захиралар таркибидаги олтин ҳажми деярли ўзгаришсиз қолган бўлсада, нарх ўсишининг таъсирида олтин захиралар қиймати 3,1 млрд долларга ўсди.

Глобал иқтисодиётда юқори инфляцион босим ҳамда геосиёсий ноаниқликларнинг сақланиб қолаётганлиги халқаро бозорда олтиннинг хавфсиз актив ва инфляциядан хеджирлаш воситаси сифатидаги аҳамиятини ошириб бормоқда. Бу эса, олтинга бўлган талабни ва унинг нархини юқори даражаларда сақланиб қолишига замин яратмоқда.


Хусусан, 2023 йил давомида олтин нархи 1 трой унцияси учун 13,8 фоизга ошиб, йил охирига келиб 2 062,4 долларни ташкил қилди.

Олтин нархининг давомий ўсувчи тренди халқаро захиралар таркибида олтин ҳажми улушини сезиларли ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, захиралар таркибида олтиннинг улуши 2022 йилдаги 66 фоиздан 71 фоизгача ошган бўлса, чет эл валютасидаги захира активларнинг улуши 34 фоиздан 29 фоизгача қисқариши кузатилди.

3.3.1.1-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибий ўзгариши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Захиралар таркибидаги чет эл валютасидаги активларнинг камайиши асосан:

– ривожланган давлатлар марказий банклари, жумладан АҚШ ФЗТ томонидан асосий фоиз ставкаларининг 2023 йил давомида ошириб борилиши, ўз навбатида, ташқи қарз жалб қилиш ва унга хизмат кўрсатишнинг қимматлашиши ва инвестициялар ҳажмини ошириш имкониятини чеклаши;

– ҳисобот даврида халқаро пул ўтказмаларининг 2022 йилда кузатилган ноодатий ўсиш суръатларидан ўзининг тарихий трендига қайтиши таъсирида юз берган.

Ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф орасида юзага келган салбий тафовут, халқаро тўловларни амалга оширишнинг қўшимча манбаси сифатида халқаро захиралардаги чет эл валютаси ҳисобидан “нейтраллик” тамойили доирасида молиялаштирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 105,6 тонна монетар олтин сотиб олинди ва 110 тонна олтин экспорти амалга оширилди. Олтин экспортдан келган валюта тушуми ички валюта бозорига йўналтирилди.

Шунингдек, ҳисобот йили якунида чет эл валютасидаги активларнинг 82 фоизи АҚШ долларларида, 14 фоизи Хитой юанида ҳамда 4 фоизи бошқа валюталарда шаклланди.

Валюта активлари таркибида Хитой юани улушини оширишнинг иқтисодий аҳамияти унга халқаро захира валютаси мақоми берилганлиги ҳамда сўнгги йилларда Хитойнинг Ўзбекистон билан ташқи савдо айланмасидаги улуши ошганлиги (2022 йилда 18 фоиз, 2023 йилда 22 фоиз) билан изоҳланади.

Халқаро захираларни бошқаришда ҳамкор-банкларнинг халқаро мақоми ва молиявий ҳолати муҳим аҳамият касб этади.

2023 йилда валюта активлари юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатларда фаолият юритадиган ва халқаро миқёсда инвестицион рейтингга эга банкларга муддатли депозитларга жойлаштирилди.


Халқаро захиралар таркибидаги валюта активларининг бир мамлакат ёки бир ҳамкор-банк ҳиссасига тўғри келадиган концентрация rischi даражасини камайтириш мақсадида, 2023 йилда ҳамкор-банклар сони 7 тага ортиб, йил якунига ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган мамлакатлар сони 17 тага ва ҳамкор банклар сони 45 тага етказилди.

Ушбу ҳамкор банкларнинг 32 таси биринчи даражали капитал ҳажми бўйича дунёнинг 100 та энг катта банклари рейтингига қайд этилган бўлиб, қолган қисми эса дунёнинг 200 та энг йирик банклари рўйхатига киритилган.


Валюта активлари бўйича рискларни олдини олиш ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида ҳамкор-банкларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ юзага келиши мумкин хатарлар мунтазам равишда Марказий банк томонидан мониторинг қилиб борилади.

3.3.1.2-чизма

Чет эл валютасидаги активларнинг
мамлакатлар суверен кредит
рейтинги бўйича улуши



Чет эл валютасидаги активларнинг
ҳамкор-банклар кредит рейтинги
бўйича улуши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Хусусан, 2023 йилнинг I чорагида АҚШнинг айрим банклари ҳамда Швейцариянинг “Кредит Свисс” банкида кузатилган хатарли ҳолатлар юзасидан валюта активлари бўйича рискларни олдини олиш мақсадида АҚШ ҳамда Швейцария банклари билан вазият барқарорлашгунга қадар операциялар ўтказиш ҳажми вақтинчалик чекланди.

Бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, валюта активларининг бир ҳамкор-банк ёки бир мамлакат ҳиссасига тўғри келадиган концентрация rischi даражасини пасайтириш мақсадида активларнинг мамлакатлар ва банклар кесимидаги диверсификацияси таъминланмоқда.

3.3.1.3-чизма

Валюта активлари бўйича фоизли даромад ва ўртача фоиз ставкалари
динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда халқаро пул бозорида фоиз ставкаларининг ошиб бориши ортидан валюта активларини хорижий ҳамкор-банкларга муддатли депозитларга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлар ҳажмига ижобий таъсири кузатилди.

Хусусан, депозитга жойлаштирилган валюта активларидан олинган даромад 2022 йилга нисбатан 2,4 баробарга ошиб, 2023 йилда 436 млн долларга етди. Депозитга жойлаштирилган маблағларнинг ўртача даромадлилик даражаси 2023 йилда АҚШ доллари бўйича 4,5 фоиздан 5,6 фоизгача ўсган бўлса, Хитой юанида 2,5 фоиздан 2,8 фоизгача ошган.


3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Ҳар бир ривожланаётган давлат учун халқаро захираларни етарли даражада сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро захираларнинг етарли даражаси тўлов баланси инқирози эҳтимолини камайтиради, мамлакатдаги валюта айирбошлаш курсига босим бўлган даврларда иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлайди ҳамда бошқа иқтисодий инқирозлар даврида буфер вазифасини бажаради.

Валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши ҳамда халқаро захираларни бошқаришда эҳтиёткорона сиёсат олиб борилиши, **Захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси (минимал талаб 100 фоиз), Импортни қоплаш даражаси (камида уч ойлик импортни қоплаш), Кенг маънодаги пул массасига нисбати (20 фоиз),** ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **АРА ЕМ Захиралар етарлилиги (100-150 фоиз)** кўрсаткичларининг халқаро амалиётда фойдаланиладиган минимал талаблардан юқори шаклланишида ўз аксини топмоқда.¹⁵

3.3.2.1-чизма

Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари


¹⁵ (АРА ЕМ – кўрсаткичи) *Assessing Reserves Adequacy for Emerging Markets* – бу кўрсаткич Халқаро валюта жамғармасининг методологияси асосида мамлакатнинг валюта сиёсати, экспорт-импорт ҳажми, пул массаси, ташқи қарзлари каби кўрсаткичлар асосида ҳисобланади)

Хусусан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2024 йил 1 январь ҳолатига 201 фоизни ташкил қилиб, 20 фоизлик минимал талабдан 10 баробар кўпдир.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2023 йил якуни бўйича шаклланган халқаро захиралари 11 ойлик импортни қоплашга етади. Бу эса, минимал талаб этиладиган кўрсаткичдан қарийб 4 баробарга юқоридир.

3.3.2.2-чизма

Халқаро захираларнинг импортни қоплаш даражаси




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг 2024 йил давомида сўндирилиши кутилаётган қисқа муддатли ташқи қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан қарийб **5,8 баробар** юқори даражада шаклланган.

3.3.2.3-чизма

Халқаро захираларнинг қисқа муддатли ташқи қарзни қоплаши




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

ХВЖнинг АРА ЕМ кўрсаткичи бўйича захиралар етарлиликка қўйиладиган минимал талабдан **3,5 баробарга** кўпроқдир.

3.3.2.4-чизма

АРА ЕМ кўрсаткичи ўзгариши




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда, Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори даражада шаклланган бўлиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **38** фоизни ташкил этди.

3.3.2.5-чизма

Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Халқаро молия бозорлари бўйича кутилмалар

2024 йилда, кутилаётган халқаро молия бозорлари динамикаси глобал иқтисодий ривожланишнинг **базавий, муқобил-хатарли** ва **муқобил-оптимистик** сценарийлари асосида таҳлил қилинди.

Базавий сценарийда жаҳонда иқтисодий ўсиш суръатлари 2023 йил даражаларида сақланиб қолиши ҳамда инфляция кўрсаткичлари пасайишда давом этиши натижасида 2024 йилда етакчи марказий банклар (АҚШ, Европа ва Буюк Британия) пул-кредит сиёсатини юмшатиш фазасига ўтиши ва Яқин Шарқдаги геосиёсий зиддиятларнинг ўрта муддатда сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, АҚШ ФЗТ 2024 йил якунига АҚШда инфляциянинг 2,4 фоизгача пасайиши (*2023 йил декабрь – 2,9 фоиз*), ишсизлик даражаси 4,1 фоизгача ўсиши (*2023 йил декабрь – 3,7 фоиз*) ва мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати 1,4 фоизгача секинлашиши бўйича прогнозларни эълон қилди. Бунда, АҚШ ФЗТнинг инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичи ўртача 2 фоизни ташкил қилади.

2024 йил давомида инфляция кўрсаткичлари пасайишидан келиб чиқиб, АҚШ ФЗТ фоиз ставкаси 4,75 фоизгача (*2023 йил декабрь ҳолатига – 5,5 фоиз*) туширилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Фоиз ставкаларнинг тушиши, ўз навбатида, захира валюталари даромадлиги ҳамда иқтисодиётда кредит нархи пасайиши натижасида инвесторлар томонидан капиталнинг фонд бозорига ва иқтисодиётнинг реал тармоқларига йўналтирилиши эҳтимолини оширади.

Шунингдек, экспертлар томонидан Яқин Шарқ минтақасидаги зиддиятлар қимматбаҳо металларга хавфсиз актив сифатида талабни сақлаб турувчи асосий омил сифатида қаралмоқда.

Муқобил-хатарли сценарийда жаҳонда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви кузатилиб, инфляцион босим сақланиб қолади.

Яқин Шарқдаги зиддиятлар кескинлашуви, хусусан, минтақанинг денгиз йўллари орқали ўтадиган глобал савдо ва энергия ресурслари эркин ҳаракатланиши юзасидан хатарлар жаҳонда инфляция кўрсаткичларининг кутилганидан секинроқ пасайишига сабаб бўлади.

Бу, ўз навбатида, захира валюталари даромадлигини қисқа муддатда юқори даражаларда сақланиб туришига хизмат қилади ва фонд бозорларидан капиталнинг хавфсиз активларга йўналтирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунда, қимматбаҳо металлларга инфляцияга қарши хеджирлаш инструменти ҳамда хавфсиз актив сифатида бўлган талаб янада ортиши тахмин қилинмоқда.

Муқобил-оптимистик сценарий жаҳонда геосиёсий вазиятнинг барқарорлашуви ортидан жаҳон бозорида истеъмол товарлари ва энергия ресурслари нархлари пасайиши билан боғлиқ.

Бунда, Яқин Шарқда геосиёсий зиддиятларнинг ечим топиши глобал инфляция даражасини пасайиш суръатларининг жадаллашувига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, дунёнинг етакчи марказий банклари пул-кредит сиёсатини базавий сценарийга нисбатан тезроқ юмшатишга ундайди ва иқтисодиётнинг қутилмаларга нисбатан юқори суръатларда ўсишига сабаб бўлади.

Мазкур ҳолат захира валюталари даромадлигининг сезиларли пасайиши ва жаҳон молия бозорларида хавфсиз активларга эҳтиёжнинг камайиши натижасида халқаро қимматбаҳо металллар бозорида нархларнинг тушиши ортидан инвесторлар капитални юқорироқ даромад келтирувчи фонд бозорларига йўналтириши кучайиши мумкин.

3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати

2023 йилда пул-кредит сиёсати, банк тизими ва тўлов тизимлари барқарорлигини таъминлашда Марказий банк коммуникация сиёсатининг ролини ҳамда унинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу мақсадда хорижий марказий банклар тажрибасидан келиб чиқиб ХВЖ билан ҳамкорликда “2023-2025 йилларга мўлжалланган Коммуникация стратегияси” ва уни амалга ошириш юзасидан Йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегияда Марказий банкнинг фаолияти йўналишининг мақсадлари ва амалга ошираётган ишларини жамоатчиликка етказишда:

– инфляцияни таргетлаш режими доирасида нархлар, хусусан, банк тизими молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, тўлов ташкилотлари ҳамда регулятор фаолиятининг бошқа йўналишларида олиб бораётган ишлари мазмун-моҳияти билан оммавий ахборот воситалари ва замонавий коммуникация каналлари орқали жамоатчилик хабардорлигини ошириш;

– иқтисодий ислохотлар жараёни, ўзгаришлар ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича маълумотларни кенг тарғиб қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тўғри қарорлар қабул қилиши ва келгуси хатти-ҳаракатларини шакллантиришига кўмаклашиш;

– ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун жамоатчилик билан эркин ахборот, фикр алмашинув муҳитини яратиш каби вазифалар устувор этиб белгиланди.

Пул-кредит сиёсати коммуникацияси. 2023 йилда Марказий банкнинг асосий эътибори пул-кредит сиёсати моҳияти ва мазмунини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш ва ўрта муддатли инфляция таргетга босқичма-босқич эришишда коммуникация инструментларининг сифатини яхшилашга қаратилди.

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари нашри, пул-кредит сиёсати шарҳлари ва асосий ставка бўйича қарорлар юзасидан пресс-релизлар пул-кредит сиёсати коммуникациясининг асосий инструментлари сифатида қўлланилди.

Юқорида санаб ўтилган нашрлар кенг жамоатчиликнинг барча қатламлари ҳисобга олинган ҳолда содда ва оммабоп тилда ёзилишига эътибор қаратилди. Муҳим маълумот ва хабарлар бўйича алоҳида тушунтиришлар берилди.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини оммавий ахборот воситаларида очиқ эълон қилиши, муайян давр оралиғида юзага келган вазият бўйича шарҳ ва прогнозлар ҳамда ҳисоботларини кенг жамоатчиликка тақдим этиши орқали аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кутилмаларига таъсир кўрсатмоқда ва шу асосида ўз мақсадларига эришиш чораларини кўрмоқда.

Бу борада аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляция кутилмалари ва сезилган инфляция даражалари бўйича ойлик сўровномалар ўтказилмоқда ҳамда натижалари доимий равишда инфографикалар кўринишида эълон қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ЕТТБнинг техник кўмак миссияси доирасида пул-кредит соҳасида эълон қилинадиган ҳар бир материал тажрибали мутахассислар иштирокида таҳлилий томондан кўриб чиқилиши ва нашрлар истиқболли муносабат (forward-looking) тамойили асосида тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2023 йил давомида асосий ставкага бағишланган таянч бошқарув йиғилишларидан сўнг матбуот анжуманлари ўтказиб борилди, уларда қатнашиш истагини билдирувчи ОАВ вакиллари сони янада ортиб бормоқда ва онлайн ёритиб бораётган журналист ва блогерлар сафи кенгаймоқда.

ОАВ вакиллари орасида банк-молия мавзусини ёритишга ихтисослашган журналистлар доираси кенгайиб бормоқда. Бу билан Марказий банк хатти-ҳаракатларига нисбатан нотўғри тасаввур шаклланишининг, ахборотларнинг нотўғри талқин этилишининг олди олинмоқда.

Иқтисодиёт ва банк-молия соҳасидаги илмий доираларни Марказий банк фаолияти билан танишиб боришга кенг жалб қилиш ва улар билан долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш мақсадида “Пул-кредит сиёсати ва инфляцион таргетлаш” мавзусида иқтисодий йўналишда мутахассислар тайёрловчи 10 га яқин етакчи олий таълим муассасалари ва хорижий олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ўртасида семинар-тренинглари ташкил этилди.

Марказий банк фаолиятида шаффофлик ва очиқлик. Пул-кредит, банк ва тўлов тизимлари соҳасидаги долзарб маълумотлар жамоатчиликка алоқа каналлари (расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари) орқали тезкор равишда етказилмоқда. Бунда:

– регуляторнинг фаолияти ҳақидаги ахборотлар оммавий, кенг аудиторияга эга нашрларда ёритилиши;

– банк тизимида оид ўзгаришлар хусусидаги ахборотларнинг тўлақонлилиги ва тушунарлилиги;

– ахборотларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши, келгусидаги режаларнинг баён этилишига эътибор қаратилмоқда.

2023 йилда жамоатчиликнинг тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва тўлов ташкилотлари самарадорлигига ишончни мустаҳкамлаш мақсадида Банк назорати кўмитасининг мажлисларида кўрилган масалалар ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан тайёрланган ахборотларни ёритиб бориш йўлга қўйилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончини қозонишда коммуникациянинг, айниқса, юзма-юз мулоқотларнинг аҳамияти юқори. Бу борада, Марказий банк раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан 2023 йилда жойларда 100 дан ортиқ турли учрашув ва очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, уларда банк хизматлари истеъмолчиларига республикамиздаги жорий макроиқтисодий ҳолат, пул-кредит сиёсати, банк ва миқоз ўртасидаги муносабатларга доир зарур тушунтиришлар бериб борилди.

Коммуникация соҳасидаги тўпланган тажрибалар ва жорий вазиятни атрофлича ўрганиш натижалари Марказий банкнинг жорий ва режалаштирилаётган саъй-ҳаракатини олдиндан хабардор қилишнинг самарали механизм эканлигини кўрсатди.

Бунга Марказий банк томонидан “Махсус ҳуқуқий режим – тартибга солиш қумдони доирасида жорий этилган янги молиявий хизматлар ва технологиялар” ҳамда “Банк тизими барқарорлигини таъминлашда банклари санация қилиш ва омонатларни қафолатлаш тизимларининг аҳамияти” мавзусида ўтказилган медиа-мулоқотлар яққол мисол бўла олади.

2023 йилда айрим тахлилий шарҳлар умумлаштирилиб, веб-сайтга 55 та шарҳ, 214 та хабар, 10 та пресс-релиз, Марказий банк бошқаруви аъзоларининг 3 та маъруза ҳамда кредит ташкилотлари ва тўлов тизимлари фаолиятига доир 300 дан зиёд статистик маълумотлар жойлаштирилди.

Сўнгги йилларда коммуникация сиёсатини олиб боришдаги глобал тенденциялар ҳамда кузатувчилар сўровларига асосан маълумотлар ва ахборотларни кўпроқ визуал кўринишда тақдим этишга эътибор берилмоқда. Хусусан, ОАВ ва ижтимоий каналларда 2022 йилга нисбатан **1,5 баробар** кўп ёки **500** дан ортиқ видео ва инфографика шаклидаги маълумотлар эълон қилинди.

Банк-молия мавзусини ёритадиган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист ва блогерлар учун ҳар чорақда семинар-тренинг ўтказиш амалиёти давом эттирилиб, уларда **50** нафардан ортиқ соҳа вакилларининг молиявий билимлари оширилди.

Шунингдек, 40 дан ортиқ телекўрсатув, семинар, конференция ва форумлар ташкил этилиб, тегишли маълумотлар кузатувчилар эътиборига ҳавола этилди. Марказий банк раҳбарияти ва ходимларининг халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари билан учрашувлари веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда доимий ёритиб борилмоқда.

Марказий банк ходимлари учун “Нотиклик санъати: омма олдида нутқ сўзлаш ва фикрни эркин баён этиш усуллари” мавзусида таниқли профессионал журналист ва блогерлар иштирокида даврий равишда интерактив семинар-тренинг ўтказиш йўлга қўйилди. Ушбу тадбирлар ходимларда интервью бериш кўникмасини шакллантириш, камера олдида ўзларини эркин тутиш, ўз фикрларини қисқа ва тушунарли баён этиш маҳоратларини оширишга хизмат қилади.

Марказий банкнинг очик ахборот сиёсати белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур шартлардан ҳисобланади. Бу молиявий муносабатлар иштирокчиларининг амалга ошираётган чора-тадбирлар, қарорларни батафсил тушунишига, шунингдек, банк хизматлари истеъмолчиларига асосий макроиктисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар бўйича ўз кутилмаларини бошқаришига имконият яратади, пул-кредит сиёсатининг иқтисодий жараёнларга таъсири, хусусан, бозор кутилмаларининг янада самарали шаклланишига ёрдам беради.

Марказий банк фаолиятида ахборот кўлами ва тезкорлигининг ортиши, шу жумладан, банк тизимидаги ахборотлар билан мунтазам танишиб бориш жамоатчиликнинг кенгроқ ва кўпроқ маълумот олишга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Бу ўз навбатида, банк тизими фаолиятига доир тақдим этилаётган материаллар мундарижасини бойитиш, янгича ёндашувлар, йўналишларни белгилаб олишни тақозо этмоқда. Бу борада, банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар, асосий кўрсаткичлар таҳлили, хусусан, кредит муассасаларидаги трансформация жараёнлари, хизматларни инновацион шаклда ташкил этиш, яъни банк экотизимини оммалаштиришга қаратилган ихчам таҳлилий материаллар тақдим этиш режалаштирилмоқда.

IV. МИЛЛИЙ ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АХБОРОТ МУҲОФАЗАСИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК


4.1. Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти

2023 йилда тўлов тизимлари ишлашининг узлуксизлигини таъминлаш ва инфратузилмасини яхшилаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, 2023 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2022 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошиб, 5 480 трлн сўмни ташкил этди. Тизим орқали бир кунлик ўртача транзакциялар ҳажми 2022 йилдаги 16,6 трлн сўмдан **22,1** трлн сўмгача кўпайди.

4.1.1-чизма

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмининг ўсиши иқтисодийни молиялаштириш кўлами, инвестицион фаоллик ҳамда Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида пул бозоридаги операциялар ҳажмининг ортиб бориши билан изоҳланади.

2023 йилда 3 та тижорат банклари фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилиши ҳисобига Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими иштирокчилари сони 36 тага етди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилиб, банк амалиёт куни охирида вакиллик ҳисобварағида овердрафт (қарздорлик) шаклланган банкларнинг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг ва Тезкор тўловлар тизимидаги иштироқи камчилик бартараф этилганига қадар чекланишига оид норма билан тўлдирилди.

Шунингдек, тижорат банклари бўлинмаларини оптималлаштириш ҳамда ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш орқали мижозларга исталган банк бўлинмалари орқали сифатли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини берувчи ягона банк коди (МФО) технологияси асосида фаолият юритувчи банклар 2 тага кўпайиб, 9 тага етди.

Ҳисоб-китоблар клиринг тизими


Жисмоний ва юридик шахсларнинг чакана тўловларини реал вақт режимида ўтказишга ихтисослашган **Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими** фаолиятининг узлуксизлиги таъминланди.

Хусусан, мазкур тизим орқали товар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар рўйхатини кенгайтириш, мижозлар учун қулай ва содда тўлов хизматларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи идора ва ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони ҳисобот йилида **48 тага** етди.

4.1.2-чизма

Ҳисоб-китоб клиринг тизими кўрсаткичлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми **78,0** трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **1,3 баробарга**, транзакциялар сони эса **102** млн дан ортиқни ташкил этиб, қарийб **1,2 баробарга** ошди.

Тўлов хизматлари бозорида янги тўлов турлари ҳамда усуллари салмоғини ошириш, соғлом рақобат ва янги технологик ечимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор талаблари асосида Ҳисоб-китоблар клиринг тизимининг дастурий таъминотига ўзгартириш киритилиб, коммунал тўловлар, давлат божлари ва жарималар, давлат хизматлари тўловлари ҳамда бошқа тўловлар бўйича воситачилик ҳақини маблағларни олувчи ташкилотлар (*бенефициарлар*)дан ундириш механизми жорий этилди.

Тўлов хизмати кўрсатилганлиги учун тўланадиган воситачилик ҳақи маблағ олувчилар ҳисобидан тўлов суммасидан чегириб қолиниб, тижорат банкларига ўтказиб берилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, бенефициари бюджет ва корпоратив субъектлар бўлган тўловларни амалга оширишда тўланадиган воситачилик ҳақи (йиғимлар)нинг чегаравий миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи этиб белгиланди.

Натижада, **аҳолидан** коммунал, давлат хизматлари, жарималар, божлар ва бошқа тўловларни амалга оширишдаги воситачилик ҳақи олиш амалиёти **бекор қилинди**.

2023 йилнинг май-декабрь ойлари давомида жами **50** млн дан ортиқ тўловлар бўйича қарийб **85** млрд сўм маблағ тўлов хизмати учун воситачилик ҳақи (комиссия) тарзида банклар ва бошқа тўлов хизматларини етказиб берувчиларга тўлаб берилди.

Мазкур воситачилик ҳақи бўйича тўловларнинг маблағ олувчилардан ундирилиши аҳолининг **85** млрд сўмга яқин маблағини тежаб қолишига имкон берди.

Тезкор тўловлар тизими


Ҳисобот йилида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга тўлов операцияларини туну-кун “24/7” режимда онлайн амалга ошириш имконини берувчи Марказий банк **Тезкор тўловлар тизимининг** барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланди.

2023 йилда мазкур тизим орқали амалга оширилган **транзакциялар** сони 2022 йилга нисбатан **1,8 баробарга** ошиб **31,4** млн тани, **тўловлар ҳажми** эса қарийб **1,4 баробарга** ошиб **603,8** трлн сўмни ташкил этди.

Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилаётган тўловлар кўламининг ортиб бориши натижасида, ҳисобот йили якунига келиб хўжалик юритувчи субъектлар жами тўлов ҳужжатларининг **92** фоизи банкка ташриф буюрмаган ҳолда масофадан амалга оширилган.

Бу эса, республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг масофадан ҳисобварақларини бошқариш орқали Тезкор тўлов тизими имкониятидан кенг кўламда фойдаланиш даражаси ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Тезкор тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида ушбу тизимдан амалга оширилган жами транзакциялар сонининг **28** фоизи **кечки/тунги вақтда** амалга оширилган амалиётлар ҳисобига тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 17 фоизни ташкил этган.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар бюджет тўловларини (*харажатларини, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларни банк иш кунига боғлиқ бўлмаган ҳолда*) 24/7 режимида, онлайн тартибда Тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилди.

4.2. Банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимларининг ривожланиши

2023 йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини ва мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий тўлов тизимлари ҳисобланган “Humo” ва “Uzcard” ўртасида банкоматлар тармоғини ўзаро интеграция қилиш орқали банк карталари фойдаланувчилари учун иккала тўлов тизими инфратузилмасидаги банкоматлардан муқобил фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, мазкур иккала тўлов тизимлари ўртасидаги жараёнлар “host2host” боғланиш асосида ташкил этилиб, нақд пул ечиш бўйича тўлов операциялари тўлиқ амалга оширилиши йўлга қўйилди.


Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2023 йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони **46,2** млн донага етиб, 2022 йилга нисбатан **35** фоизга ўсди.

Аҳолига республика ва хорижий тўлов тизимлари инфратузилмасида бир карта орқали ҳисоб-китобларини амалга ошириш имкониятини берувчи **кобейджинг** банк карталари сони 2022 йилга нисбатан **1,7 баробарга** ошиб, 3,1 млн донага етди.

2023 йилда 429 мингта тўлов терминаллари орқали қабул қилинган тўловлар ҳажми 2022 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошиб, **254,7** трлн сўмни ташкил этди.

4.2.1-чизма

Банк карталари сони




Манба: Марказий банк маълумотлари

Чакана тўловлар тизимларининг функционали ва инфратузилмасини кенгайтиб бораётганлиги ҳамда ушбу бозорда рақобат муҳитининг шаклланаётганлиги миллий тўлов тизимлари иштирокчилари томонидан терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида ҳам таркибий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда жами терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида Нито терминаллари улуши 2022 йилдаги 49 фоиздан **59** фоизгача ошган бўлса, Uzcard терминаллари улуши 51 фоиздан **41** фоизгача қисқарган.


4.2.2-чизма

Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони



4.2.3-чизма

Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган транзакциялар




Манба: Марказий банк маълумотлари

Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида банк инфратузилмалари ҳамда туризм объектларига ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar сони ҳисобот йилида қарийб **1,3 баробарга** ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига **26,6** мингдан ортиқни ташкил этди.

4.2.4-чизма


Банкомат ва инфокиосklar сони, донада



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда жами банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида Нумо банкоматларининг улуши 2022 йилдаги 33 фоиздан **47** фоизгача ошган бўлса, Uzcard банкоматлари улуши 41 фоиздан **40** фоизгача ҳамда банк процессингига уланган банкоматлар улуши 26 фоиздан **13** фоизгача қисқарган.

Банкоматлар орқали амалга оширилган транзакциялар, трлн сўмда



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони қарийб **1,5 баробарга** ошиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига 44,1 млнга етди. Бунда, ушбу фойдаланувчиларнинг **1,3** млн таси **тадбиркорлик субъектлари**, 42,8 млн таси **жисмоний шахслар** ҳиссасига тўғри келади.

Банкларнинг мобил илова дастурлари орқали жисмоний шахсларнинг масофадан туриб онлайн тарзда амалга оширган операциялари ҳажми ҳисобот йилида **250,1** трлн сўмни ташкил этди.

Мобил илова дастурлари орқали амалга оширилган **онлайн депозит операциялари ҳажми** – 46,5 трлн сўм, **онлайн конверсия амалиётлари** – 27,4 трлн сўм, **онлайн микроқарзлар** – 13,3 трлн сўм ва **кредитларни сўндириш ҳажми** – 15,3 трлн сўмни ташкил этди.

Аҳоли учун базавий банк хизматларини (омонат ва конверсия амалиётлари, микроқарз олиш, банк картасига буюртма бериш, идентификациядан ўтиш) онлайн режимда бажариш имконияти, **тадбиркорлик субъектлари** учун эса тўловларни ҳисоб-китоб терминалларида ташқари QR-код, NFC ва бошқа контактсиз тўлов технологияларини қўллаган ҳолда қабул қилиш хизматлари қўлами кенгайтириб борилди.

Хусусан, 2023 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони қарийб **101,0** минг донага етказилиб, унда амалга оширилган транзакциялар ҳажми қарийб **2,5 баробарга** ортиб 337 млрд сўмга етди.

QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони ва ҳажми



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шу билан бирга, контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “НУМО РАУ” дастури орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан савдо ҳамда пуллик хизматлар учун тўловларни амалга ошириш хизмати **23 та** тижорат банкининг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган **Tap-to-phone** тизими (*тўлов терминали каби тўлов қабул қилиш имконини беради*) хизматларидан фойдаланувчи субъектлар сони 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига **3,1** мингдан ортди.

2023 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2022 йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошган ҳолда **37,7** трлн сўмни ташкил этди.

Шунингдек, 2024 йил 1 январь ҳолатига **Face ID** технологиясидан фойдаланадиган тижорат банклари сони **27** тага, тўлов ташкилотлари сони эса **15 тага** етиб, банклар ва тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали рақамли идентификациядан ўтган мижозлар сони 2023 йил 1 январга нисбатан **4,2** млн тага ортган ҳолда, ҳисобот йили якунига келиб **6,8** млн тага етди.

Мазкур ўсувчи тенденция мижозларга, нафақат тўловларни онлайн режимда банкка бормасдан туриб амалга ошириш, балки банк ҳисобварақларини ҳам масофадан идентификация қилиш тизими (*Face ID*) орқали очиш имкониятларини яратилганлиги билан изоҳланади.

4.3. Тўлов хизматлари бозорида финтех компаниялари фаолияти


Ҳисобот йилида тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида Марказий банк томонидан тўлов ташкилотларига лицензияларнинг берилиши давом эттирилди ва тўлов ташкилотлари сони **49** тага етди.

Бу эса, аҳолига тўлов хизматлари кўрсатишда нафақат тижорат банклари, балки тўлов ташкилотларининг хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

2023 йилда тўлов ташкилотлари томонидан амалга оширилган транзакциялар сони 2022 йилга нисбатан **1,6 баробарга** ортиб 183 трлн сўмни ташкил қилди.

4.3.1-чизма

Тўлов ташкилотлари томонидан 2022-2023 йилларда амалга оширилган транзакциялар ҳажми




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида жисмоний шахслар томонидан тўлов ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган ҳолда мобил операторлар хизматлари учун – 9,8 трлн сўм, давлат хизматлари учун – 8,2 трлн сўм, коммунал хизматлар учун – 7,9 трлн сўм, кредит тўловлари учун – 6,5 трлн сўм, бюджет ва солиқ тўловлари учун – 1,4 трлн сўм маблағ ўтказилган.

Тўлов хизматлари бозорида электрон пуллар тизимларининг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг янада ривожланиши ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга қўшимча имкониятлар яратилишига хизмат қилмоқда.

2023 йилда тўлов ташкилотлари томонидан ўтказилган тўловлар мақсадлари бўйича таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари


2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг электрон пуллар тизимлари реестрига 13 та электрон пуллар тизимлари киритилган бўлиб, мазкур тизимларда очилган электрон ҳамёнлар сони ҳисобот йилида 8,4 млн тадан 15,6 млн тагача ошди.

Шунингдек, ҳисобот йилида электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 2022 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб 16,6 млн тани, транзакциялар ҳажми эса 4,5 баробарга кўпайиб, 1,2 трлн сўмни ташкил этди. Электрон пуллардан фойдаланиш даражасининг тобора ошиб бориши истеъмолчилар томонидан мазкур тўлов воситасининг онлайн харидларда фойдаланиш имконияти мавжудлиги, шу жумладан, маркетплейсларда тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 92 фоизи тадбиркорлик субъектларига товарга (хизмат, ишлар) тўловни амалга ошириш учун ҳамда 8 фоизи жисмоний шахсларга маблағ ўтказишга йўналтирилган.

Электрон пуллар воситасида амалга оширилган тўловларнинг 59 фоизи онлайн товар ва хизматлар хариди, 17 фоизи ижтимоий тармоқлардаги тўловлар, 7 фоизи мобил оператор хизматлари, 4 фоизи коммунал хизматлар, 2 фоизи жойида харидлар учун тўловлар, 1 фоизи давлат хизматлари учун тўловлар, 1 фоизи хорижий электрон ҳамёнларни тўлдириш ва 6 фоизи бошқа хизматлар учун ўтказилган тўловларни ташкил этади.

2021-2023 йилларда электрон пуллар тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида тўлов ташкилотларининг махсус ҳуқуқий режим доирасида янги тўлов хизматларини кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида харидлар билан бир вақтда банк карталари эгаларига нақд пул бериш хизмати бўйича вақтинчалик тартиб ишлаб чиқилди.

Мазкур хизмат турини дастлабки босқичда виртуал касса тармоғи билан таъминланган “Uzpaynet” МЧЖнинг барча ҳудудлардаги тўлов агентлари томонидан нақд пул бериш хизмати кўрсатилишига рухсат берилиб, унинг амал қилиш муддати 2024 йилнинг 1 июнига қадар узайтирилди.

2023 йилнинг июнь-ноябрь ойлари мобайнида “Uzpaynet” МЧЖ тўлов ташкилоти “тартибга солиш кумдони” доирасида Тошкент шаҳридаги тўлов агентлари орқали 146 та хизмат кўрсатиш нуқтасида 3 млрд сўмлик (11 381 та транзакция) нақд пул маблағларини бериш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Бунда, тўлов агентлари орқали берилган нақд пуллар бўйича юзага келадиган хатарларни мунтазам таҳлил қилиб бориш ва ҳар ойлик натижалари бўйича тақдим этилган маълумотлар асосида республикада виртуал касса билан қамраб олинган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида Марказий банк томонидан белгиланадиган чекланган лимит ва кунлик нақд пул тушумлари доирасида нақд пул бериш хизматини кўрсатиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши мўлжалланмоқда.

4.4. Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш

Ҳисобот йилида, банклар ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари киберхавфсизлиги таъминланганлик даражаси махсус дастурлар ёрдамида ўрганиб борилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Марказий банк томонидан мониторинг тизимларини яратиш ҳамда Марказий банкнинг мониторинг тизимига интеграциялаш, банкоматларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ахборот тизимлари ва мобил иловаларни экспертизадан ўтказиш ҳамда антифрод тизимларини жорий этиш юзасидан қарийб **50 та** техник талабларни бажариши белгиланди.

Тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан киберхавфсизлик ходисалари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкнинг “CERT-CBU” киберхавфсизлик марказига тезкорлик билан хабардор қилиш бўйича марказнинг расмий сайтида маълумот бериш имконияти яратилиб, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан уларнинг номи ва расмий логотипларидан фойдаланган ҳолда ясалган сохта ҳаволалар тўғрисида маълумотлар киритиб борилиши йўлга қўйилди.

2023 йилда Марказий банкка ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари юзасидан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни қонунчиликка мувофиқ санкция асосида олиш бўйича 917 та ҳужжат келиб тушди.

Банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари бўйича аҳоли орасида тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида тўлов хизматлари истеъмолчиларини огоҳликка чақирувчи 6 та матнли ахборотлар, фирибгарлардан огоҳликка ундовчи 3 та видео материаллар тайёрланиб, ОАВ ҳамда Марказий банкнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали мунтазам равишда эълон қилиниб борилмоқда.

Марказий банк томонидан тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари, шунингдек ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фирибгарлик ҳолатларида иштирок этган банк карталарини блоклаш ҳамда мазкур банк карталаридаги пул маблағларини мобил иловалар орқали хорижий ҳисобрақамларга ўтказишни олдини олиш бўйича чоралар кўриб борилди.

Бунда, банк карталари билан боғлиқ фрод операцияларни олдини олиш мақсадида мобил иловалар орқали пул маблағларини ўтказишда миждозларни биометрик идентификациядан ўтказиш, пул ўтказмаларини тасдиқлаш ва мобил аккаунтларидан фойдаланишда қўшимча хавфсизлик талаблари жорий этилди.

Ўз навбатида, тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари томонидан ўзларининг мобил иловаларидан фойдаланишда миждозлар учун банк карталари маълумотларини, улардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган бир марталик тасдиқлаш ОТР кодларини ҳеч кимга ошкор этмаслик тўғрисидаги огоҳлантиришлар, мобил иловалардан хавфсиз фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларни бериб борилиши ҳамда мобил иловалардан фойдаланишда **кўп факторли аутентификация методларини** қўллаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари доирасида тўлов тизими операторларида **транзакцион антифрод тизимидан** ҳамда банклар ва тўлов ташкилотларида **сессия антифрод тизимларидан** фойдаланиш учун Марказий банкда **марказлашган антифрод** ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларини жорий этиш ишлари бошланди.

2023 йилда тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг фаолиятида кибертаҳдидларни аниқлаш, уларнинг янги турларига қарши курашиш ва олдини олиш, шунингдек бу борада тажриба алмашиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш йўналишидаги етакчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мазкур ҳамкорликлар доирасида, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик йўналишидаги масъул ходимлари иштирокида форум ва ўқув-семинарлари ташкил этилиб, унда тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг 200 нафардан зиёд масъул ходимлари малакаси оширилди.

4.5. Марказий банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш

2023 йилда Марказий банкнинг рақамли технологиялар инфратузилмаларини ва моддий-техник базани такомиллаштириш, жумладан, янги ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш, мавжудларини узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда банк тизими ахборот тизимларининг интеграциялашувини кенгайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Марказий банк ва Божхона қўмитаси ўртасида божхона декларацияси бўйича ахборот маълумотлари алмашинуви учун ягона ахборот маконини ташкил этиш, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун амалга оширилган валюта олди-сотди операциялари тўғрисидаги

маълумотлар ҳисобини юритишга мўлжалланган валюта операциялари ҳисобини юритиш (FERUZ) тизимини такомиллаштириш бўйича техник-лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Тижорат банклари бўлинмалари ўртасида нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварағи ҳисобини юритишда қулайликлар яратиш, нақд пуллар ва вакиллик ҳисобварағининг алмашинувини тезлаштириш, барча тижорат банклари бўлинмаларига тенг ҳуқуқлар ва шартлар асосида иштирокини таъминлаш имкониятини берувчи нақд пулларнинг электрон майдони ахборот тизимлари лойиҳалаштирилиб, техник-лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасининг вақтинча бўш пул маблағларини депозитларга жойлаштиришни инсон омилисиз амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида “Ғазна-ресурс” тизимини Марказий банк тизими билан интеграцияси амалга оширилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ахборот тизими билан Марказий банкнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви кенгайтирилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ ва Божхона қўмиталари, Бош Прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” билан “BankMail” тизими орқали электрон тўлов ҳужжатларини ижрога қўйиш бўйича тижорат банклари билан маълумот алмашинуви ишлари такомиллаштирилди.

Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг (МУНИС) тизимида янги хизматлар тақдим этувчи сифатида “Veolia Energy Tashkent” МЧЖ ХКнинг иссиқлик билан таъминлаш хизматлари учун тўлов турлари ва “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” хизматлар етказиб берувчининг “Контракт тўлови”, “Ётоқхона учун тўлов”, “Кредит модулига тўлов”, “Дипломни қайта тиклаш учун тўлов” ва бошқа тўлов турлари жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайтини узлуксиз ишлашини таъминлаш, сайт дизайни ва тузилмасини такомиллаштириш ҳамда маълумотларни бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечтасини (*ёки ҳаммасини*) визуал (*графиклар*) кўринишда олиш имкониятлари кенгайтириб борилмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда хорижий инвесторларга маълумотларни тўлақонли ва сифатли етказиш мақсадида, “Очиқ маълумотлар портали”га жойлаштириладиган маълумотлар сони 60 тага етказилди.

Бундан ташқари, Марказий банк тизимида самарали ва юқори технологик назорат тизимини (SupTech) жорий этиш мақсадида жаҳон молия бозорларида мавжуд юқори технологик ечимлар, марказий банклар (регуляторлар) томонидан қўлланилган замонавий технологияларнинг имкониятлари ўрганилди.

Хусусан, халқаро консалтинг компания ва вендорлар Bearing Point Software Solutions (Нидерландия), Oracle (АҚШ), CoreFiling (Буюк Британия), Invoke (Франция), Finastra (Буюк Британия), DIS GROUP (Россия), ADAstra (Чехия) билан ҳамкорлик музокаралари олиб борилди ва уларнинг тақдимотлари кўриб чиқилди.

SupTech лойиҳалари бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида тижорат банклари томонидан Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот ва маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантириш ҳамда банклар фаолиятини масофадан туриб назорат қилиш мақсадида ҳисоботлар ва электрон талабномаларни ўрганиш амалиётини жорий этиш бошланди.

Маълумотларни тақдим этиш учун 140 дан ортиқ электрон талабномалар ишлаб чиқилиб, уларга асосан маълумот етказиб берувчилар маълумотлари **автоматик тарзда** Марказий банк ахборот тизимига узатиш имкониятлари яратилди.

Марказий банк мутахассислари “Банк тизимининг маълумотлар омборхонаси” ахборот тизими орқали Oracle Discoverer бизнес таҳлилий платформаси ёрдамида маълумотларни таҳлил этиш, жадваллар ва ҳисоботларни, шу билан бирга, тизим томонидан автоматик шакллантирилган ва электрон ҳужжат айланиши тизими орқали 3 200 дан ортиқ *(банклар ва ҳудудлар кесимида)* ҳисоботлардан фойдаланмоқда.

Назорат ҳисоботларини автоматлаштириш (ADR) лойиҳасининг биринчи босқичини амалга ошириш мақсадида консалтинг хизматларини кўрсатувчи “KPMG Audit” ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мазкур ҳамкорлик доирасида Марказий банкда амалда бўлган ахборот тизимлари ва маълумотлар ҳамда уларга доир меъёрий-ҳуқуқий база таҳлил қилиниб, маълумотларни бошқариш тизими ва модели, трансформация режаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

V. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2023 йилда пул муомаласи тизими мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, шу жумладан, пул-кредит сиёсати ҳамда банк-молия инфратузилмаларидаги ўзгаришлар таъсирида шаклланди.

2023 йилда нақд пулга талабнинг мавсумий омиллар таъсирида ўзгариб бориши кузатилиб, асосий эътибор, нақд пулга бўлган эҳтиёжни узлуксиз таъминлашга, ҳисоб-китобларда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига нақд пул билан боғлиқ хизматлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида нақд пул муомаласини тартибга солиш ва нақд пул ҳаракатини бошқариш услубларини либераллаштириш, нақд пулларнинг логистикаси билан боғлиқ жараёнларни янада қулайлаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги олиб борилаётган ишлар давом эттирилди.

5.1. Нақд пул айланмаси ва унинг ўзгариш динамикаси

2023 йилда банк кассаларидаги нақд пул оқимлари ва чиқимлари динамикасида кескин ўзгаришлар кузатилмасдан ўзининг доимий тренди доирасида шаклланди.

Хусусан, нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси 2023 йилда 831,4 трлн сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошди ҳамда банк кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми 2022 йилга нисбатан 20,4 фоизга ортиб, 413,9 трлн сўмни ташкил қилди.


Банк кассаларига товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми 16,8 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар 50,5 фоизга, банк хизматлари (*аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилмалар, кредит тўлови, нақд валюта сотиб олиш ва конверсия операциялари*) бўйича тушумлар 20,5 фоизга, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар 14,6 фоизга кўпайди.

Банк кассаларига тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича таркибида товарларни сотишдан тушум 38,0 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 10 фоизни, банк хизматлари бўйича тушум – 33 фоизни, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – 18 фоизни ташкил этди.

Банк кассаларига нақд пул тушумлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбат кўрсаткичида ўтган йилларга қараганда ўсиш кузатилди. Ушбу нисбат 2022 йилда 38,4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилида 38,8 фоизга етди.

5.1.1-чизма

Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилда нақд пулларнинг банк орқали айланмаларида аҳоли ва хўжалик субъектларига бериб борилган нақд пуллар ҳажми 2022 йилга нисбатан 17,1 фоизга ошиб, 417,5 трлн сўмни ташкил этди.

5.1.2-чизма

Нақд пулларнинг тақсимланиш йўналишлари



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида нақд пулга бўлган талабнинг ўтган йилга нисбатан 61,6 трлн сўмга ошиши асосан:

– аҳолининг банк карталарига тушган (кирим қилинган) маблағлар ҳажмининг 42,6 фоизга ошганлиги карталардаги маблағларни нақдлаштириш ҳажмининг 39,8 трлн сўмга;

– мамлакатга хорижий пул ўтказмалари ҳажмининг юқори даражада сақланиб қолиши эвазига банклар томонидан аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш ҳажмининг 10,7 трлн сўмга;

– омонат ҳисобрақамларидан олинган нақд пуллар ҳажмининг 11,1 трлн сўмга кўпайганлиги билан изоҳланади.

2023 йилда банкоматлар орқали ечилган нақд пуллар ҳажми 2022 йилга нисбатан 37,0 трлн сўмга (31,6 фоиз) кўпайиб, бевосита банкоматлар орқали олинган пуллар улуши 2022 йилдаги 78,4 фоиздан 81,5 фоизгача етди.


Ушбу ҳолат банкоматлар тармоғининг кенгайиб бораётганлиги, хусусан, “Humo” ва “Uzcard” ўртасида банкоматлар тармоғини ўзаро интеграция қилиниши ҳамда уларни нақд пул билан узлуксиз таъминланиб борилаётганлиги билан изоҳланади.

5.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши

2023 йилда тижорат банклари орқали муомаладаги нақд пулларнинг таркибини янгилаб бориш, муомалага банкнотлар ва тангалар чиқариш, уларни зарур номиналлари бўйича оптимал захирасини таъминлаш, эскирган пулларни йўқ қилиш ишлари давом эттирилди.

5.2.1-чизма

2023 йил давомида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмининг ўзгариши



Манба: Марказий банк маълумотлари


Муомаладаги нақд пуллар ҳажми (тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар қолдиги ҳисобга олинган ҳолда) 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 6,1 трлн сўмга ёки 11,1 фоизга кўпайиб, унинг йиллик ўсиш суръати 2022 йил (49,1 фоиз) ва 2021 йилга (17,1 фоиз) нисбатан секинлашди.

Ҳисобот йилида муомалага чиқарилган нақд пуллар қаторини оптималлашиши доирасида 1 000 сўмлик, 5 000 сўмлик, 10 000 сўмлик, 50 000 сўмлик банкнотларнинг жами 3,1 трлн сўмга камайиши ҳамда 2 000 сўмлик, 20 000 сўмлик, 100 000 сўмлик ва 200 000 сўмлик банкнотларнинг жами 9,2 трлн сўмга ортиши кузатилди.

Шунингдек, муомаладаги тангалар ҳажми 2,1 баробарга ошиб, уларнинг жами муомалага чиқарилган пул белгилари таркибидаги улуши 0,3 фоизга етди.

5.2.2-чизма

Муомалага чиқарилган пул белгилари (банкнотлар ва тангалар)нинг номинал қийматлари бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

2021 йилгача муомалага чиқарилган ва банк кассаларига кирим қилинган банкнотларни янги намунадаги 5 000, 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотлар билан босқичма-босқич алмаштириш орқали муомаладаги нақд пулларни янгилаб бориш чоралари давом эттирилди.

2023 йил якунида янги намунадаги 5 000 сўмлик банкнотлар ушбу номиналдаги банкнотларнинг – 33,2 фоизини, 10 000 сўмлик банкнотларда – 36 фоизни, 50 000 сўмлик банкнотларда – 39,4 фоизни ҳамда 100 000 сўм банкнотларда – 61,2 фоизни ташкил қилди.

2024 йил 1 январь ҳолатига янги кўринишдаги (2021-2022 йиллар намунасидаги) банкнотлар сонининг (2 000, 20 000, 200 000 сўмлик банкнотлар билан бирга) муомаладаги жами банкнотлар сонидagi улуши 2022 йилдаги 20,8 фоиздан 45,6 фоизга (миқдор бўйича улуши эса 44,9 фоиздан 62,1 фоизга) етди.

Муомаладаги нақд пуллар таркибида асосан янги намунадаги ва янги номиналдаги йирик банкнотлар салмоғининг ошиши ҳисобига муомаладаги банкнотлар сони 2023 йил бошига нисбатан 54,0 млн донага ёки 2,6 фоизга камайиб, бир кишига тўғри келадиган банкнотлар сони 55 тани ташкил қилди.

Шу билан бирга, қайтим пуллари сифатида муомалада тангалар ҳаракатини фаоллаштириш мақсадида қўшимча 88,7 млрд сўм миқдорида тангалар муомалага чиқарилди ва унинг ҳажми 2022 йилга нисбатан 2,1 баробарга ошиб, 167,2 млрд сўмга етди.

Пул муомаласини тартибга солиш ва нақд пул оқимини бошқаришга босқичма-босқич рақамли технологияларни, янги ва мақбул механизмларни жорий этиб бориш, нақд пулларни қайта тақсимлаш (ҳаракати) жараёнларини эркинлаштириш ва енгиллаштириш чоралари кўриб борилмоқда.

Тижорат банклари ўртасида нақд пулга бўлган талаб ва таклиф бўйича реал вақт режимида ўзаро ахборот алмашинув имкониятини берувчи “Нақд пулларнинг электрон майдони” ахборот тизими жорий этилди.

Мазкур механизм тижорат банклари филиаллари ўртасида нақд пуллар ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни янада енгиллаштириш, харажатларни оптималлаштириш, нақд пулларни ташиш ва миллий валютадаги нақд ликвидли активларни нақдсиз шаклдаги ликвидликка алмаштириш жараёнларини тезлаштириш имконини бермоқда.

Бунда, тижорат банклари бўлинмаларидаги нақд пулларни ўзаро етказилиши (ҳаракати)да Марказий банк иштирок этмасдан, тижорат банклари филиаллари ўзларидаги нақд пулларни инкассация хизмати орқали ўзаро логистикаси йўлга қўйилди.

5.3. Банк карталари орқали амалга оширилган операциялар


Тўлов тизимлари инфратузилмасининг кенгайиб бориши ва фойдаланувчилар томонидан нақд пулсиз тўловларнинг афзал кўрилаётганлиги жисмоний шахсларнинг банк карталари орқали операциялари ҳажмининг ошишида намоён бўлиб, ушбу операциялар ҳажми 2022 йилга нисбатан **470,8** трлн сўмга ёки 42,7 фоизга ошиб, **1 574,2** трлн сўмни ташкил этди.

Бунда, банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 789,5 трлн сўмни, банк карталаридан амалга оширилган тўловлар миқдори (*нақдлаштириш билан бирга*) **784,7** трлн сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йилида банк карталарига келиб тушган маблағлар таркибида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи тўловлари учун ўтказилган маблағлар улуши 29,2 фоизни, нақд пул ҳисобига банк картасига кирим қилинган ва омонат ҳисобварақларидан келиб тушган маблағлар – 20,4 фоизни, масофавий ўтказмалар (P2P) орқали тушган маблағлар – 35,3 фоизни ташкил этди.

5.3.1-чизма

Банк карталари орқали айланмалар динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Иқтисодиётда нақд пулсиз тўловларнинг жами товар ва хизматлар учун тўловлар ҳамда пул ўтказмаларидаги улуши 2022 йилдаги 73 фоиздан 76 фоизгача ошди.

5.3.2-чизма


2023 йилда банк карталарига келиб тушган маблағларнинг манбалари бўйича улуши



Манба: Марказий банк маълумотлари

Банк карталарига келиб тушган маблағлар ҳажмининг ошиши савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни тўлов терминаллари орқали амалга ошириш ҳажмларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Банк карталаридан чиқим қилинган маблағлар ҳажми (чиқим тури бўйича)



Манба: Марказий банк маълумотлари

Хусусан, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича терминал тушумларининг умумий тушумдаги улуши 2022 йилга нисбатан 2,7 фоиз бандга ошиб, 39,9 фоизни ташкил этди.

VI. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

6.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

2023 йилда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, банклар томонидан кўрсатиладиган банк хизматларини аҳолининг барча қатламларига етказиш мақсадида ихчам ва банкнинг барча хизматларини кўрсатувчи офислар тармоғини кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Ушбу мақсадларда амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида банк хизматлари кўрсатиш нуқталари сони ўтган йилга нисбатан **539 тага** кўпайиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига **13 761 тага** етказилди.

Хусусан, 2023 йилда банклар томонидан мамалакат ҳудудлари бўйлаб қўшимча **286 та** банк хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил қилиниб, уларнинг **88 таси** банк хизматлари кўрсатиш марказлари билан олдин қамраб олинмаган ҳудудларда фаолиятини бошлади.

Аҳоли томонидан банк хизматларидан тун-у кун фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида 2023 йилда банклар томонидан **749 та** 24/7 тартибида ишловчи ўзига ўзи хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг сони 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **25** фоизга ошиб, **3 723** тани ташкил қилди.

Аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари билан таъминланганлик даражасини кўрсатувчи **ҳар юз мингта катта ёшли аҳолига** тўғри келувчи банк хизматлари кўрсатиш нуқталари сони кўрсаткичи ўртача **56 тага** етиб, йил бошига нисбатан 2 бандга кўпайди.

Бунда, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида (*177 та*) қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Андижон (*32 та*), Сурхондарё (*36 та*) ҳамда Қашқадарё (*37 та*) вилоятларида кузатилган.

2023 йилда Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегиясида белгиланган вазифалар яқунланди.

Мазкур стратегия доирасида **5 та йўналиш** – базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқлари ҳимоясини

кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган **51 та** тегишли тадбирлар амалга оширилиб, белгиланган **22 та** мақсадли кўрсаткичга эришилди.

Хусусан, **сўнги уч йил** ичида энг камида битта банк хизматлари кўрсатиш нуқтасига эга катта ёшли аҳолиси 5 минг кишидан ортиқ бўлган маъмурий ҳудудий бирликлар улуши **58** фоиздан **85** фоизга (*мақсад – 70 фоиз*), банкоматлар сони **6,5** мингтадан **13,6** мингтага (*мақсад – 9 минг*), муомаладаги фаол банк карталари сони **25,8** млн тадан **46,2** млн тага (*мақсад – 30 млн*), электрон ҳамёнлар сони 1,5 млн тадан 15,6 млн тага (*мақсад – 3 млн*), банкдан кредит олган ёки кредит линиясига эга бўлган катта ёшли аҳоли улуши **13** фоиздан **21** фоизга (*мақсад – 15 фоиз*), халқаро таълим тадбирлари доирасида қамраб олинган аҳоли сони **20** минг нафардан **191** минг нафарга (*мақсад – 40 минг нафар*) кўпайди.

Ҳисобот йилида банк хизматларини бошқа муқобил йўллар (каналлар) орқали кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам давом эттирилди.

Жумладан, микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш, аҳолининг кенг қатламлари орасида тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда микромолиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, микромолия ташкилотлари учун кўшимча молиявий ресурслар, шу жумладан депозит жалб қилиш имкониятини яратиш, микромолия ташкилотлари ва тижорат банклари ўртасидаги “занжир”ни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори қабул қилинди.

6.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Ҳисобот йилида молиявий саводхонликни ошириш борасида тўпланган тажриба асосида рақамли молиявий саводхонликни ошириш, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда чекка ҳудудлардаги аҳолига молиявий билимларни етказиш, таълим муассасаларида молиявий билим ва кўникмалар каналларини такомиллаштириш ҳамда бу борадаги лойиҳаларни янгича ёндашувлар асосида жорий этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳалар доирасида аҳолида жамғариш кайфиятини ошириш, масъулиятли қарз олиш муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, рақамли молиявий саводхонликни яхшилаш йўналишлари билан бир қаторда шахсий молиявий хавфсизликни таъминлаш, тадбиркорликни бошлаш ва йўлга қўйиш бўйича кўникмаларни ошириш чоралари кўрилди.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича **21** та лойиҳа доирасида **90** дан ортиқ таълим тадбирларида **508** минг нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди ва бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошди.

Ҳисобот йилида вилоят марказларидан йироқда жойлашган, хусусан, 4-5-тоифага кирувчи туман аҳолисига молиявий билимларни етказиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, **хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг** молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг **127 та** туманида **154 та** семинар-тренинглари ўтказилиб, уларда жами **16 317** нафар аҳоли иштирок этди.

Халқаро таълим тадбирларини ўтказишда **21 та** банк ва **14 та** суғурта компаниялари билан биргаликда тизимли ишлар олиб борилди:

“Бутунжаҳон пул ҳафталиги” ва “Бутунжаҳон жамғариш куни” халқаро таълим тадбирлари доирасида ўтказилган **10 та** тадбирнинг умумий қамрови **214 869** нафар аҳолини, шундан **25 866** нафари мактаб ўқувчиларини ташкил этиб, уларга молиявий математика, жамғариш маданияти ва шахсий молиявий хавфсизликни таъминлаш қоидалари ўргатилди.

Мактаб ўқувчиларига бошланғич молиявий билимларини ва уларда базавий банк хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида **17 та** банк томонидан республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб умумий ўрта таълим муассасаларида **195** минг нафардан ортиқ 5-11 синф ўқувчилари учун **5 871 та** очик дарслар ташкил этилди.

Ёшларда масъулиятли қарз олиш, молиявий фирибгарлик ва пирамидаларга алданиб қолмаслик, пулларни хавфсиз кўпайтириш воситалари ва тадбиркорлик кўникмаларини оширишга қаратилган маҳорат дарсларида республика бўйича **2 471** нафар иштирокчилар қамраб олинди.

Мавжуд ва потенциал мижозларга банкнинг махсус кутиб олиш жойларида (ресепшн) маҳсулот ва хизматлар тўғрисида маълумот берилаётган бир вақтда молиявий саводхонлик бўйича консултатив маълумотларни етказиш мақсадида **13 та** банкнинг **186** нафар мутахассислари малакаси **тренинглик даражаси** бўйича оширилиб, улар томонидан ҳудудларда аҳолига молиявий маслаҳатлар берувчи жами **329** нафар тренингер-консултантлар тайёрланди. Лойиҳа доирасида **30 389** нафар аҳолига молиявий маслаҳатлар берилди.

Манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда **анъанавий ва ностандарт шаклда ўқитиш** технологияларини қўллаган ҳолда аҳолининг рақамли молиявий саводхонликни ўрганишга бўлган имкониятлари кенгайтирилди.

Хусусан, **IT parkнинг** “Компьютер саводхонлиги” бепул ўқув курсига “Рақамли молиявий саводхонлик” ўқув модули киритилди. IT parkнинг 14 та IT марказлари орқали ўқув модулида **2 224** нафар тингловчилар ўз билимини оширди. Лойиҳа ToT (Training of trainers) техникаси асосида анъанавий ўқитиш ташкил қилинди.

Шунингдек, **VISA халқаро компанияси** билан “edutainment” технологиясидан фойдаланиб ишлаб чиқилган “Молия дунёси” (<https://financeworld.uz>) платформаси орқали фойдаланувчи масофавий тарзда банк ва унинг хизматлари тўғрисида тушунчалар, харажатларни бошқариш, жамғариш маданияти ва тадбиркорлик асосларини ўрганиш имкониятлари қаратилди.

Таълим муассасаларида таҳсил олувчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида билимларни етказиш ва кўникмаларни шакллантиришнинг рационал инструментлари танланди ва алоҳида ёндашув билан лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан,

“Кундалик” МЧЖ билан тузилган ҳамкорлик меморандуми доирасида 5-11-синф ўқувчиларининг мактаб фанларига интеграция қилинган “Мактабларда молиявий саводхонлик” ўқув дастурини **“eMaktab” платформасида** жойлаштирилиши бошланди. Шунингдек, ўқувчиларнинг молиявий саводхонлик бўйича билимларини синовдан ўтказиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш режалаштирилган;

ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасаларида молиявий таълимни ривожлантириш мақсадида “Молиявий саводхонлик асослари” ўқув кўлланмаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлигининг тавсияси билан 22 та ноиқтисодий олий ўқув юртларига махсус курс ёки дарс сифатида киритиш учун тақдим этилди;

шунингдек, ноиқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари талабаларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг **190** нафар талабалари волонтер-тренерлар сифатида тайёрланди ва улар томонидан ўтказилган **88 та** семинар-тренингларда **8 057 нафар** талабалар иштирок этди. Лойиҳада иштирок этган талаба-волонтерларни мукофотлаш механизми тадбирларини сифатли ўтказилишида ўзига хос мотивация бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий медиа (Finlit.uz веб-сайти, ижтимоий тармоқлар саҳифалари)да аҳолида тўғри молиявий хулқ-атворни шакллантириш бўйича креатив шаклдаги кенг кўламли тарғибот ишлари орқали қамров қарийб 3,5 млн тага, оммавий ахборот воситалари, хусусан, Даракчи газетасида мақолалар, Авторадио, Ориатдоно, Водий Садоси ҳамда 8 та ҳудудий радио каналларида таълим лойиҳалари ва радиовикторина, МУ5 ва Узрепорт телеканалининг тонгги дастурлари давомида молиявий саводхонлик рукни орқали қамров деярли 4,4 млнга етказилди.

6.3. Банк хизматлари истеъmolчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2023 йилда Банк хизматлари истеъmolчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати томонидан истеъmolчиларнинг банк хизматларидан фойдаланиш бўйича амалиётда дуч келаётган ҳамда Марказий банкка келиб тушаётган мурожаатларда кўп маротаба кўтарилаётган тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилди.

Хусусан, кредит қарздорлигини ўз вақтида тўлиқ тўлай олмаган қарздорларнинг қарз юкласини ошишини олдини олиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтариш қобилияти яхшиланишини таъминлаш мақсадида:

– қарздорларнинг кредитлар бўйича амалга оширган тўловлари мажбуриятларни қоплашга етарли бўлмаганда, тўловларни, биринчи навбатда, асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва фоиз тўловларига йўналтириш тартиби белгиланди;

– кредит бўйича қарздорликни ундириш ҳақида суд қарори чиқарилганда, фоизлар ва неустойка ҳисоблаш тўхтатилишини назарда тутувчи Фуқаролик кодексига қўшимчалар киритиш юзасидан Қонун лойиҳаси тайёрланди;

– гаровга қўяётган ёки кафил бўлаётган учинчи шахсларнинг кредит, гаров ёки кафиллик шартномаси бўйича келгусида дуч келиши мумкин бўлган **хатарлар тўғрисида** банк ходимлари томонидан тушунтириш берилиши лозимлиги белгиланди;

– банклар томонидан истеъmolчиларга **субординар қарзни омонат ёки омонатга тенглаштирилган қарз сифатида** таклиф этилиши тақиқланди.

Банк ходимлари томонидан фуқаролардан муддати ўтган кредит қарздорлигини ундириш жараёнида “инсофсиз амалиётлар” қўлланилишини чеклаш ҳамда кредит тўловлари тўланмаслиги оқибатлари тўғрисида нотўғри ёки чалғитувчи маълумотлар берилишини олдини олиш борасида хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилиб, жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарздорликларини ундиришда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида ҳисобот йилида тижорат банкларининг барча ҳудудлардаги **432 та** муассасасида кредит ва омонатлар шартлари тўғрисидаги ахборотларни истеъmolчиларга тўғри ва тўлиқ ошкор этилиши ҳамда банк карталари орқали амалга оширилаётган амалиётларда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.

Қоидабузарликка йўл қўйган **16 та тижорат банкига** нисбатан жами **542,0** млн сўм жарима чораси қўлланилди.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижасида истеъмолчиларга кредит ва депозит маҳсулотлари шартлари бўйича тўлиқ маълумот бериш тизими жорий этилди ҳамда банк муассасаларида банк карталар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш борасидаги қоидабузарликлар сони 2022 йилга нисбатан камайди.

Шунингдек, кредит ташкилотларида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича тематик ўрганиш ўтказилган бўлиб, ўтказилган тематик ўрганиш натижаларига асосан **6 251 та** ҳолатда қонунчилик ва шартномага зид равишда мижозлардан ундирилган жами **8,6** млрд сўмлик банк комиссияларини қайтарилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот йили давомида молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига доир **1 552 та** мурожаат кўриб чиқилди. Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш жараёнида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилган **112** нафар истеъмолчиларга жами **17,1** млрд сўм миқдорда молиявий наф келтирилди.

Молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида илғор ва самарали халқаро тажрибаларни қўллаб бориш ҳамда ривожланган мамлакатларнинг ушбу соҳага масъул бўлган регуляторлари билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Марказий банкни **FinCoNet** ташкилотига аъзо бўлиш ишлари яқунланди.

Ҳозирги кунда, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаси бўйича рискка асосланган назорат тизимини йўлга қўйиш истиқболлари ўрганилмоқда.

6.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

2023 йилда Марказий банкда мурожаатлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари доирасида таъминланди.

Марказий банкка республикамизнинг барча ҳудудларидаги жисмоний ва юридик шахслардан банк фаолияти бўйича турли мазмун ва шаклда келиб тушган мурожаатлар белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилиб, тегишли муносабат билдириб борилмоқда.


Мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш билан бирга, банк хизматларидан фойдаланишда юзага келаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш – Марказий банкнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва мобил илова дастури орқали жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатларни электрон шаклда ҳамда “Ишонч телефони” орқали, шунингдек, сайёр қабуллар ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш таъминланаётганлиги, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатлар таҳлилига кўра, аниқланган тизимли муаммо ва камчиликлар асосида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали кредит ташкилотларининг фаолиятига қўйилган талаблар такомиллаштириб борилмоқда.

6.4.1-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони



Манба: Марказий банк маълумотлари

Ҳисобот йилида аҳоли кўтарган масалаларни жойида ўрганиб ҳал қилиш мақсадида олис ва чекка ҳамда аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда Марказий банк раҳбарияти томонидан ташкил этилган сайёр қабулларда мурожаатчилар муаммоларини жойида, холис ва тезкор ҳал этишга ҳамда қабулларнинг натижадорлиги ва аҳолининг розилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Марказий банк раиси ўринбосарлари томонидан ҳудудларда ташкил этилган сайёр қабулларда 308 нафар фуқаро ва юридик шахслардан мурожаатлар келиб тушди ҳамда унинг 86 фоизи ижобий ҳал этилиб (33,4 млрд сўм миқдорида кредитлар ажратилган), 14 фоизига белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.

2023 йил мобайнида Марказий банк аппаратида жами 4 983 та (2022 йилда 5 302 та) мурожаат келиб тушган бўлиб, унинг 21 фоизини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 52 фоизини Марказий банкка тўғридан-тўғри ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 5 фоизини Марказий банк электрон почтаси, 22 фоизини Марказий банк раҳбарияти ва масъул ходимларининг шахсий ва сайёр қабуллари ҳамда “Ишонч телефони” орқали билдирилган оғзаки мурожаатлар ташкил этди.

Ушбу мурожаатларнинг 2 176 таси қаноатлантирилди, 2 688 тасига тушунтириш берилди, 110 таси тегишлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга юборилди ҳамда 9 та мурожаат аноним деб топилди.

6.4.2-чизма

Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларда кўтарилган масалалар таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, йўналишлар бўйича мурожаатларнинг 57 фоизи кредит масалаларига, 14 фоизи банк ҳисоб рақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, 7 фоизи банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари, 5 фоизи банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар, 5 фоизи банк карталари, терминаллар ва банкоматлар ҳамда 12 фоизи бошқа масалалар ҳиссасига тўғри келади.

Мурожаатлар сонининг камайиш динамикаси банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда ноқулайликлар ва қийинчиликлар туғдириб келган кўплаб муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Бунда, кредитлаш жараёнларини босқичма-босқич бозор механизмлари асосида ташкил этилаётганлиги, мазкур йўналишда мурожаатлар сонининг камайишига ва кредитлар самарадорлигининг янада ортишига хизмат қилади.


VII. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

2023 йилда хорижий ҳамкорлар билан макроиктисодий ҳолат ва банк тизими таҳлили, банк назорати, тўлов тизими, киберхавфсизлик каби Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларини такомиллаштириш юзасидан халқаро алоқалар ва ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк вакиллари иштирокида халқаро молия ташкилотлари, хорижий марказий банклар ва бошқа чет эл ташкилотлари билан жами **314** тадан (2022 йилга нисбатан **47 фоизга кўпайган**) ортиқ турли даражадаги учрашувлар ўтказилди. Бунда, учрашувларнинг **71** фоизи офлайн (юзма-юз) тарзда ташкил этилди.

7.1-чизма

2023 йилда ўтказилган учрашувлар



Манба: Марказий банк маълумотлари

7.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий Марказий банклар билан ҳамкорлик

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан халқаро молия институтларининг жами **22** та (2022 йилга нисбатан **30** фоизга кўпайган) техник кўмак миссиялари жалб этилди.

Хусусан, ХВЖ макропруденциал ҳамда пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш, ташқи сектор статистикасини такомиллаштириш йўналишларидаги жами **6** та техник кўмакдан фойдаланилди.

2023 йилда Марказий банкка халқаро молия институтларидан жалб этилган техник кўмак миссиялари



Манба: Марказий банк маълумотлари

2023 йилнинг июль ойида ХВЖ бошқарувчи директори Кристилина Георгиева бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи давомида Марказий банк вакиллари билан минтақа иқтисодиётида кузатилаётган тенденциялар ҳақида бир қатор учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди.

Шунингдек, Марказий банкда ХВЖ бошқарувчи директори ёш ходимлар ҳамда иқтисодиёт йўналишида таҳсил олаётган Марказий банк стипендиатлари билан очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўзлари учун қизиқ бўлган саволларга жавоб олишди.

ХВЖ ва Жаҳон банкининг баҳорги ва йиллик анжуманларида Марказий банк вакиллари Ҳукумат делегацияси таркибида ХВЖ ва Жаҳон банки раҳбарлари, шунингдек, бир қатор хорижий компания ва банклар билан учрашув ва музокаралар олиб борилди. Анжуманларда Марказий банк вакиллари глобал иқтисодий ривожланиш истиқболлари, жумладан юқори инфляция шароитидаги мураккабликлар, юқори қарз даражаси ва қатъий глобал молиявий шароитлар каби масалалар юзасидан муҳокамаларда иштирок этдилар.

2023 йил давомида Жаҳон банки гуруҳи билан банкларни санация қилиш, банклардаги омонатларни кафолатлаш, рискка асосланган назорат тизимини жорий қилиш, халқаро резервларни бошқариш, банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларини бошқариш каби қатор муҳим йўналишларда ҳамкорлик давом эттирилиб жами 9 та техник ёрдам жалб қилинди.

Ҳисобот йилида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳам ҳамкорлик давом эттирилиб, пул-кредит сиёсати коммуникациясини, банклараро пул ва РЕПО бозорини ҳамда ликвидликни бошқариш операцияларини янада такомиллаштириш йўналишларида техник ёрдам миссиялари жалб қилинди.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий саводхонлик, Халқаро молия корпорацияси билан Ўзбекистонда факторинг, кўчар активлар асосида молиялаштириш ҳамда Ислом тараққиёт банки билан Ўзбекистонда банклар томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тизимини жорий қилиш йўналишларида ҳамкорлик олиб борилди.

2023 йилда Грузия, Қозоғистон, Швейцария, Россия, Корея, Арманистон, Португалия, Туркия ва Венгрия марказий банкларининг ташқи сектор статистикаси, рискка асосланган банк назорати, молиявий назорат, ички аудит, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини жорий этиш, тўлов тизимларини ривожлантириш ва назорат қилиш, молиявий барқарорлик, юқори самарали назорат технологияларини (SupTech), молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишларида тажрибаларини ўрганиш мақсадида Марказий банк ходимларининг жами 12 та хорижий сафарлари уюштирилди.

Шунингдек, Германия Бундесбанки билан молиявий барқарорлик, Туркия Марказий банки билан инсон ресурсларини бошқариш ҳамда коммуникацион сиёсат йўналишларида, онлайн равишда, тажриба алмашинувлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, Швейцария, Россия, Грузия марказий банкларининг малакали мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида макроиктисодий моделлаштириш, пул-кредит, ички аудит, SupTech ҳамда комплаенс-назорат йўналишларида жами 6 та кўшма семинарлар ташкил этилди.

2023 йилда Қирғизистон, Арманистон, Қозоғистон, Россия, Туркия, АҚШ, Корея ва Япония регуляторлари билан икки томонлама алоқаларни кенгайтириш мақсадида раҳбарият даражасида турли халқаро анжуманларда иштирок этиш орқали жами 16 та хорижий ташрифлар амалга оширилди. Амалга оширилган ташрифларда пул-кредит сиёсати, молиявий барқарорлик, рақамли валюта, яшил молиялаштириш, киберхавфсизлик ҳамда молиявий оммабоплик мавзулари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат делегациялари таркибида Марказий банк раҳбарияти Сингапур, Эрон, Қатар, АҚШ ва Россия регуляторлари билан учрашувларда қатнашди.

Италия ва Австрия Марказий банклари билан янги алоқалар ўрнатилди, шунингдек, Монголия Марказий банки билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида англашув меморандуми имзоланди.

7.2. Халқаро рейтинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик

2023 йилда халқаро рейтинг агентликлари (Fitch Ratings, Moody's Investors Service, S&P Global Ratings) билан учрашувларда мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати, ташқи сектор статистикаси, пул-кредит сиёсатининг йўналишлари ҳамда банк тизимининг жорий ривожланиш ҳолати, хусусан, банк тизимининг молиявий кўрсаткичлари ва кузатилаётган тенденциялар, давлат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, муҳокамалар натижалари, ушбу нуфузли агентликлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини баҳолаш жараёнларида ижобий аҳамият касб этди.

“MasterCard Europe” компанияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми доирасида мамлакатда нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш борасида қўшма таҳлиллар ўтказилди, шунингдек, киберхавфсизлик, тўлов инфратузилмаларини ривожлантириш, молиявий оммабоплик, молиявий саводхонлик каби йўналишларида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш борасида тегишли “йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

2023 йил давомида давлатлараро ва халқаро интеграцион бирлашмалар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни доирасида ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти, ҳукуматлараро ва идоралараро комиссиялар (қўмиталар) фаолияти доирасида тузилган ишчи гуруҳлар аъзоси сифатида Марказий банк вакиллари фаол иштирок этишди.

Хусусан, Женева шаҳрида (Швейцария) бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилишларида Марказий банк раҳбарияти иштирок этиб, ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар билан музокаралар давомида амалдаги қонунчиликка кўра, банк хизматлари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Молия вазирлари ва Марказий банклари раҳбарлари иштирокида ўтказилган онлайн йиғилишда томонлар иқтисодий ўсиш стратегиялари ҳамда рақамли технологиялардан фойланган ҳолда молиявий оммабопликни рағбатлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Покистон, Россия ҳамда Беларусь Республикаси билан бўлиб ўтган ҳукуматлараро кўшма комиссияларининг даврий йиғилишларида Марказий банк раҳбарияти даражасида иштирок этилди.

Молиявий оммабоплик альянси (AFI) кўмагида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар экспертлари билан биргаликда молиявий оммабоплик, молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли хизматларни ривожлантиришга қаратилган ўқув тренинглари (семинар, тажриба алмашиш, вебинарлар) бўйича тадбирлар олиб борилди.

Марказий банк ходимлари Манила шаҳрида (Филиппин) МОА сининг йиллик умумий йиғилиши ва Глобал сиёсий форумида иштирок этишди ва Марказий банк томонидан молиявий оммабоплик йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тақдимотлар қилинди.

2023 йил 25 апрель куни Марказий банк ходимлари Марказий банклар ва назорат органлари молиявий тизимининг экологик тозалигини ошириш ҳамжамиятининг (NGFS) Ялпи мажлисида ҳамжамиятнинг йиллик фаолияти ҳамда мазкур ҳамжамиятга аъзо бўлиш истагини билдирган иштирокчи давлатлар масаласи муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида Марказий банк томонидан Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Хитой ҳамда Исроил давлатларининг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида етакчи компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ушбу ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз банк тизимида киберхавфсизлик соҳасини ривожлантириш юзасидан ўзаро тажриба ва билим алмашиш йўлга қўйилмоқда.

VIII. ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ИЧКИ НАЗОРАТ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЛАР БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

8.1. Ташкилий тузилма

Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси марказий аппарати – **28 та** департамент, **4 та** хизмат ва **2 та** бўлим, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида **14 та** ҳудудий бош бошқарма ҳамда тасарруфдаги **5 та** корхонадан ташкил топган.

2024 йил 1 январь ҳолатига Марказий банкнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаларида жами **2 152** нафар ишчи ва мутахассислар фаолият юритмоқда.

8.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш

2023 йилда ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантиришда асосий эътибор ишга қабул қилиш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш билан бирга, иш фаолиятини давом эттираётган ходимларни ўқитиш орқали малакасини доимий ошириб боришга қаратилди.

Хусусан, банк фаолияти соҳасида касбий малака ва билимлар бўйича тармоқ кенгаши томонидан 2023 йилда жами **4 та касбий фаолият турлари** ишлаб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда давлат ва рус тилларида mehnat.profstandart.uz сайтига жойлаштирилди.

Марказий банк тизимида мавжуд **бўш иш ўринларини** бутлаш мақсадида етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик давом эттирилиб, бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар Марказий банкнинг веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларида ёритиб борилмоқда.

Ишга қабул қилиш жараёни очик танлов асосида ташкил этилиб, ҳужжатларни топшириш, тест синовларининг **телеграм-бот** орқали хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш босқичи ҳамма учун бир вақтда Google Meet платформаси ёрдамида онлайн шаклда амалга оширилади.

Сухбат жараёни Марказий банкнинг тажрибали мутахассисларидан иборат бўлган эксперт гуруҳи томонидан ўтказилиб, унда холислик, шаффофлик ҳамда барча номзодларга тенг имкониятларни яратиб бериш тамойили асосида ташкил этилди.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари Марказий банкнинг Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти мутахассислари томонидан мунтазам мониторинг қилинади.

2023 йилда Марказий банк ва унинг ҳудудий бош бошқармаларига ишга кириш учун телеграм-бот орқали 6 291 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1 828 нафар номзод тест синови босқичига тавсия этилди ҳамда тегишли босқичлардан муваффақиятли ўтган 328 нафари билан суҳбат ўказилди.

Натижада, Марказий банк бўйича жами **134** нафар, хусусан, марказий аппарат бўйича **78** нафар ҳамда ҳудудий бош бошқармалар бўйича **56** нафар ходим ишга қабул қилинди.

HR йўналишидаги халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида малакали мутахассисларни бириктирган ҳолда Марказий банкка янги ишга қабул қилинган ёш ходимларни иш ўринларига тезроқ мослашиб жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантиришга шароит яратилди.

Инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни салоҳиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида 2023 йилда 49 та раҳбарлик лавозимлари учун 97 нафар кадрлардан иборат захира таркиблари тасдиқланди. Шундан, 2 нафари марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбари, 2 нафари ҳудудий бош бошқарма бошлиғи лавозимларига тайинланди ҳамда захира таркибидаги 8 нафар номзод марказий аппаратда юқори лавозимларга ўтказилди.

Захира таркибидаги ходимларнинг 2 нафари Буюк Британия ва АҚШ университетлари магистратура босқичида таълим олиб қайтди, 1 нафар номзод Буюк Британия университети магистратура босқичида ва яна 2 нафар номзод Банк-молия академиясида таҳсил олмоқда.

Иқтидорли ёш ходимларни ишга жалб этиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили **Марказий банкнинг махсус стипендияси бўйича танлов** ўтказилади.

Ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент молия институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Инха университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг банк иши, иқтисодиёт, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича таълим олаётган **20** нафар энг иқтидорли талабаси танлаб олинди.

Улар учун Марказий банкда бўлиб ўтаётган семинар ва амалий тадбирларда иштирок этиш, Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларида ҳар кунлик амалий малака ўташлари учун шароитлар яратилди, шунингдек ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилди.

8.3. Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар

Марказий банк фаолиятининг асосий мақсадлари бўлган нархлар, банклар ва тўлов тизимлари ишлашининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган стратегик вазифаларни амалга оширишда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори салоҳиятли ходимларнинг роли муҳим ҳисобланади.

Ушбу мақсадда 2023 йилда Марказий банк тизимига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларни салоҳиятини ва амалий кўникмаларини ошириб боришга йўналтирилган халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув дастурларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, 2023 йилда чет эл марказий банклари ва халқаро молия институтлари томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш, макропруденциал сиёсат, пул-кредит ва макроиқтисодий сиёсат, яшил иқтисодиёт ва молиявий оммабоплик ҳамда марказий банк фаолиятига оид бошқа йўналишларда ташкил этилган 116 та ўқув тадбирларида 185 нафардан ортиқ ходимлар билим ва амалий кўникмаларини оширди.

Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари, тижорат банклари, микромолия ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун Марказий банк таркибий бўлинмалари томонидан 55 та, хорижий ва маҳаллий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 46 та ўқув тадбирлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда 2 000 дан ортиқ ходимлар иштирок этди.

Мазкур ўқув тадбирларини ташкил этиш учун халқаро молия институтлари, хорижий марказий банклар ҳамда IT компаниялар жалб этилди.

2023 йил давомида 8 нафар ходим Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида, 3 нафар – “IT-лойиҳалар” курсларида, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллаш бўйича 10 нафар – Марказий банкда ва компаенс назорат йўналишида 2 нафар ходим Туркияда малака оширишди.

Марказий банк тизимида илмий ва амалий кўникмаларга эга ходимлар салмоғини ошириш ҳамда истиқболли кадрларни тайёрлаб бориш мақсадида тизимдаги иш тажрибасига эга ёш ходимларнинг хорижий ва маҳаллий олий таълим муассасаларининг магистратура ва докторантура йўналишларида таҳсил олиш имкониятлари ҳам кенгайтириб борилмоқда.

Хусусан, Марказий банкнинг жами **10** нафар ходими чет эл таълим муассасаларида, Erasmus Mundus қўшма магистратура стипендияси доирасида **1** нафар, Япониянинг Сиёсий фанлар миллий институтида (GRIPS) **1** нафар, Токио университетида **1** нафар, Рицумейкан университетида **1** нафар, Хитотсубаши университетида **1** нафар, Цукуба университетида **1** нафар ҳамда **4** нафар ходим Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг стипендиясига сазовор бўлиб, ҳозирда Буюк Британиянинг Сассекс, АҚШнинг Пенсильвания давлат университети ва Жанубий Флорида университети ҳамда Германиянинг Бонн университетларида магистратура йўналиши бўйича таълим олмоқда.

Шунингдек, Япония Ёкогама давлат университетида **1** нафар ва Япония сиёсий фанлар миллий институтида (GRIPS) **1** нафар ходим докторантура йўналишини давом эттирмоқда.

2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банкда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган **32** нафар, Банк-молия академиясини тамомлаган **139** нафар ҳамда чет элдаги олий таълим муассасаларининг магистрлик йўналишларида таҳсил олган **89** нафар ходим фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, ходимларнинг нуфузли онлайн платформаларнинг ўқув курсларида иштирок этишлари, мустақил таълим олишлари ва халқаро сертификатлар олиш имкониятлари кенгайтириб борилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда **Халқаро ҳисоб-китоблар банки Молиявий барқарорлик институтининг FSI Connect** платформасида банк назорати бўйича Марказий банкнинг **25** нафар ходимлари касбий билим даражасини оширишга қаратилган ўқув курсларида иштирок этди.

Ходимларга халқаро даражада тан олинган сертификатларга эга бўлиш имкониятларини яратиш мақсадида Халқаро даражадаги молиявий таҳлилчи сертификатини тақдим этувчи институт (Chartered Financial Analyst institute) билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ушбу ҳамкорлик доирасида Марказий банкнинг **16** нафар ходимига чегирма асосида халқаро имтиҳонни топшириш имконияти яратилиб, **7** нафар ходим CFA халқаро сертификатининг биринчи босқич имтиҳонида иштирок этишди.

Марказий банк тизимида **166** нафар ходим **Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида** давлат тилида иш юритиш асослари бўйича назарий ва амалий билимларини ошириш юзасидан ўқув курсларида иштирок этиб, тегишли сертификатларга эга бўлди.

8.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

2023 йилда Марказий банк томонидан мамлакат пул-кредит статистикаси қамрови тўлиқлигини таъминлаш борасидаги ишлар якунига етказилиб, Ўзбекистон Республикаси бўйича “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” ҳамда “Молиявий ташкилотлар (*молия тизими*) шарҳ”ларини юритиш амалиёти йўлга қўйилди.

“Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” республикамізда фаолият юритаётган суғурта ва лизинг ташкилотлари, тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторлари, фонд ва валюта биржалари, шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди каби банк бўлмаган молиявий ташкилотларнинг 2019-2023 йиллар оралиғидаги чорақлик молиявий ҳисоботлари ХВЖ меъёрлари асосида шакллантирилди.

Ушбу жараёнда ХВЖ Статистика департаменти экспертлари билан яқин ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилиб, якунда уларнинг ижобий хулосаси олинди.

Мазкур янги “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи” ва “Молиявий ташкилотлар (молия тизими) шарҳи”ларини 2024 йилнинг I чорагидан бошлаб Марказий банкнинг расмий веб-сайтида, Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида, шунингдек, ХВЖнинг “кенгайтирилган Маълумотларни Тарқатишнинг Умумий Тизими” ҳамда “Халқаро Молиявий Статистика” платформаларида даврий равишда эълон қилиниши мўлжалланмоқда.

2023 йилда Марказий банк томонидан ХВЖ методологияси асосида Ўзбекистон Республикасининг “Баланс ёндашуви матрицаси (Balance Sheet Approach Matrix)”ни шакллантириш амалиёти жорий қилинди. Мазкур таҳлилий инструмент ўзида иқтисодиёт секторларининг ўзаро боғлиқлиги даражасини акс эттириб, 2019-2023 йиллар бўйича маълумотларни қамраб олади.

Баланс ёндашуви матрицасини шакллантиришда пул-кредит ва ташқи сектор статистикаси маълумотларидан фойдаланиб ҳукумат, номолиявий ташкилотлар ҳамда уй хўжаликлари секторларига тегишли молиявий актив ва мажбуриятлар позициялари ҳисобланади. Мазкур матрица ёрдамида иқтисодиёт секторлари ўртасидаги валюта ва капитал таркиби бўйича номутаносибликлар ҳамда секторал тўлов қобилияти баҳоланади.

Марказий банк томонидан ХВЖ стандартлари асосида пул-кредит статистикаси қамровини тарихий даврлар билан бойитиш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилмоқда.

Хусусан, Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи, Депозит ташкилотлари шарҳи ҳамда Пул агрегатларининг 2006-2013 йиллар бўйича ойлик кўрсаткичлар ҳисобланиб, уларнинг сифатини ошириш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳисобот йилида халқаро молия бозорида маълумотларнинг етакчи провайдери ҳисобланган Bloomberg платформасида Марказий банк саҳифасини такомиллаштириш юзасидан ишлар давом эттирилди. Жумладан, Bloomberg компанияси экспертлари билан ҳамкорликда Марказий банк саҳифасида пул-кредит ва ташқи сектор статистикасининг тегишли статистик маълумотларини реал вақт режимида ҳамда автоматик равишда жойлаштириб бориш йўлга қўйилди.

8.5. Марказий банк фаолиятидаги таҳлил ва тадқиқотлар

Глобал иқтисодиёт ўзгарувчан янги анъанавий ноаниқликлар шароитида вужудга келаётган иқтисодий жараёнларнинг таъсирини баҳолашда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнларида кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадда Марказий банк томонидан динамик стохастик умумий мувозанат модели (DSGE) ишлаб чиқилиб, мазкур модел ёрдамида нафақат прогнозлаштириш ва таҳлил, балки иқтисодий жараёнларни жорий ҳолатдан келиб чиқиб, турли сценарийларни моделлаштириш ҳамда ундан амалий тадқиқотларда фойдаланиш йўлга қўйилди.

Хусусан, DSGE модели асосида “**Энергия соҳасини эркинлаштирилишининг энергия ишлаб чиқариш таклифига таъсири**” мавзусида тадқиқот иши ўтказилиб, таҳлилларга кўра, энергия соҳасини эркинлаштириш борасидаги ислохотлар улгуржи ва чакана бозорда рақобатга асосланган модел асосида амалга оширилганда энергия соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлиши аниқланди.

Яширин иқтисодиётни макроиқтисодий кўрсаткичлар, давлат даромадлари ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатиши ҳамда меҳнат бозорида номутаносибликларни юзага келтиришидан келиб чиқиб, яширин иқтисодиёт ҳажмини баҳолаш марказий банклар учун муҳим ҳисобланади.

Бу йўналишда, Ўзбекистонда **яширин иқтисодиёт кўлами** халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган методологиялар асосида даврий баҳоланиб, таҳлил қилиниб борилмоқда. Жумладан, 2023 йил учун ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажмининг ЯИМга нисбати 2022 йилдаги кўрсаткичга солиштирганда **0,5** фоиз бандга қисқаргани кузатилди.

Бундан ташқари, савдо ҳамкор давлатларнинг экспорт ва импорт операциялари кўлами “**акс статистикаси**” (mirror statistics) усулида ўзаро таққосланиб, Ўзбекистондан амалга оширилган экспорт ҳажми савдо ҳамкор давлатларнинг импорт ҳажми билан таққосланган ҳолда баҳоланди ва юзага келган фарқларнинг асосий омиллари таҳлил қилинди.

Банклар ўртасида рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда йирик технологик корхоналарнинг (BigTech) ривожланиши тижорат банкларини янги бизнес моделларига, жумладан, рақамли банк хизматларини жорий этишга ва номолиявий хизматлар кўрсатувчи корхоналар капиталида иштирок этишга ундамоқда.

Ушбу экотизимлар амалиёти жорий этилганлигига узоқ муддат бўлмаганлиги сабабли уларнинг фаолияти ва ривожланиши билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган рисклар, қонунчилик асослари ва тартибга солиш механизмлари кам сонли тадқиқотларда ўрганилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, истеъмолчиларга молиявий хизматлар билан бир қаторда номолиявий маҳсулот ва хизматларни тақдим этадиган экотизимлар **фаолияти** кўламнинг ортиши шароитида **молиявий экотизимлар ва уларнинг ривожланиши билан юзага келиши мумкин бўлган рискларни** таҳлил қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳисобот йилида молиявий воситачиликнинг иқтисодий ўсишдаги ўрни ва сўнгги йилларда Ўзбекистонда молиявий воситачилик кўрсаткичларидаги тенденциялар ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида “**Молиявий воситачиликнинг иқтисодий ўсишга таъсир этиш механизми ва самарадорлиги таҳлили**” мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот хулосаларига кўра, 2017-2022 йилларда Ўзбекистонда молиявий воситачилик кўрсаткичлари нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлиши билан бирга, республикамизда банклар воситачилигидаги самарадорликнинг ошганлиги кузатилган.

Шунингдек, ташқи қарз юкининг ошиб бориши билан бир қаторда, молиявий ресурсларнинг қимматлашуви шароитида солиқ тушумлари самарадорлигини баҳолаш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ички ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда баланслашган солиқ-бюджет сиёсатини юритиш имкониятларини ўрганиш, солиқ тушумларининг потенциал ва ҳақиқий даражалари ўртасидаги фарқни аниқлаш мақсадида “**Солиқ тушумлари динамикаси ва унга таъсир қилувчи омиллар таҳлили**” мавзусида эмпирик тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот хулосасига кўра, мамлакатимизда асосий солиқ турлари (даромад/фойда солиғи ҳамда ҚҚС), шунингдек, божхона тўловлари бўйича тушум ўз потенциалидан айрим ривожланаётган мамлакатларга нисбатан паст даражада шаклланаётганлиги, бу эса, ўз навбатида, давлат томонидан иқтисодиёт субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилётган турли имтиёзлар таъсирида юзага келаётганлиги қайд этилган.

Ривожланаётган давлатлар халқаро молия институтларининг узок муддатли, паст фоизли қарз маблағларидан иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, давлат инвестицион дастурларини амалга ошириш ҳамда давлат бюджети дефицитини молиялаштиришда кенг фойдаланмоқда. Мазкур жараёнларнинг инфляцион босимларга таъсирини баҳолаш мақсадида **“Давлат ташқи қарзи муддатлари ва инфляция даражаси ўртасидаги боғлиқлик”** мавзусида тадқиқот иши ўтказилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, давлат умумий қарзининг ЯИМга нисбати 30 фоизгача бўлган интервалда шаклланиши инфляцияни ўртача 7,8 фоиз, 30-60 фоиз интервалида – ўртача 8,2 фоиз, 60-90 фоиз интервалида – ўртача 9,2 фоиз ҳамда 90 фоиздан ошиши – ўртача 22,1 фоиз даражасида шаклланишига олиб келиши аниқланди.

Долларлашув даражасининг табиий даражадан юқори бўлиши иқтисодиётда номутаносибликларни келтириб чиқаришини инобатга олган ҳолда, **Ўзбекистон учун молиявий долларлашувнинг табиий даражасини** баҳолаш бўйича тадқиқот иши амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2018-2023 йиллар учун ҳисобланган умумий долларлашувнинг табиий даражаси **24,8** фоизга, 2023 йил якуни бўйича эса **26** фоизга тенг бўлди. Шунингдек, муддатли депозитларнинг табиий долларлашув даражаси мазкур давр учун мос равишда **21,4** ва **21,6** фоизни ташкил этди.

Мувозанатли реал фоиз ставкасини баҳолаш марказий банклар томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсати позициясини аниқлашга хизмат қилади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун **мувозанатли реал фоиз ставкаси** баҳоланиб, бунда 2023 йилнинг I чорагида иқтисодиётда мувозанатли реал фоиз ставкаси **2,9** фоизни, реал фоиз ставкаси 4,3 фоизни ташкил этиб, 1,4 фоиз бандлик ижобий тафовут ҳисобига иқтисодиётда **“нисбатан қаттиқ”** пул-кредит шароитлари таъминланган.

Иқтисодий ўзгаришлар даврида самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун иқтисодиётнинг жорий ҳолати бўйича тезкор ва аниқ маълумотлар муҳим ҳисобланиб, бу борада Google Trends маълумотларидан фойдаланиб, Ўзбекистон **ЯИМ** динамикасини муқобил кўрсаткичлар

орқали баҳолаш имкониятлари кўриб чиқилди. Тадқиқот натижаларига кўра, саноат, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа ҳамда бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасидаги расмий ва муқобил статистик маълумотлар ўртасида юқори боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида, иқтисодий фаолликни расмий статистик кўрсаткичлар эълон қилингунига қадар баҳолашга ва таҳлил қилишга имкон беради.

Шунингдек, аксарият прогнозлаш моделлари бир хил даврийликда бўлган маълумотларни талаб этиб, аммо амалда расмий статистик кўрсаткичларнинг тармоқлар кесимида эълон қилиниши муддатлари ва даврийлигида (ойлик, чораклик) фарқлар кузатилади.

Турли хил даврийликдаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, қисқа муддатли прогнозлаштириш имкониятини берувчи аралаш частотали MIDAS модели асосида ЯИМ динамикасини баҳолаш амалиёти йўлга қўйилди. 2023 йилнинг октябрь оyi маълумотлари асосида 2023 йил учун ЯИМнинг реал ўсиши 5,6-6,0 фоиз даражасида прогноз қилинди ва ушбу прогнознинг юқори чегараси Статистика агентлиги томонидан эълон қилинган 6,0 фоизлик иқтисодий ўсишга мос келди.

Алмашув курсининг ўзгариши нархлар даражасига бевосита, чет элдан импорт қилинадиган истеъмол маҳсулотлари нархлари ҳамда билвосита, ички ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган импорт хомашёлари, технология ва эҳтиёт қисмлари нархлари орқали, шунингдек, алмашув курсининг ўзгариши бўйича кутилмалар каналлари орқали таъсир қилади.

Ушбу **алмашув курси ўзгаришининг базавий инфляцияга таъсирини** миқдорий баҳолаш мақсадида алмашув курсининг инфляция даражасига таъсирлари ўрганилди. Мазкур баҳолаш натижаларига кўра, алмашув курсининг 1 фоизга қадрсизланиши дастлабки уч ойда базавий инфляцияни 0,11 фоиз бандга, узоқ муддатда 0,17 фоиз бандга ошириши аниқланди.

ARIMA моделининг иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш натижалари барқарорлик хусусиятига эга бўлиб, кўп жихатдан мураккаб кўринишга эга тизимли моделлардан ҳам яхшироқ натижаларни тақдим этади.

ARIMA модели асосида базавий инфляция даражасини қисқа муддатли прогноз қилишда умумий кўрсаткич ёки унинг таркибий гуруҳлари кесимида прогнозлашнинг самарадорлиги ўрганилди. Ўрганиш натижалари базавий инфляцияни 58 та гуруҳга бўлиш орқали олинган прогнозларнинг хатолик даражаси умумий кўрсаткич ва умумий кўрсаткичнинг учта асосий гуруҳларга бўлган ҳолда ҳисобланган прогнозларнинг хатолик даражасига нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатди.

8.6. Ички аудит ва комплаенс-назорат фаолияти

2023 йилда ички назорат тизими самарадорлигини ошириш бўйича вазифалардан келиб чиқиб, Марказий банкда ички аудит ва коррупцияга қарши комплаенс-назоратни такомиллаштириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, **ички аудит йўналишидаги** ишларни ташкил этишда асосий эътибор халқаро тажриба асосида Марказий банк фаолиятидаги **рискларни бошқариш тизими** ҳамда **рискка асосланган ички аудитни жорий қилишга** қаратилди.

Рискларни бошқариш тизими ташкилотга юклатилган вазифалар ижроси билан боғлиқ иш жараёнларининг (*бизнес-жараёнлар*) самарали ва узлуксиз бажарилишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган рискларни (*ноаниқликлар, муаммоли масалалар, тизимли хато ва камчиликлар*) барвақт аниқлаш, рискларни юзага келиш эҳтимоли ва таъсир даражасини баҳолаш ҳамда ушбу рискларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Рискка асосланган ички аудит доирасида эса, аудит тадбирларини ўтказиш орқали рискларни камайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар самарадорлиги баҳоланади, уларнинг етарлилиги ҳамда ижроси ҳолати ўрганилади. Зарур ҳолатларда рисклар қайта баҳоланади ҳамда уларни бошқаришни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериб борилади.

Марказий банкда шу пайтгача қўлланиб келинган ички аудит ёндашуви асосан Марказий банкда молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги, активлар бутлиги ҳамда қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатларига риоя этилиши масалаларини ўрганишга қаратилган.

Ҳисобот йилида Марказий банкда рискларни бошқариш тизими ҳамда рискка асосланган ички аудитни жорий қилиш бўйича ишларни жадаллаштириш мақсадида ХВЖнинг “Марказий банкда рискка асосланган ички аудит асосларини шакллантириш” бўйича навбатдаги техник кўмаги жалб қилинди.

ХВЖ техник кўмак миссияси томонидан ХВЖ тавсияларига мувофиқ Марказий банкда рискка асосланган ички аудитни жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати кўриб чиқилди ҳамда Марказий банкнинг қатор таркибий бўлинмаларидаги рискларни бошқариш бўйича амалиётлар муҳокама қилинди.

Техник кўмак миссияси ташрифи якуни бўйича Марказий банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўрта истиқболда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда унинг асосида **Марказий банкда 2024 йилда рискка асосланган ички аудитни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси** ишлаб чиқилди.


Шу билан бирга, Марказий банк тизимида 2023 йилда ички аудитни ташкил этиш режасига мувофиқ, марказий аппарат таркибий бўлинмалари, тасарруфдаги корхоналар ва ҳудудий бош бошқармаларда ички аудит тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, 2021 йилда Марказий банкнинг барча 14 та ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги 4 та корхоналари ички аудитдан ўтказилган бўлса, Марказий банк тизимидаги барча аудит объектларини қамраб олувчи 3 йиллик аудит цикли доирасида 2022 йилдан бошлаб ички аудит қамрови кенгайтирилиб, Марказий банк марказий аппаратидаги таркибий бўлинмаларда ҳам аудит тадбирларини ўтказиш амалиёти жорий қилинди.

Ўз навбатида, 2023 йилда 6 та ҳудудий бош бошқармалар, 4 та тасарруфдаги корхоналар ҳамда 8 та марказий аппарат таркибий бўлинмалари ички аудитдан ўтказилди.

8.6.1-чизма

2021-2023 йилларда Марказий банк тизимида ўтказилган ички аудит тадбирлари динамикаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Марказий банк тизимида 3 йиллик рискка асосланган аудит циклининг жорий қилиниши аудит тадбирларининг мақсадлилигини таъминлаш билан бир қаторда, ички аудит хизмати ресурсларидан янада самарали фойдаланилишига хизмат қилмоқда.


Ҳисобот йили давомида Марказий банк тизимида **коррупциянинг олдини олиш йўналишида** ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Марказий банкка юкланган барча вазифалар бўйича **коррупциявий хавф-хатарлар** таҳлил қилинди. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва хавф-хатарларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда.

Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги корхоналари ходимларининг манфаатлар тўқнашуви бўйича йиллик декларациялари таҳлил қилиниб, Марказий банк тизими бўйича **“Манфаатлар тўқнашуви реестри”** шакллантирилди ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Марказий банк томонидан 2023 йилда жами **182 та** тендер ва танлов асосида ҳамда тўғридан-тўғри хўжалик шартномалари тузилган бўлиб, мазкур шартномалар бўйича харидларни амалга оширишда иштирокчиларда аффилианглик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларини олдини олишга қаратилган ўрганишлар ўтказилди.

8.6.2-чизма

2022-2023 йилларда Марказий банк тизимида ўтказилган коррупцияга қарши ўқув ва тарғибот тадбирлари сони



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, ҳисобот даврида Марказий банкка ишга қабул қилишда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш юзасидан жами **129 нафар** номзодларнинг маълумотлари ўрганилди. Номзодларни ўрганишда уларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш жойидаги хулқ-атвори, меҳнат фаолиятида унга юклатилган вазифаларни ҳалол ва ҳолис амалга оширганлиги ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ маълумотларга эътибор қаратилди.

Ходимлар ҳуқуқий онгини ошириш ва коррупцияга қарши мурасиз муносабатни шакллантириш юзасидан Марказий банк тизимида қарийб **70 та ўқув ва тарғибот тадбирлари** ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва Марказий банк ички идоравий ҳужжатларидаги нормалар ва талаблар юзасидан Қўлланма, ходимлар иш столига қўйиладиган **“тейбл-тент”** тайёрланиб, барча ҳудудий бош бошқармалар ҳамда марказий аппарат таркибий бўлинмаларига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ-5263-сонли қарорига мувофиқ **37 та** янги ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари **антикоррупциявий экспертизадан ўтказилди.**

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк ходимлари томонидан Грузия Миллий банкининг коррупцияга қарши комплаенс-назорат соҳасидаги тажрибаси ўрганилди. Грузия Миллий банки тажрибаси асосида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш амалиёти такомиллаштирилмоқда.

IX. ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари*
(жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2023 йил	
	ҳажми, млрд сўмда	реал ўсиши, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	1 066 569,0	6,0
Саноат маҳсулоти ҳажми	665 821,9	6,0
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	189 009,7	7,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	404 648,6	3,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	352 064,1	22,1
Қурилиш ишлари ҳажми	149 864,1	6,7
Чакана савдо айланмаси	326 160,1	9,1
Хизматлар, жами	470 286,5	13,7
Ташқи савдо айланмаси, млн долларда	62 567,4	23,9
Экспорт, млн долларда	24 426,2	23,8
Импорт, млн долларда	38 141,2	24,0
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн долларда	-13 715,0	х

*Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

2-жадвал

Асосий савдо ҳамкор давлатларнинг 2023 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари*

(Ўтган йилга нисбатан реал ўзгариши)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Хитой	Туркия
Яли ички маҳсулот, фоизда	6,0	3,6	5,1	5,2	4,5
Саноат маҳсулоғи ҳажми, фоизда	6,0	7,0	4,2	4,2	0,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулоғлари ҳажми, фоизда	4,1	0,1	-7,7	4,2	-0,2
Инфляция, фоизда	8,8	7,4	9,8	-0,3	64,8
Ташқи савдо айланмаси, млрд долларда	62,6	710,2	139,8	5 936,8	617,6
Экспорт, млрд долларда	24,4	425,1	78,7	3 380,0	255,8
Импорт, млрд долларда	38,1	285,1	61,2	2 556,8	361,8

*Миллий статистика хизматлари маълумотлари

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари билан амалга оширган экспорт-импорт операциялари*

Давлатлар	Ташқи савдо айланмаси		Экспорт		Импорт	
	млн доллар	улуши, фоизда	млн доллар	улуши, фоизда	млн доллар	улуши, фоизда
Жами	62 567,4	100,0	24 426,2	100,0	38 141,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Хитой	13 722,0	21,9	2 461,8	10,1	11 260,1	29,5
Россия	9 883,8	15,8	3 307,6	13,5	6 576,1	17,2
Қозоғистон	4 398,9	7,0	1 372,5	5,6	3 026,4	7,9
Туркия	3 099,7	5,0	1 248,5	5,1	1 851,2	4,9
Корея	2 343,2	3,7	40,4	0,2	2 302,9	6,0
Туркменистон	1 094,4	1,7	171,2	0,7	923,2	2,4
Германия	1 054,2	1,7	75,8	0,3	978,4	2,6
Франция	984,7	1,6	392,1	1,6	592,6	1,6
Қирғизистон	953,4	1,5	631,5	2,6	321,9	0,8
Афғонистон	867,0	1,4	856,7	3,5	10,3	0,0
Тожикистон	756,8	1,2	605,0	2,5	151,8	0,4
Ҳиндистон	756,6	1,2	108,0	0,4	648,5	1,7
АҚШ	657,3	1,1	155,4	0,6	501,9	1,3
Бразилия	656,6	1,0	4,4	0,0	652,3	1,7
БАА	626,0	1,0	261,7	1,1	364,2	1,0

*Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.
1. Кредит ташкилотлари, жами*	199	204
<i>шу жумладан:</i>		
Тижорат банклари, шундан:	32	35
Давлат улуши мавжуд банклар	12	10
Бошқа банклар	20	25
Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:	167	169
Микромолия ташкилотлари	85	84
Ломбардлар	81	84
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари	1	1
2. Тижорат банклари филиаллари, жами	832	696
3. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)	1 543	1 816
4. 24/7 шохобчалари	2 974	3 723

*Тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(2024 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Банклар	Актив		Кредит қўйилмалари қолдиғи		Капитал		Депозитлар қолдиғи	
	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда
Жами	652 157,1	100,0	471 405,5	100,0	97 079,2	100,0	241 686,6	100,0
Давлат улуши мавжуд банклар	441 777,2	67,7	333 298,1	70,7	63 239,3	65,1	124 357,7	51,5
Давлат улуши бўлмаган банклар	210 379,9	32,3	138 107,4	29,3	33 839,8	34,9	117 328,9	48,5

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.			01.01.2024 й.			Номинал ўсиш, фоизда	Ўсиши (алмашув курси таъсири чиқариб ташланганда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Активлар	556 746,3	264 550,7	47,5	652 157,1	291 790,8	44,7	17,1	12,4
Кредит қўйилмалари қолдиғи	390 048,9	185 118,3	47,5	471 405,5	212 030,5	45,0	20,9	16,0
Депозитлар қолдиғи	216 737,5	84 942,7	39,2	241 686,6	72 170,9	29,9	11,5	8,5
Капитал	79 565,4	359,2	0,5	97 079,2	394,8	0,4	22,0	22,0

млрд сўмда

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.			01.01.2024 й.		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда	116,7	116,6	117,0	117,5	116,7	119,2
Активлар	556 746,3	435 135,6	121 610,7	652 157,1	441 777,2	210 379,9
Мажбуриятлар	477 180,8	373 216,4	103 964,4	555 077,9	378 537,9	176 540,1
Кредит кўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда	180,0	239,6	80,5	195,0	268,0	117,7
Кредитлар	390 048,9	324 680,8	65 368,2	471 405,5	333 298,1	138 107,4
Депозитлар	216 737,5	135 534,4	81 203,1	241 686,6	124 357,7	117 328,9

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал микдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар	Жами		шулардан:													
			100 млрд сўмгача		100 млрд сўмдан 200 млрд сўмгача		200 млрд сўмдан 350 млрд сўмгача		350 млрд сўмдан 500 млрд сўмгача		500 млрд сўмдан 1 трлн сўмгача		1 трлн сўмдан 2 трлн сўмгача		2 трлн сўм ва ундан юқори	
	банклар сони	микдори, млрд сўм	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда	банклар сони	улushi, фонзда
01.01.2023 йил ҳолатига																
Жами капитал	31	79 565,4	1	0,1	4	0,7	3	1,2	2	1,0	5	4,5	5	10,4	11	82,1
шундан, устав капитали	31	59 856,7	1	0,1	6	1,1	4	1,9	4	2,6	5	5,7	4	9,4	7	79,2
01.01.2024 йил ҳолатига																
Жами капитал	35	97 079,2			4	0,7	5	1,3	4	1,9	2	1,5	6	8,1	14	86,5
шундан, устав капитали	35	68 643,0			1	0,1	10	3,4	6	3,4	4	3,3	7	13,8	7	75,9

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлар миқдори бўйича гуруҳланиши
(2024 йил 1 январь ҳолатига)

млрд сўмда

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган тижорат банклари тақсимоли							
	банклар сони	сумма	3 трлн сўмгача		3 дан 10 трлн сўмгача		10 дан 30 трлн сўмгача		30 трлн сўмдан юқори	
			банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма
Активлар										
Активлар	35	652 157,1	13	12 524,1	8	57 595,2	7	129 079,5	7	452 958,3
Кредитлар	35	471 405,5	13	4 481,0	8	33 852,4	7	94 429,0	7	338 643,2
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	35	148 621,4	13	555,5	8	18 373,2	7	34 219,2	7	95 473,5
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	35	322 784,1	13	3 925,5	8	15 479,1	7	60 209,7	7	243 169,7
Қисқа муддатли кредитлар	35	61 195,4	13	1 541,3	8	5 205,3	7	11 764,1	7	42 684,6
Узоқ муддатли кредитлар	35	410 210,2	13	2 939,6	8	28 647,1	7	82 664,8	7	295 958,6
Миллий валютадаги кредитлар	35	259 369,9	13	3 116,0	8	24 635,0	7	61 035,4	7	170 583,4
Чет эл валютасидаги кредитлар	35	212 035,6	13	1 364,9	8	9 217,3	7	33 393,6	7	168 059,8
Капитал ва молиявий натижалар										
Капитал	35	97 079,2	13	3 789,3	8	9 648,4	7	20 411,7	7	63 229,8
Капитал етарлиги кўрсаткичи, фонзда	35	17,5	13	32,7	8	18,6	7	15,9	7	17,5
Соф фойда	35	12 380,0	13	266,0	8	2 396,0	7	3 491,1	7	6 226,9
Активлар даромадлиги, фонзда	35	2,6	13	3,5	8	5,7	7	3,6	7	1,8
Капитал даромадлиги, фонзда	35	14,2	13	9,5	8	29,2	7	19,0	7	10,8
Мажбуриятлар										
Аҳоли омонатлари	35	86 344,6	13	2 938,9	8	15 506,3	7	18 559,2	7	49 340,2
Юридик шахслар депозитлари	35	155 342,0	13	3 900,8	8	22 329,2	7	35 940,2	7	93 171,9

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий бар қарорлик кўрсаткичлари

млрд сўмда

Асосий кўрсаткичлар	2022 йил декабрь	2023 йил декабрь
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	17,8	17,5
Жами регулятив капитал	83 413,0	105 914,5
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	467 999,7	603 944,6
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	14,5	14,1
I даражали капитал	67 793,5	84 910,8
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	467 999,7	603 944,6
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати, фоизда	9,0	9,9
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	7 466,8	10 515,5
Жами регулятив капитал	83 413,0	105 914,5
Муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати, фоизда	3,5	3,5
Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	13 992,4	16 621,4
Жами кредитлар ва микроқарзлар	396 130,4	481 158,3
Активлар рентабеллиги, фоизда	2,5	2,6
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	12 579,5	15 155,2
Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача)	497 363,1	593 184,7
Капитал рентабеллиги, фоизда	13,3	14,2
Соф фойда	9 993,4	12 380,0
Жами капитал (давр учун ўртача)	74 890,2	86 923,4
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	42,1	40,8
Фоизли маржа	24 161,7	28 995,8
Ялпи даромад	57 343,9	71 049,6
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	46,5	46,2
Фоизсиз харажатлар	26 688,4	32 836,1
Ялпи даромад	57 343,9	71 049,6
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	21,5	16,2
Ликвид активлар	119 709,5	105 421,1
Активларнинг умумий суммаси	556 746,3	652 157,1
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда	47,3	37,1
Ликвид активлар	119 709,5	105 421,1
Қисқа муддатли мажбуриятлар	253 038,6	283 846,0
Жами I даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	12,2	13,0
I даражали капитал	67 793,5	84 910,8
Активларнинг умумий суммаси	556 746,3	652 157,1

11-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари

млрд сўмда

Сана	шундан:									
	Кредитлар			Муаммоли кредитлар			Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда			
	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	
01.01.2023 й.	390 048,9	324 680,8	65 368,2	13 992,4	12 643,3	1 349,1	3,6	3,9	2,1	
01.01.2024 й.	471 405,5	333 298,1	138 107,4	16 621,4	13 267,2	3 354,2	3,5	4,0	2,4	

12-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг
даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд сўмда

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.
Фоизли даромадлар	61 727,8	86 679,1
Фоизли харажатлар	37 566,1	57 683,3
Фоизли маржа	24 161,7	28 995,8
Фоизсиз даромадлар	33 182,3	42 053,7
Фоизсиз харажатлар	11 811,9	13 272,8
Операцион харажатлар	14 876,5	19 563,3
Фоизсиз даромад (зарар)	6 493,9	9 217,6
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	13 862,7	18 413,1
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	4 213,4	4 645,1
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	12 579,5	15 155,2
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	2 587,2	2 775,2
Соф фойда (зарар)	9 993,4	12 380,0

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари	2022 йил	2023 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,5	2,6
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	13,3	14,2
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	4,3	4,4
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	6,2	6,2
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	5,1	5,2
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	4,9	4,9

13-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.		01.01.2024 й.	
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда
I даражали капитал	67 793,5	81,3	84 910,8	80,2
Асосий капитал	67 598,1	81,0	84 865,9	80,1
Кўшимча капитал	195,4	0,2	44,9	0,0
II даражали капитал	15 619,6	18,7	21 003,7	19,8
Жами регулятив капитал	83 413,0	100,0	105 914,5	100,0
<i>Капитал монандлик даражаси, фоизда</i>	<i>17,8</i>		<i>17,5</i>	
<i>I даражали капитал монандлик даражаси, фоизда</i>	<i>14,5</i>		<i>14,1</i>	

14-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2023 й.	01.01.2024 й.
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	19,4	14,9
<i>миллий валютада, фоизда</i>	18,7	13,8
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	20,2	17,3
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	211,6	164,8
<i>миллий валютада, фоизда</i>	216,8	157,0
<i>хорижий валютада фоизда</i>	202,2	167,9
Соф барқарор молиялаштириш меъёри, фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	115,6	111,8
<i>миллий валютада, фоизда</i>	117,4	111,8
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	113,4	111,9
Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз)	110,1	87,4

15-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича таснифи

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.		01.01.2024 й.		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	390 048,9	100,0	471 405,5	100,0	20,9
Саноат	126 646,6	36,0	140 152,0	29,7	10,7
Қишлоқ хўжалиги	42 096,4	10,7	47 255,0	10,0	12,3
Қурилиш соҳаси	10 399,7	2,8	12 274,7	2,6	18,0
Савдо ва умумий хизмат	28 910,6	8,4	32 515,5	6,9	12,5
Транспорт ва коммуникация	29 672,6	8,8	34 341,9	7,3	15,7
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3 856,1	1,2	4 067,0	0,9	5,5
Жисмоний шахслар	100 948,7	21,3	148 621,4	31,5	47,2
Бошқа соҳалар	47 518,1	10,0	52 178,0	11,1	9,8

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва депозит сертификатлари таснифи

млрд сўмда

Сана	Жами	муддат бўйича:				1 йилдан юқори
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача	
01.01.2023 й.	216 737,5	92 552,6	4 463,0	25 587,5	26 854,6	67 279,9
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	42,7	2,1	11,8	12,4	31,0
01.01.2024 й.	241 686,6	85 197,6	6 300,7	30 028,0	34 951,7	85 208,6
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	35,3	2,6	12,4	14,5	35,3

Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.		01.01.2024 й.		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
Пул массаси (M2), жами	189 085,1	100,0	212 086,1	100,0	12,2
<i>шу жумладан:</i>					
муомаладаги нақд пуллар (M0)	42 206,2	22,3	45 607,7	21,5	8,1
нақд пулсиз маблағлар	146 878,9	77,7	166 478,4	78,5	13,3
<i>шундан:</i>					
миллий валютада	96 625,9	51,1	118 820,7	56,0	23,0
чет эл валютасида	50 253,0	26,6	47 657,7	22,5	-5,2

18-жадвал

Резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2023 й.		01.01.2024 й.		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд сўмда	улуши, фоизда	млрд сўмда	улуши, фоизда	
Резерв пуллар, жами	78 985,5	100,0	82 875,5	100,0	4,9
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	48 842,9	61,8	54 628,3	65,9	11,8
банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	27 276,1	34,5	25 054,5	30,2	-8,1
банкларнинг мажбурий захиралардаги маблағлари	2 638,0	3,3	2 843,5	3,4	7,8
Марказий банк мижозларининг депозитлари	228,5	0,3	349,2	0,4	52,8